

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида*

**УДК: 334.75:6п9:9:33 (575.1)**

**ХОЛБЕКОВА ФЕРУЗАХОН РАСУЛОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
АСОСИДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ  
(Фарғона водийси мисолида)**

08.00.02 – “Макроиқтисодиёт”

08.00.12 “Минтақавий иқтисодиёт”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий  
даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори,  
профессор Мустафакулов Ш.И.**

**ТОШКЕНТ-2022**

## МУНДАРИЖА

|               |  |            |
|---------------|--|------------|
|               | <b>КИРИШ</b> .....   | <b>3</b>   |
| <b>1-боб.</b> | <b>ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....      | <b>14</b>  |
| 1.1.          | Макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг таркибий ўзгаришини иқтисодий ўсишига таъсири.....   | 14         |
| 1.2.          | Макроиқтисодий барқарорликка эришишга таъсир этувчи омилларнинг таркибий мазмун ва моҳияти.....  | 25         |
| 1.3.          | Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-услубий асослари ва концептуал жиҳатлари.....                           | 45         |
|               | Биринчи боб бўйича хулоса.....   | 54         |
| <b>2-боб.</b> | <b>ФАРҒОНА МИНТАҚАСИ ВИЛОЯТЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТ ВА ИМКОНИАТЛАРИ</b> ..... | <b>56</b>  |
| 2.1.          | Минтақа вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни ўзига хос имконият ва муаммолари.....   | 56         |
| 2.2.          | Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсир этувчи асосий омилларини кўп омилли эконометрик модель ёрдамидаги таҳлили.....   | 67         |
| 2.3.          | Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ўзига хос минтақавий стратегик жиҳат ва имкониятлари.....                       | 76         |
|               | Иккинчи боб бўйича хулоса.....   | 99         |
| <b>3-боб.</b> | <b>МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАНИШИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ</b> .....                                  | <b>102</b> |
| 3.1.          | Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишига таъсир этувчи асосий омилларни такомиллаштириш йўналишлари.....  | 102        |
| 3.2.          | Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишида маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ривожлантириш.....   | 113        |
| 3.3.          | Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бандликни таъминлаш асосида камбағаллик даражаси пасайтириш имкониятларини ошириш йўналишлари.....                          | 121        |
|               | Учинчи боб бўйича хулоса.....  | 136        |
|               | <b>ХУЛОСА</b> .....  | <b>138</b> |
|               | <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....  | <b>140</b> |

## КИРИШ

**Диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Дунё мамлакатлари иқтисодий ўсиш даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири муайян даврда мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳисобланади. Халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра, “ялпи ички маҳсулот ҳажми 2020 йилда Америка Қўшма Штатларида 19390 млрд. доллар, Хитойда 12014 млрд. доллар, Германияда 3684 млрд. долларни ташкил этган”<sup>1</sup>. COVID-19 пандемияси шароитида деярли барча мамлакатлар олдида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммоси долзарб тус олди. Жаҳон банки ҳисоботида таъкидланишича, “...маҳаллий ҳукуматлар пандемиянинг узок муддатли асоратларини бартараф этиш билан шуғулланишлари ҳамда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишни назардан қочирмаган ҳолда, иқтисодиётни экологик, барқарор ва инклюзив ўсишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари лозим”<sup>2</sup>. Шунга кўра, ҳозирда жаҳон иқтисодиётида пандемия таъсирида вужудга келган беқарорликнинг олдини олиш ҳамда барқарор ўсишни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва тадқиқот муассасаларида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Глобал муаммолар, хусусан, пандемия шароитида макроиқтисодий беқарорликнинг намоён бўлиши ва унинг олдини олиш йўллари, тараққиётнинг замонавий тенденциялари таъсири остида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш омилларининг ўзгариши, миллий иқтисодиётда маҳаллий ишлаб чиқариш аҳамиятининг ортиб бориши ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари, макроиқтисодий барқарорликдаги қисқа ва узок муддатли тебранишларни бартараф этишда маҳаллий ишлаб чиқариш

---

<sup>1</sup> Манба: <https://aarr.ru/vvp-po-stranam-mira/>

<sup>2</sup> Манба: <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2021/06/08/>.

таркибий тузилмасини такомиллаштириш орқали таъсир кўрсатиш каби тадқиқот йўналишлари шулар жумласидан ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш дастурини изчиллик билан амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатлари сақлаб қолиниб, макроиқтисодий мувозанат, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатининг ошиши таъминланмоқда. Жумладан, “маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми кейинги йиллар давомида камида 20 фоизга оширилиши белгилаб берилди”<sup>3</sup>.

Бундан кўринадики, Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ўсишини таъминлаш, минтақаларда маҳаллий саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш заҳиралари, маҳаллий аҳолининг меҳнат маданияти, кўникмаси ҳамда салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш асосида камбағаллик даражасини пасайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”, 2022 йил 9 июндаги ПФ-150-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 август, ПҚ-4426-сонли қарори. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

тўғрисида”, 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимиятининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон итисодиётида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва бозор муносабатлари шароитида ҳудудларнинг иқтисодий ўсишига таъсир этувчи омилларининг ривожлантиришга оид муаммо ҳамда истикболлари кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб чиқилган. Жумладан, хорижлик олимлардан Т.А.Агапова, С.Д.Бодрунов, Г.С.Вечканов, А.Г.Дружинин, Ж.М.Кейнс, Э.Ж.Долан, Г.В.Корнейчук, Т.В.Кушнаренко, Н.Г.Мэнкью, М.В.Маркусенко, Р.Пиндайк, Д.Рубинфельд, Д.Рудигер, О.И.Румянцева, С.Н.Ивашковский, Ф.Стэнли, С.Ф.Серегина, Л.Г.Симкина, Л.С.Тарасевич, Д.Е.Линдсей, А.И.Лученок, А.И.Лусский, С.С.Шитов, О.Л.Шулейко, В.А.Яллай кабилар ўз илмий ишларида кўриб чиқилган.

Республикамиз олимларидан Г. Қ. Абдурахмонова, Ҳ. Абдулқосимов, Д. К. Ахмедов, М. Т. Асқарова, Б. Беркинов, А. У. Бурханов, А. В. Вахобов, Б.Б.Валиев, З.А.Джумаев, К.Жумаев, А.Э.Ишмухамедов, С.К.Зиёдуллаев, Ш.И. Мустафакулов, Н.М Махмудов, Р.Раҳмонов, А.Ўлмасов, Ҳ.Назарова, А.Набихужаев, Н.И.Рустамов, П.Хошимов, Ф.Т.Эгамбердиев, М.П.Эшов, А.Қаюмов, Ш.Қобилов, Ш.Шодмонов, Ў.Якубов, И.О.Якубов ва бошқалар томонидан ушбу мавзуда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ҳамда олиб

борилмоқда. <sup>4</sup> Бугунги кунда бу олимларнинг асарлари мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсиш борасидаги олиб борилаётган тадқиқот мавзуларини ёритишда асосий услубий манба ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий асарлари, концептуал қарашлари бозор муносабатлари шароитида олиб

---

<sup>4</sup>Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник. - 7-е изд. перераб. и доп. - М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005.; Бодрунов С.Д. Формирование стратегии реиндустриализации России. Монография. Ин-т нового индустриал. развития. – СПб., 2013. – 680с.; Валиев Б. Б. Худудларда иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришни оширишда инвестиция ресурсларини фаол жалб қилиш йўллари. // Иқтисод ва молия / экономика и финансы 2019, 3№5 (125); Г.С., Вечканов, Г.Р. Вечканова. Макроэкономика. Учебник. Издательство: Издательский Дом ПИТЕР, 2016-288с.; Дружинин А.Г., Ионов А.Ч. Концептуальные основы регионализации экономики. Ростов н/Д: Изд-во СКНЦВШ, 2001.; Дорнбуш Рудигер, Фишер Стэнли. Макроэкономика.пер. с англ. - М.: Изд-во МГУ, ИНФРА-М, 1997. - 784 с.; Дружинин А.Г., Ионов А.Ч. Концептуальные основы регионализации экономики. Ростовн/Д: Изд-во СКНЦВШ, 2001.; John Maynard Keynes. A tract on monetary reform, L., 1923 (рус. пер.: Трактат о денежной реформе, М.,1925); Э.Дж. Долан, Д.Е. Линдсей Микроэкономика. – СПб., 1994.; Л.Г.Симкина, Г.В. Корнейчук Микроэкономика. – СПб, 2003.; Т. В. Кушнаренко Стратегии несырьевого развития региональной экономики: учет феномена многоукладности: Моногр. Ростов н/Д: ИПК РГЭУ (РИНХ), 2016. - 304 с.; Мэнкью Н.Г. "Макроэкономика". – М.: МГУ, 1994.; Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроэкономика. – М.: Экономика, Дело, 992; Шитов С.С.Экономическая география и регионалистика.- М.:1998.; А.И. Лученок, О.Л. Шулейко, О.И. Румянцева, М.В. Маркусенко и др. Проблемы макроэкономического регулирования.– Мн.: Право и экономика. Электронная версия. 2005. 178с.; Райзберг Б.А. Современный социоэкономический словарь. М., 2012, с. 264.; С.Н.Ивашковский. Макроэкономика. Учебник 2-сизд.,испр.,доп. –М.: Дело, 2002.- 472с.; Тарасевич Л.С., Гребников П.И., Луцкий А.И. Макроэкономика: Учебник.- 6-е изд., испр. и доп. – М.: “Высшее образование”, 2006, 214с.; В.А. Яллай. Макроэкономика. Учебное пособие. Псков. ПГПИ, 2003.-104с. Абдулқосимов Ҳ. “Макроиктисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография”. Т. : “Akademiya”, 2011 й.; Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.; Асқарова М.Т. Макроиктисодий сиёсат йўналишларини такомиллаштириш –иқтисодий ўсишни таъминлаш омили. // “Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари. 2016й.;Б. Беркинов, Ф. Маматова. Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. Монография. Тошкент-2011.; Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. Монография.-Т.:Иновацион ривожланиш нашириёт-матбаа уйи, 2019.-160 б.; Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. Т.:“Iqtisod-Moliya”, 2014 й., Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. - Т.: Иқтисодиёт, 2017.; Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги: назария, ме-дология ва амалиёт. Монография. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2017 й. – 328 б.; Р. Раҳмонов. Фаргона минтақаси экспорт салоҳияти ва унга таъсир килувчи омиллар. // Иқтисод ва Молия. №5 2011.; А.Ўлмасов. Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма.-Т.:«Меҳнат», 1997.; А. Набихужаев, Ю. Шеров П. Султонов. Макроиктисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг Ўзбекистондаги динамикаси. // Иқтисод ва Молия. №2 2011.; Мирзакаримова М., Қаюмов А. Миллий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма.- Т.: «Университет», 2003.; 1999.- 192 б.; П.З. Хошимов. Экономика социальной сфер. Учебное пособие. -Т.: «Университет», 2002.; Эшов М.П. Корхонанинг фундаментал қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Dsc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2020.; Ф.Т. Эгамбердиев. Худудий инвестиция сиёсати ва худудларни мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш. // “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш муаммолари ва устувор йўналишлари” номли республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами 25 апрель 2019 йил (Ўз. Рес. Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти); Қобилов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: Ўз.Рес. ИИВ Академияси, 2013.-775б.; Шодмонов Ш. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш жараёни.// “Biznes - эксперт”, 30.07.2018, №7(127); Якубов И.О. ва бошқалар. Стратегик режалаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашириёти, 2004.-192 б.

борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг муҳим илмий ҳамда услубий манбаи ҳисобланган. Лекин дунё иқтисодиётидаги вазият, жумладан, иқтисодиётнинг кескин ва жадал ўзгариши, бозордаги рақобатнинг кучайиши ва технологик тараққиётнинг жадаллашуви туфайли иш ўринларининг қисқариб бориши жараёнида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсир этувчи омилларни ривожлантириш муаммоларининг ўрганилишини тақозо этмоқда.

Шунингдек, республикамизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалардан бири аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўлиб, уни амалга оширишда маҳаллий ишлаб чиқариш тизимининг аҳамияти янада ортиб боради. Шу сабабли маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тараққиёт талабларига мос ҳолда ривожлантириш замон талабига айланмоқда.

**Диссертация мавзуси диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот иши режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида эришиш ҳамда бу орқали маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва камбағаллик даражасини пасайтириб боришга қаратилган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

тараққиёт таъсирида ўзгаришлар содир бўладиган иқтисодий категорияларга назарий жиҳатдан янгича муаллифлик таърифларини бериш;

иқтисодий тараққиётнинг тез ўзгарувчан шароитида макроиқтисодий барқарорликни таъминланишига таъсир этувчи омилларнинг ташкилий, таркибий тузилиши борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодий ўсишни таъминлашда меҳнат ва ишлаб ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

макроиқтисодий барқарорликни таъминланишида маҳаллий аҳолининг яшаш турмуш тарзини ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий маҳиятини танқидий ўрганиш асосида ўзгарувчан иқтисодиётга мос келувчи усулларни тавсия этиш;

маҳаллий аҳолининг камбағаллик даражасини пасайтириш ва боқимандалик кайфиятига тушиб қолмаслигини камайтиришда хориж тажрибасини ўрганиш ва бу борада ижобий амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, Фарғона минтақаси ҳудудларида макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишидаги маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети**ни маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиш ва ривожлантириш билан макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, гуруҳлаш, статистик кузатув, иқтисодий математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг омиллар сифатида ҳудуднинг эпидемиологик ҳолати ва аҳолининг саломатлик даражасини акс эттирувчи эколого-эпидемиологик муҳитнинг соғломлиги кўрсаткичидан фойдаланиш таклифи асосланган;

макроиқтисодий барқарорликнинг асосий нисбатларини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида минтақалардаги уй хўжаликларини статистик кузатиш



орқали намоён бўлувчи аҳолининг умумий истеъмол сарфлари таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари улуши бўйича ўзгаришларнинг камбағаллик даражасига таъсирини ҳисобга олиш таклифи асосланган;

минтақалардаги маҳаллий хом ашё асосида фаолият юритаётган паст рентабелли йирик корхоналарга маҳаллий ишлаб чиқарувчи мақомини бериш учун маҳаллий бошқарувга ўтказиш ҳамда тегишли қўллаб-қувватлаш тизими орқали уларни ривожлантириш таклифи асосланган;

Фарғона иқтисодий минтақасида маҳаллий ишлаб чиқариш тавсифидаги тармоқ ва соҳалардаги кескин жорий конъюнктуравий ўзгаришлар шароитида барқарор ишлаб чиқариш ҳажмини таъминловчи кўп бўғинли кооперацион алоқаларини “кафолатли иқтисодий дастаклар” ҳисобига кенгайтириш орқали кичик ҳудудий яхлит самарали такрор ишлаб чиқариш циклини йўлга қўйиш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қайта саноатлаштириш тизими тамойиллари асосида Фарғона вилоятида кластер тизимини ташкил қилиш билан сифатли ва тўйимли тут плантацияларини етиштиришдан бошлаб, то пиллани қайта ишлаш билан анъанавий маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобланган атлас тўқиш хунарини ривожлантириш натижасида маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади;

серҳосил анор дарахтини экиш билан интенсив боғларни яратишдан бошлаб, то уни парваришlash, мевасини йиғиштириб олиш ва сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш ҳамда сотишгача бўлган “маҳсулот етиштириш - харид қилиш - сақлаш ва қайта ишлаш - экспорт” занжирли жараёни ўз ичига олувчи кластер тизимни ташкил этиш билан кооперация тизимида анорчилик касб маданияти қайта тикланишига, қўшимча ишчи ўринларнинг яратилишига ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишига эришилади;

минтақа ҳудудида жойлашган, кам рентабелликда ишлаётган йирик саноат корхоналарга маҳаллий ишлаб чиқариш мақомини бериш билан маҳаллий бюджет даромадларини ошириб боришга ва иқтисодий ўсишга эришилади;

ишлаб чиқариш тизими жиҳатдан дехқон ва фермер хўжалиklarини маҳаллий ишлаб чиқаришга киритиш ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсишига, маҳаллий ишлаб чиқаришда экспорт кўламини кенгайтиришга олиб келади;

макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган аҳолининг яшаш турмуш тарзини яхшилаш яъни, камбағаллик даражасини пасайтиришдир.

Бу соҳада Хитой давлати тажрибасидан фойдаланиш амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва берилган имкониятлар аҳолининг камбағал қатламини ўз меҳнати билан яшаш шароитининг яхшилашига ундайди ҳамда маҳаллий аҳолининг боқимандалик кайфиятига тушмасликка олиб келади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда фойдаланилган маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг минтақанинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, минтақанинг ривожлантириш стратегияси ва ҳисобот маълумотларидан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти ҳудуднинг минтақавий сиёсатини такомиллаштириш стратегиясида белгиланган асосий йўналишларни рўёбга чиқаришда, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг қайта саноатлаштириш тизими асосида ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни ифодаловчи илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот эришилган натижаларидан тармоқ мутахассислари малакасини ошириш

курсларида ҳамда “Макроиктисодиёт”, “Ҳудудлар иқтисодиёти” каби иқтисодий фанларни ўқитишда, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Республикамиз ҳудудларининг ўзи хос шароит, имкониятлари ва маҳаллий аҳолининг меҳнат кўникмасини ҳисобга олиб, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш билан минтақа макроиктисодий барқарорлигини таъминлашга эришиш имкониятларини аниқлашда катта аҳамиятига эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Макроиктисодий барқарорликни таъминлашга маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида эришиш ҳамда бу орқали маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва камбағаллик даражасини пасайтириб боришга қаратилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

макроиктисодий барқарорликни таъминлашда ҳудуднинг эпидемиологик ҳолати ва аҳолининг саломатлик даражасини акс эттирувчи эколого-эпидемиологик муҳитнинг соғломлиги кўрсаткичидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан “Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низом”ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 10 июлдаги 01/1-13-17/-2-83-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан бир қаторда унинг эпидемиологик ҳолати ва аҳолининг саломатлик даражасини мунтазам назорат қилиш имкони яратилган;

макроиктисодий барқарорликнинг асосий нисбатларини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида минтақалардаги уй хўжаликларини статистик кузатиш орқали намоён бўлувчи аҳолининг умумий истеъмол сарфлари таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари улуши бўйича ўзгаришларнинг камбағаллик даражасига таъсирини ҳисобга олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан “Уй хўжалигида кузатув ўтказиш бўйича услубий низом”ни такомиллаштиришда

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 10 июлдаги 01/1-13-17/-2-83-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида минтақалардаги уй хўжаликларини кузатишда аҳолининг камбағаллик ва турмуш шароитига оид кўрсаткичларини баҳолашнинг аниқлик даражаси ортган;

минтақалардаги маҳаллий хомашё асосида фаолият юритаётган паст рентабелли йирик корхоналарга маҳаллий ишлаб чиқарувчи мақомини бериш учун маҳаллий бошқарувга ўтказиш ҳамда тегишли қўллаб-қувватлаш тизими орқали уларни ривожлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 10 июндаги 04/16-02-10-174-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида паст рентабелли йирик корхоналар молиявий-иқтисодий ҳолатининг яхшиланиши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг кенгайишига имкон яратилган;

Фарғона иқтисодий минтақасида маҳаллий ишлаб чиқариш тавсифидаги тармоқ ва соҳалардаги кескин жорий конъюнктуравий ўзгаришлар шароитида барқарор ишлаб чиқариш ҳажмини таъминловчи кўп бўғинли кооперацион алоқаларини “кафолатли иқтисодий дастаклар” ҳисобига кенгайтириш орқали кичик ҳудудий яхлит самарали такрор ишлаб чиқариш циклини йўлга қўйиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 10 июндаги 04/16-02-10-174-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ҳудудлардаги кооперацион алоқаларнинг кенгайиши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш барқарорлигининг ошишига имкон яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур илмий тадқиқот натижалари тўртта халқаро ва учта республика миқёсидаги илмий - амалий

конференцияларда апробациялардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича битта монография, ўн та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган нашрларда тўртта ва хорижий журналларда олти та мақола чоп этилган. Тадқиқот натижалари етти та тезис, жумладан, тўртта тезис халқаро конференция материалларида, учта тезис республика конференция материалларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бир-бирига боғлиқ учта боб, боблар бўйича хулоса, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

# **I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар ва таркибий ўзгаришининг иқтисодий ўсишга таъсири**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли фармонининг 22-мақсадда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш асосий вазифалардан бири қилиб белгилаб қўйилган.<sup>5</sup>

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таҳлил қилиш, миллий иқтисодиёт ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқариш учун бир қатор иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Алоҳида фирмалар фаолиятига баҳо беришда қўлланиладиган кўрсаткичлардан фарқли тарзда бу кўрсаткичлар миллий иқтисодиётнинг барча субъектлари фаолиятига умумий баҳо бериш, макроиқтисодий таҳлиллар ўтказиш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳонда рақобатга бардошлилиги даражасини аниқлаш имконини беради.

Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф ички маҳсулот (СИМ), ялпи миллий даромад (ЯМД), соф миллий даромад (СМД), шахсий даромад (ШД), Шахсий тасарруфдаги даромад (ШТД), истеъмол (И), жамғариш (Ж) кўрсаткичлари ҳажми ва ўсиш суръатлари;

- иқтисодиётнинг таркибий тузилиши;

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони, “Халқ сўзи”газетаси 1 февраль 2022 й.

- мамлакатдаги экспорт ва импортнинг ҳажми, таркиби, ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва ўсиш суръатлари;


- ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини белгиловчи иқтисодий кўрсаткичлар (меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими);

- давлат бюджети тақчиллиги, дефлятор, истеъмол баҳолари индекси, инфляциянинг ўсиш суръатлари;

- ишсизлик даражаси ва аҳолининг иш билан бандлик даражаси;

- аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, уларнинг жамғармалари, иш ҳақининг қуйи миқдори ва бошқалар.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш, унга тизимли баҳо бериш учун юқорида санаб ўтилган барча кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур, акс ҳолда бир томонлама ёндашувга йўл қўйилиши мумкин.



### 1.1-расм. Марказий Осиё давлатларида ялпи ички маҳсулот динамикаси <sup>6</sup>

Расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Марказий Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулот 2021-2022 йилларда энг юқори даражада бўлиши, яъни 2019 йилга нисбатан 0,5

<sup>6</sup>Манба: Жаҳон банкининг расмий веб-сайти. [www.facebook.com/account/sign\\_up](http://www.facebook.com/account/sign_up)

фоизга ўсиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришга илмий асосланган ва хорижий илғор технологияларни жорий қилиш, кенг қўламли инвестицияларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт ва импорт операциялари мутаносиблигини таъминлаш, янги инновациялар асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш, анъанавий маҳаллий меҳнат кўникмаларидан тўғри фойдаланишни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириб боришни тақозо қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларнинг амалга оширилиши, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсишга эришишни белгилаб беради.

1.1-жадвал

**2019 йилда энг юқори иқтисодий ўсишга эришган ўнталиikka  
кирувчи давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти тўғрисида маълумот<sup>7</sup>**

| №  | Давлатларнинг номи | 2019 йилда ЯИМ          |                  | 2020 йилда ЯИМ          |                  |
|----|--------------------|-------------------------|------------------|-------------------------|------------------|
|    |                    | Ўсиш кўрсаткичи, фоизда | Ҳажми, трил.дол. | Ўсиш кўрсаткичи, фоизда | Ҳажми, трил.дол. |
| 1  | Хиндистон          | 7,4                     | 2,9              | 7,4                     | 3,3              |
| 2  | Хитой              | 6,3                     | 14,2             | 6,1                     | 15,7             |
| 3  | А Қ Ш              | 2,5                     | 21,5             | 1,7                     | 22,3             |
| 4  | Бразилия           | 2,3                     | 2,1              | 2,5                     | 2,2              |
| 5  | Канада             | 2,0                     | 1,7              | 1,9                     | 1,8              |
| 6  | Германия           | 1,8                     | 4,2              | 1,6                     | 4,5              |
| 7  | Франция            | 1,7                     | 2,9              | 1,6                     | 3,1              |
| 8  | Буюк Британия      | 1,4                     | 3,0              | 1,5                     | 3,2              |
| 9  | Япония             | 1,1                     | 5,2              | 0,6                     | 5,4              |
| 10 | Италия             | 1,1                     | 2,1              | 1,0                     | 2,3              |

Жадвалдан кўришиб турибдики, 2019 йилда энг юқори иқтисодий ўсишга эришган ўнталиikka кирувчи давлатлар ичида Америка Қўшма Штатларининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми жиҳатдан 21,5 трлн. долларни ташкил этиб, етакчилик қилмоқда. Ундан кейин Хитой давлатининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 14,2 трлн. долларни ташкил этиб, у ҳам биринчи ўринга даъвогарлик

<sup>7</sup><https://basetop.ru/rejting-ekonomik-mira-2019>



қилмоқда. Шунингдек, Ҳиндистоннинг ялпи ички маҳсулоти ўсиш даражаси энг юқори, яъни 7,4 фоизга тенг бўлса, Япония давлатида эса ўсиш даражаси энг паст бўлиб, 2020 йилда 0,6 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Қайд этиш лозимки, республикамизда улкан имкониятлар бўла туриб, жадвалда мамлакатимиз кўрсаткичлари келтирилмаган.

Макроиқтисодий статистика ва таҳлилда узоқ давр мобайнида ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларидан баравар фойдаланиб келинди. Ҳар иккала агрегат кўрсаткич ҳам мамлакатдаги иқтисодий фаоллик даражасини ифодаласа ҳам капитал ва ишчи кучи миграцияси мавжудлиги сабабли улар ўзаро фарқ қилади. Бугунги кунга келиб жаҳонда миллий ҳисоб тизимини қўллайдиган барча давлатларнинг иқтисодий ўсишини белгилашда ялпи ички маҳсулот асосий макроиқтисодий кўрсаткич сифатида тан олинади. Кўпгина иқтисодий адабиётларда “Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланилган ресурслар қайси давлатга тегишлилигидан қатъий назар, мамлакатнинг географик ҳудудида яратилган пировард товарлар ва хизматларнинг бозор баҳолари йиғиндиси” деб таъриф бериб келинган. 1993 йилда қабул қилинган миллий ҳисоблар тизимининг янги талқинига кўра ялпи ички маҳсулот тушунчасига аниқлик киритилди. Янгича талқинга кўра: Ялпи ички маҳсулот - мамлакат резидентлари томонидан маълум муддат давомида ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йиғиндисидан иборат.

Ялпи ички маҳсулотнинг “ички” деб аталишига сабаб - унинг мамлакат резидентлари томонидан яратилишидир. Резидент деганда фақат мамлакатни юридик ва жисмоний шахслари тушунилмайди. Мамлакатнинг юридик шахси бошқа мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ фаолият юритган ўша мамлакат резиденти деб қаралади.

“Миллий тегишлилиги ва фуқаролигидан қатъий назар, мазкур мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида иқтисодий манфаат марказига эга бўлган (ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган, ёки мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ яшаётган) барча иқтисодий бирликлар (корхоналар, уй

хўжаликлари) резидент ҳисобланади”<sup>8</sup>. Элчихоналар ва ҳарбий базалар ўзлари тегишли бўлган мамлакатларнинг иқтисодий макони бўлиб қолаверадилар. Айнан шу жиҳат ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашда иқтисодий ва географик ҳудуд ўртасидаги фарқ деб қаралади.

Миллий ҳисоблар тизимига кўра миллий иқтисодиёт ривожланишини таҳлил этиш учун ялпи ички маҳсулот кўрсаткичидан бошқа яна бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар жумласига ялпи миллий даромад кўрсаткичи ҳам қиради. Бу кўрсаткич миграция бўйича, халқаро ташкилот талаби бўйича олдинги кўринишида ҳисобланган ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи билан моҳиятан бир хил. Шу сабабли кўп ҳолларда миллий иқтисодиёт ривожланишини таҳлил этишда ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи қўлланилмайди.

Ялпи миллий даромад - мамлакат резидентлари томонидан мамлакатда ва мамлакат ташқарисида, ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва мулкдан олган бошланғич даромадлари йиғиндисидир.

Ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни қуйидаги формула кўринишида тасаввур этиш мумкин:

$$\text{ЯМД} = \text{ЯИМ} + \text{РХД} - \text{НХД}. \quad (1.1)$$

Бунда, ЯМД - ялпи миллий даромад;

ЯИМ - ялпи ички маҳсулот;

РХД - мамлакат резидентлари томонидан хорижда олинган даромадлар;

НХД - норезидентларнинг мамлакатдан хорижга жўнатган даромадлари.

Ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромаднинг жиддий фарқи шундаки, улардан биринчиси мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматлар оқимини ўлчаса, иккинчиси улардан олган бошланғич даромадни ўлчайди.

Соф ички маҳсулот ва соф миллий даромад кўрсаткичлари ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад кўрсаткичларидан амортизация (истеъмол

---

<sup>8</sup> Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

қилинган асосий капитал) суммаси миқдорига фарқ қилади.

$$\text{СИМ} = \text{ЯИМ} - \text{А}. \quad (1.2)$$

Бунда, СИМ- соф ички маҳсулот;

ЯИМ-ялпи ички маҳсулот;

А- амортизация (истеъмол қилинган асосий капитал).

$$\text{СМД} = \text{ЯМД} - \text{А}. \quad (1.3)$$

Бунда, СМД- соф миллий даромад;

ЯМД- ялпи миллий даромад;

А- амортизация (истеъмол қилинган асосий капитал).

Макроиктисодий таҳлилда, шунингдек шахсий даромад кўрсаткичи ҳам қўлланилади.

$$\text{ШД} = \text{СМД} - [\text{ИСА} + \text{БС} + \text{ФС} + \text{ТФ} + \text{БФД}] + \text{ТТ} + \text{ФШД}. \quad (1.4)$$

Бунда, ШД- шахсий даромад;

СМД- соф миллий даромад;

ИСА- ижтимоий суғурта ажратмалари;

БС- билвосита солиқлар;

ФС- компания фойдасига солиқлар;

ТФ – компаниянинг тақсимланмаган фойдаси;

БФД- бизнеснинг фоиз даромадлари;

ТТ - компаниянинг трансферт тўловлари;

ФШД- фоизлар кўринишида олинган шахсий даромад.

Аҳоли фоизлар кўринишида олган даромадга давлат қарзлари бўйича олинган фоиз даромадлари ҳам киритилади. Шахсий даромаддан аҳоли тўлайдиган даромад солиғи, мулк солиғи ва айрим носолиқ тўловларини айириш билан шахсий тасарруфдаги даромад кўрсаткичи топилади.

Шахсий тасарруфдаги даромад уй хўжаликлари томонидан истеъмол ва жамғариш учун ишлатилади:

$$\text{ШТД} = \text{С} + \text{S}. \quad (1.5)$$

Бунда, ШТД- шахсий тасарруфдаги даромад;

УХИ- уй хўжаликлари томонидан истеъмол;

Ж-жамғариш.

Макроиктисодий таҳлилда уй хўжаликларининг шахсий тасарруфдаги даромад ва ялпи миллий тасарруфдаги даромад кўрсаткичлари ўзаро фарқланади:

$$\text{ЯМТД} = \text{ЯМД} + \text{ХСТ}. (1.6)$$

Бунда, ЯМТД- ялпи миллий тасарруфдаги даромад;

ЯМД - ялпи миллий даромад;

ХСТ - хориждан олинган соф трансфертлар.

$$\text{ХСТ} = \text{МТОТ} - \text{МТБТ}. (1.7)$$

Бунда, ХСТ- хориждан олинган соф трансфертлар;

МТБТ- мамлакат ташқарисидан олинган трансфертлар;

МТОТ- мамлакатдан ташқарига берилган трансфертлар.

Ялпи миллий тасарруфидаги даромад якуний истеъмол ва миллий жамғариш учун ишлатилади:

$$\text{ЯМТД} = \text{ЯИ} + \text{МЖ}. (1.8)$$

Бунда, ЯМТД - ялпи миллий тасарруфидаги даромад;

ЯИ - якуний истеъмол;

МЖ - миллий жамғармалар.

Иқтисодий ўсиш - мамлакатда аҳоли жон бошига яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиши орқали ифодаланади. Демак, иқтисодий ўсишнинг шартлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- жорий йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг аввалги йилга нисбатан кўпроқ бўлиши.

- ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати аҳоли ўсиш суръатидан юқори бўлиши, яъни киши бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши.<sup>9</sup>

“Маълумки, 2017 йил 19 апрель куни шу масалада видеоселектор

---

<sup>9</sup> Набихужаева А., Шеров Ю., Султонов П. Макроиктисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг Ўзбекистондаги динамикаси. // Иқтисод ва Молия. №2 2011.

Ўтказилган, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш бўйича аниқ чора - тадбирлар белгилаб берилди. Шунга мувофиқ ўтган йили муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 9,9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган (512 млн. дол.) ёки 2016 йилга нисбатан 20 фоиз кўп маҳаллийлаштирилган маҳсулот экспорт қилинган. Юз турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, базавий тармоқларда импорт 353 миллион долларга қисқартирилгани ҳам бу борадаги ишларнинг натижалари бўлди. Давлатимиз раҳбари маҳаллийлаштириш дастури ва импортни қисқартириш режаси ижросини чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни танқидий баҳолади. 2017 йилда 948 та маҳаллийлаштириш лойиҳасидан 176 таси бўйича ишлаб чиқариш бошланмагани, 218 таси бўйича эса ишлаб чиқариш прогнози бажарилмагани кўрсатиб ўтилди”<sup>10</sup>.

Агар юқоридаги 1.2- расмда келтирилган Марказий Осиё давлатларида ялпи ички маҳсулот динамикаси таҳлил қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулот 2021-2022 йилларда энг юқори кўрсаткичга эришиши керак. Бу, ўз навбатида, республикамиз иқтисодий ўсишини белгилаб беради.

Бизнинг фикримизча ҳам, ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи билан ялпи миллий даромад кўрсаткичи мантиқан ва таркибан бир - биридан фарқ қилади. Жумладан, иқтисодий луғатларда даромад билан маҳсулотнинг фарқи кўрсатиб қўйилган. Шунингдек, иқтисодий адабиётларда ҳам ялпи миллий даромад билан ялпи миллий маҳсулотга турли хил таъриф берилган.

Масалан, “Ялпи миллий даромад - мамлакат резидентлари томонидан, мамлакатда ва мамлакат ташқарисида, ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва мулкдан олинган бошланғич даромадлари йиғиндисидир”<sup>11</sup>.

“Ялпи миллий маҳсулот мамлакат резидентлари томонидан маълум

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 21 февраль куни импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилишдаги маърузаси.

<sup>11</sup> Мухтарова У. “Макроиктисодиёт” фанидан маърузалар матни. ТДИУ, 2014.

муддат (бир чорак, бир йил) давомида ишлаб чиқарилган якуний товар ва хизматлар умумий ҳажмининг бозор баҳоси йиғиндиси орқали аниқланади.”<sup>12</sup>

Россиялик олим В.А. Яллай фикрига кўра, иқтисодиёт назарияси ва хўжалик амалиётида жамият томонидан яратилган маҳсулотни миллий иқтисодиётдаги натижасини аниқлашда турли ўлчовлардан фойдаланилади:

1. Ялпи миллий маҳсулот - бу мамлакат ичкараси ҳамда ташқарисида жамият корхоналари томонидан яратилган товар ва хизматлар қийматининг йиғиндисидир.

2. Ялпи ички маҳсулот - бу мамлакат ичкарасида яратилган товарлар ва хизматлар охириги қийматининг йиғиндисидир (1.3-расмга қаранг).

| <b>Ялпи ички маҳсулотга(ЯИМ)</b>                                     |  |  |
|--|--|--|
| <b>Мамлакат ичидаги ишлаб чиқариш</b>                                |  |  |
| Хорижий корхоналар томонидан яратилган товарлар ва хизматлар қиймати | Мамлакатимиз корхоналари томонидан яратилган товарлар ва хизматлар қиймати | Мамлакатимиз корхоналари томонидан хорижда яратилган товарлар ва хизматлар қиймати |
| <b>Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)</b>                                    |  |  |

### **1.2-расм. Ялпи ички ва ялпи миллий маҳсулот фарқи<sup>13</sup>**

Яна бир россиялик олима Т.А. Фролованинг фикрича, ялпи миллий маҳсулот икки кўрсаткичга боғлиқ: ишлаб чиқариш омиллари ва ишлаб чиқариш функцияси. Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари меҳнат (L) ва капитал (K). Таҳлилнинг соддалиги учун фараз қилайлик, иқтисодиётда асосий капитал ва асосий иш кучи мавжуд, ишлаб чиқариш омилларидан тўлиқ фойдаланилади. Мавжуд ишлаб чиқариш технологияси маълум миқдордаги капитал ва ишчи кучи учун қанча маҳсулот ишлаб чиқарилишини аниқлайди. Иқтисодчилар мавжуд технологияларни ишлаб чиқариш функциясидан (F) фойдаланган ҳолда математик равишда ифода этишади, бу эса ишлаб чиқариш омиллари маҳсулот ҳажмига қандай таъсир қилишини аниқлашни кўрсатади.

$$Y = F(K, L). (1.9)$$

Бунда, Y- маҳсулотлар ҳажми;

<sup>12</sup> Ахмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.:Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

<sup>13</sup> Яллай В.А. Макроэкономика. Учебное пособие. Псков. ПГПИ, 2003.-104с.

F- ишлаб чиқариш ҳажми;

K-капитал;

L- ишчи кучи.

Ишлаб чиқариш ҳажми - бу капитал (K) ва ишчи кучи (L) миқдорига боғлиқ. Технологиянинг ўзгариши ишлаб чиқариш функциясини ўзгаришига олиб келади. Ҳар бир ишлаб чиқариш функциясининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Кўп ишлаб чиқариш функциялари доимийлик хусусиятга эга. Агар ишлаб чиқаришнинг барча омилларини бир хил миқдордаги нисбий ўсиши худди шу миқдорга нисбатан ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келса, ишлаб чиқариш функцияси доимий хусусиятига эга бўлади. Бу қуйидагича ифодаланади.

$$zY = F(zK, zL). (1.10)$$

Бунда,  $zY$ - мусбат сонли натижа;

$zK$ - мусбат сонли капитал;

$zL$ - мусбат сонли ишчи кучи.<sup>14</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ялпи ҳудудий маҳсулотга берилган таърифга қуйидагича янгича ёндашмоқчимиз: “Ялпи ҳудудий маҳсулот - бу алоҳида олинган ҳудудда резидент ва норезидентлар томондан маълум даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот (бajarилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) қиймати ҳамда минтақа маҳаллий аҳолисининг хорижда вақтинча бажараётган иш ва хизматлари қийматларинининг йиғиндисидир”<sup>15</sup>

Бундай ёндашувнинг асосий сабаби, юқорида келтирилган формулалар ва бу соҳадаги иқтисодчи олимларнинг фикрича, ялпи миллий маҳсулотнинг таркибий тузилишига резидент аҳолининг бошқа ҳудуд ва хорижда вақтинча бажараётган иш ва хизматлари қиймати киритилган, лекин ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида ўз ўрнини топмаган. Шунинг учун ҳам минтақа маҳаллий аҳолисининг бошқа ҳудуд ва хорижда вақтинча бажараётган иш ва хизматлари қийматини ялпи ҳудудий маҳсулот таркибига киритишни мақ-


---

<sup>14</sup> Фролова Т.А.Макроэкономика: конспект лекций. Таганрог: ТРТУ, 2016.

<sup>15</sup> Муаллифлик таърифи.

садга мувофиқ деб топдик (1.3-расмга қаранг).

Фикримизча, ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи билан ялпи миллий даромад ҳамда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари мантиқан ва таркибан бири-биридан фарқ қилади. Жумладан, иқтисодий луғатларда даромад билан маҳсулотнинг фарқи кўрсатиб қўйилган. Шу сабабдан алоҳида олинган мамлакатнинг иқтисодий ўсишини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун “Ялпи миллий маҳсулот” кўрсаткичини макроиқтисодий кўрсаткич сифатида тан олиш мақсадга мувофиқ.



### **1.3-расм. Алоҳида олинган ҳудудда маълум бир даврда яратилган ялпи ҳудудий маҳсулот таркиби**

Расмдан кўриниб турибдики, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибий тузилиши иқтисодий жараёнлар ва ўзгаришлар натижасида ўзгариб туриши мумкин экан. Келтирилган фикрлар асосида, мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таҳлил қилиш, миллий иқтисодиёт ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқишда ҳар-хил иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин экан. Жумладан, алоҳида олинган минтақаларнинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсирини таҳлил қилишда “Ялпи миллий маҳсулот”, “Ялпи ички маҳсулот” ва “Ялпи ҳудудий маҳсулот” кўрсаткичидан фойдаланиш тавсия этилади.

“Макроиқтисодий ўсиш миллий иқтисодиёт, яъни муайян мамлакат



миқёсидаги иқтисодий тараққиётни ифода этади ва ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайишини билдиради”.<sup>16</sup>

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таҳлил қилиш, миллий иқтисодиёт ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқариш учун ҳар хил иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин экан. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш мумкин, яъни алоҳида олинган ҳудудларнинг мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига таъсирини таҳлил қилишда “Ялпи маҳаллий маҳсулот” ёки “Ялпи ҳудудий маҳсулот” кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибига минтақа маҳаллий аҳолисининг хорижда вақтинча бажараётган иш ва хизматлари қийматини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу қиймат ҳозирги кунгача, на ялпи маҳаллий маҳсулот, на ялпи ички маҳсулот таркибида ўз аксини топмаган. Айниқса бу қиймат Фарғона минтақасида катта салоҳиятга эгадир. Бу қийматнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибига киритилиши билан мамлакатимизнинг ялпи маҳаллий маҳсулоти ҳажмининг ўсишига эришилади.

## **1.2. Макроиқтисодий барқарорликка эришишга таъсир этувчи омилларнинг таркибий мазмун ва моҳияти**


Мамлакатимиз иқтисодиётида ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг истиқболли йўналишлари техник қайта жиҳозланиш ва замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган саноатлаштириш сиёсати доирасида кўрилган амалий чоратадбирлар натижасида, 2007 йилга келиб мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида биринчи марта саноатнинг улуши қишлоқ хўжалиги улушидан оширилди. Охирги 15 йил ичида саноатнинг ўртача йиллик ўсиши қарийб 9 фоизни ва айни шу давр мобайнида ушбу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички

---

<sup>16</sup> Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.-Т.: Ўз.Рес. ИИВ Академияси, 2013.-775б.

маҳсулотидаги улуши 10 фоизга ошиб, 2019 йилда 29,3 фоизни, 2020 йилда эса 28,5 фоизни ташкил қилди. Бугунги кунда саноатнинг энергетика, металлургия, кимё, машинасозлик, алоқа, транспорт, қурилиш материаллари ва истеъмол товарлари тармоқларида яратилган ишлаб чиқариш қувватлари асосан (ёки қисман) мамлакат эҳтиёжини таъминламоқда (1.5-расмга қаранг).

Саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 83,0 фоизни ташкил этди.



### 1.5-расм. Саноатнинг асосий кўрсаткичлари.<sup>17</sup>

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, 2010 йил ҳолатига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 38119 млрд. сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 367078,9 млрд. сўмни ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 367,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019 - йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси 100,7 фоизни ташкил этди.

2017-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқларининг қиёсий таҳлили саноат тармоғи улушининг 30,0 фоизгача ошиши (2018 йилда – 26,5 фоиз, 2017 йилда

<sup>17</sup> Манба: <http://www.stat.uz>

– 22,2 фоиз) ва кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғи улушининг 28,1 фоизгача (2018 йилда – 31,5 фоиз, 2017 йилда – 34,0 фоиз) камайиши билан боғлиқ бўлган таркибий ўзгаришларни қайд этиш имконини беради.

2019 йилда саноат тармоғининг қўшилган қийматида 6,6 фоизга ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги мутлок ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,6 фоизни ташкил қилди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика асосан ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 9,4 фоизга (2018 йилда – 7,9 фоиз, 2017 йилда – 4,2 фоиз) ўсиши ҳисобига таъминланди. Ўтган икки йил давомида сезиларли ўсишдан сўнг, таққослама нархларда тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғи қўшилган қиймати ҳажмининг 1,0 фоизгага пасайиши кузатилди (ўсиш 2018 йилда – 26,5 фоиз, 2017 йилда – 17,6 фоиз).

Иқтисодий манбаларга кўра иқтисодиёт таркибан назарий жиҳатдан икки қисмга бўлинади: микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт. Микроиқтисодиёт индивидуал иқтисодий объектнинг фаолиятини ўрганади (шахслар, уй хўжаликлари, корхоналар ва ташкилотлар). Микроиқтисодиёт товарларни ишлаб чиқариш ҳажми, таннархи, фойда ва зарар ҳажми ҳамда ресурсларнинг муқобил мақсадлар ўртасида тақсимлашга эътибор қаратади.

Макроиқтисодиёт мамлакат иқтисодий тизими ва унинг йирик тармоқларининг фаолиятини ўрганади. Макроиқтисодиётнинг объекти бўлиб, ялпи миллий даромад ва ялпи ички маҳсулот, иқтисодий ўсиш, бандликнинг умумий даражаси, талаб ва таклифнинг мутаносиблиги, истеъмолчиларнинг умумий харажатлари ва даромадлари, бозорлардаги истеъмол нархлари ва инфляциянинг умумий даражаси ҳисобланади.

Микроиқтисодий ва макроиқтисодий жараёнлар ўртасида ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас. Микроиқтисодий жараёнлар, асосан, алоҳида олинган иқтисодий субъектларнинг қарорлари асосида амалга оширилади ва ушбу қарорлар, ўз навбатида, маълум бир макроиқтисодий муҳитдан келиб чиқиб қабул қилинади, ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлади. Микроиқтисодий маълумотлар асосида макроиқтисодий маълумотлар шаклланади.

Замонавий жамият фақат барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мумкин бўлган турмуш даражаси ва турмуш шароитларини доимий равишда яхшилашга интилоқда. Аммо кузатишлар шуни кўрсатади, узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бир текис эмас.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда илғор механизмлардан фойдаланиш масалалари катта аҳамиятга эга. XXI асда дунё инсоният ҳаётига таҳдид солувчи энг жиддий хавф - хатарлар озиқ-овқат тақчиллиги бўлиб турибди. Бу хавф миллий иқтисодиёт ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш дунё ҳамжамиятининг асосий муаммосига айланмоқда. Иқтисодий тизим учун ишончли озиқ-овқат заҳирасини яратмаган давлатлар ўз аҳолисини боқа олмай, очарчилик балосига дучор қилади. Бу айрим миллатларни ҳаёт саҳнасини бутунлай тарк этиш хавфини келтириб чиқариши мумкин. Шу муносабат билан макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш энг аввало инсон манфаатларини кўзда тутмоғи зарур.

Бугунги ҳаётий тажриба шуни кўрсатади, ҳар қандай давлат, биринчи навбатда, ўз халқининг хавфсизлигини таъминлаши керак. Масалан, бутун дунё иқтисодиётини издан чиқарган, жаҳон ҳамжамиятининг ягона муаммосига айланган COVID - 19 коронавирус эпидемияси. Мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий ҳаётини ларзага солган миттигина молекула манаман деган давлатларни тиз чўқтирди, ижтимоий иқтисодий йўналишини издан чиқарди, иқтисодий қудрати қандайлигини аниқлаб берди. Коронавирус эпидемияси туфайли бир-бирига дўстман деб жар солган давлатларнинг қалбаки муносабатлари кўриниб қолди.

Жумладан, Европа иттифоқига аъзо давлатлар Франция, Германия, Италия, Испания ва иттифоқдан чиқиш арафасида турган Англия каби давлатлар шу кунгача дунё мамлакатларининг муаммоларини ҳал қилишда гегемонлик қилиб келган. Афсуски, коронавирус эпидемиясига қарши курашиш шароити бу давлатлар бир-бирига ёрдам бериш ўрнига ўзлари тан

олмаган давлатлардан ёрдам олдилар. Айниқса жаҳон савдо ташкилотининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ муаммолар, жумладан, унга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий хавфсизлиги ва макроиқтисодий барқарорлигига таҳдид солиши мумкин бўлган муаммолар бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини кўрсатиш мумкин. Мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликнинг бузилишини ҳар-хил сиёсий ҳодисалар, дунё қарашлар ва тўқнашувларни келтириб чиқаради.

Масалан, COVID - 19 коронавирус эпидемияси республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий йўналишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, ҳудудлар макроиқтисодий барқарорлигини таъминланиши ва иқтисодий ўсишида бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, эпидемия туфайли хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини қисқариши натижасида иш ўринларининг камайиб бориши туфайли маҳаллий аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси пасайиб бормоқда. Бу ўз навбатида ҳудудларда макроиқтисодий барқарорликнинг издан чиқишига олиб келади. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар бу муаммоларнинг олдини олишда етарли бўлмай қолмоқда. Шу сабабли қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Макроиқтисодий барқарорлик - узоқ вақт давомида юқори инфляциясиз шароитларда миллий валютанинг барқарорлигини, капиталнинг, шу жумладан, хорижий капиталнинг эркин ҳаракатланишини таъминлайдиган, инвестиция ва тежаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш учун давлат томонидан амалга ошириладиган барқарор иқтисодий ўсишдир.<sup>18</sup>

Молиявий барқарорликни таъминлаш мутлақ кўрсаткичлар тизимини заҳира ва харажатлар ҳажми ўртасидаги фарқ кўринишида юзага келадиган

---

<sup>18</sup> Райзберг Б.А. Современный социоэкономический словарь. М., 2012, с. 264.

захира ҳамда харажатларни шакллантирувчи маблағлар манбаларининг ортик ёки етишмаслиги сифатида умумий талқин этиш мақсадга мувофиқ.<sup>19</sup>

Ушбу таърифлардан фойдаланиб, ҳозирги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, макроиқтисодий барқарорлик атамасига куйидагича таъриф берамиз: “Макроиқтисодий барқарорлик - инфляция даражасининг пастлигини ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлайдиган, кенг камровли инвестиция шароитида хорижий капиталнинг эркин ҳаракатланишига шароит яратадиган, инсон манфаатларини устун қўядиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб фойдаланиш натижасида иқтисодий самарадорликка эришиш билан молиявий барқарорликни таъминлайдиган, келажак авлодлар учун моддий неъматлар яратувчи ва давлат томонидан ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинадиган иқтисодий ўсишдир”<sup>20</sup>.

Ялпи ички маҳсулот уч хил усул билан ҳисобланади:

- 1) Харажатлар усули;
- 2) Даромадлар усули;
- 3) Ишлаб чиқариш усули.

Ҳар учала усул билан ҳисобланган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳажми статистик хатолар истисно этилганида ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳар учала усул билан ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини ҳисоблашда ўзига хос талабларга амал қилиниши талаб этилади.

Ялпи ички маҳсулотни харажатлар бўйича ҳисоблаш усули якуний фойдаланиш усули деб ҳам юритилиб, унда ялпи маҳаллий маҳсулотни ҳисоблаш учун якуний маҳсулотларни сотиб олишга қилинган барча харажатлар ўзаро қўшиб чиқилади. Бу харажатлар куйидагича гуруҳланади:

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари:

- а) узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- б) кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;

---

<sup>19</sup> Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. Монография.-Т.:Иновацион ривожланиш нашириёт-матбаа уйи, 2019.-160 б.

<sup>20</sup> Муаллифлик таърифи.

в) истеъмол хизматлари тўловига.

Ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари:

а) асбоб-ускуналар, машиналарни якуний сотиб олишга;

б) корхоналар, иншоотлар, турар-жой биноларини куришга сарфланган;

в) товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгариши.

Товар ва хизматларнинг давлат хариди. Бу гуруҳ харажатларига маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлари ва ресурслари хариди (автомобиль йўллари ва почта муассасалари курилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳақи) харажатлари киритилади. Лекин, бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

Соф экспорт қиймати: мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ. Юқоридагилар асосида ялпи ички маҳсулотни харажатлар усули орқали ҳисоблаш формуласини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\text{ЯИМ} = \text{УХИХ} + \text{ИХИХ} + \text{ТХДХ} + \text{СЭ}. (1.11)$$

Бунда, ЯИМ- ялпи ички маҳсулот;

УХИХ- уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари;

ИХИХ - ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари;

ТХДХ- товар ва хизматларнинг давлат хариди;

СЭ- соф экспорт қиймати.

Ялпи ички маҳсулотни даромадлар бўйича аниқлашда якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида резидент - ишлаб чиқариш бирликлари томонидан, қўшилган қийматлар ҳисобидан, тўланган дастлабки даромадлар қўшиб чиқилади.

Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, ялпи маҳаллий маҳсулотни даромадлари йиғиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- соф билвосита солиқлар ( $T_n$ )-билвосита солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз ва божхона божлари) ва субсидиялар ҳажми ўртасидаги фарқ;

- ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W) - хусусий ва давлат компанияларининг ёлланма ишчиларга ҳисоблаган барча турдаги меҳнат ҳақи тўловларининг номинал миқдори плус иш берувчилар томонидан иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланиб тўланадиган ижтимоий суғурта ажратмалари. Ўзбекистон Республикасида бу ажратма нормаси 2005 йилда иш ҳақи фондига нисбатан 31 фоиз бўлган бўлса, 2006 йилдан бошлаб 25 фоиз қилиб белгиланди;

- корпорацияларнинг ялпи фойдаси, нокорпоратив корхоналар даромади.

Нокомпания корхоналар - кичик ҳажмдаги, уй хўжаликларига тегишли корхоналар бўлиб уларда корхона фойдаси ва корхона эгасининг иш ҳақи элементлари ўзаро қўшилиб кетган бўлади. Бу ҳолат аралаш даромад атамасини қўллашга сабаб бўлади.

$$P = P_1 + P_2 + A. (1.12)$$

Бунда, P- компанияларнинг ялпи фойдаси;

P<sub>1</sub>- компанияларнинг соф фойдаси;

P<sub>2</sub>- нокомпания корхоналар соф даромадлари;

A- амортизация.

Ялпи ички маҳсулотнинг даромадлар кўринишида ялпи қўшилган қийматни кўрсатилган уч гуруҳга бўлиб топиш мумкин:

$$YIM = T_n + W + P. (1.13)$$

Бунда, YIM - ялпи ички маҳсулот;

T<sub>n</sub> - соф билвосита солиқлар;

W- ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари.

Олинган дастлабки даромадлар қайта тақсимланиши натижасида дивиденд, рента, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан олинган реинвестиция кўринишидаги даромадлар пайдо бўлади.

Шунингдек, ялпи ички маҳсулотнинг даромадлар кўринишида аниқлашда, иқтисодий назарияда, даромадларни қуйидаги компонентларга бўлиш кўзда тутилади:

- амортизация;



- билвосита солиқлар;
- ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари;
- ижара ҳақи тўлови ва рента кўринишидаги даромадлар;
- капитал учун олинган фоиз даромадлари;
- мулкдан келадиган даромад (нокомпания корхоналар даромади);
- компания фойдаси.

Корпорациялар фойдаси ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

- а) корпорацияси фойдасидан тўланадиган солиқлар;
- б) ҳиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивидендлар;
- в) корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси .

Келтирилган фикрларга кўра ялпи ички маҳсулотнинг қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = A + T + W + R_1 + R_2 + P_1 + P_2. (1.14)$$

Бунда, Y-ялпи ички маҳсулот;

A- амортизация;

T- билвосита солиқлар;

W- ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари;

R<sub>1</sub> -ижара ҳақи тўлови ва рента кўринишидаги даромадлар;

R<sub>2</sub>- капитал учун олинган фоиз даромадлари;

P<sub>1</sub>- мулкдан келадиган даромад (но компания корхона даромади);

P<sub>2</sub> – компания фойдаси.

Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисоблаб топилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзаро мос келади. Чунки миллий иқтисодиёт доирасида бир субъект томонидан қилинган ҳар қандай харажат иккинчи субъект учун даромад бўлади.

Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ялпи ички маҳсулот якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади. Ялпи ички маҳсулотни бу усулда аниқлаш статистик жиҳатдан қулайлиги билан бирга уни ҳисоблашнинг муҳим шартига амал қилиш, яъни бир қийматни икки бор ҳисобга олиш, ёки

оралиқ маҳсулот қийматини ялпи ички маҳсулотга киритиб юборишнинг олдини олади.

Якуний товарлар ва хизматлар деганда уларнинг ишлаб чиқариш, ёки ички айирбошлаш циклидан чиққан, якуний истеъмол, жамғариш ёки экспорт учун фойдаланиладиган қисми тушунилади. Якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда сарфланган оралиқ товарлар ва хизматлар баҳоси ялпи ички маҳсулотга қўшилмайди.<sup>21</sup>

Мамлакатимиз ҳудуди минтақаларга бўлиб ўрганилади (1.2-жадвал). Уларнинг жойлашган жойи, табиати, маҳаллий менталитети, урф-одатлари, аҳоли сони, ишлаб чиқариш маданияти, меҳнат кўникмаси, иқтисодиётда тутган ўрни, табиий бойликлари ва бошқа жиҳатлари билан бир-бирига ўхшамайди. Бундай хилма-хиллик минтақалардаги макроиктисодий барқарорликни таъминлаш билан иқтисодий ўсиш имкониятлари ҳамда ялпи ички маҳсулотдаги улуши миқдорига таъсир қилади.

1.2-жадвал

**Республикамиз минтақаларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши**

| Минтақалар   | Ялпи аҳоли сонидagi улуши, (%) | ЯИМ (ялпи ички маҳсулотдаги улуши, (%)) | ЯСМ (ялпи саноат маҳсулотдаги улуши, (%)) | ЯҚХМ (ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги улуши, (%)) |
|--------------|--------------------------------|---|---|--|
| Тошкент      | 17,8                           | 29,4                                    | 29,6                                      | 14,3   |
| Фарғона      | 28,6                           | 17,3                                    | 26,5                                      | 24,3   |
| Зарафшон     | 20,2                           | 19,2                                    | 19,1                                      | 26,4   |
| Жанубий      | 17,1                           | 14,3                                    | 17,7                                      | 16,6   |
| Мирзачўл     | 4,4                            | 9,2                                     | 2,3                                       | 9,3  |
| Куйи Амударё | 11,9                           | 10,6                                    | 4,8                                       | 9,1  |
| Жами         | 100                            | 100                                     | 100                                       | 100  |

Жадвалдан кўришиб турибдики, минтақаларнинг юқорида санаб ўтилган хусусиятлари ҳудуднинг ялпи ички маҳсулотдаги улушига таъсир кўрсатган. 2019 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 424,1 трлн. сўм бўлса, 2020 йилнинг биринчи чораги бўйича 110,5 трлн. сўмни ташкил этган, бу жон

<sup>21</sup>Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

бошига 3,25 млн. сўмга (341 долларга) тенг.<sup>22</sup>

Жадвал малумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йил якунлари бўйича Фарғона минтақасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17,3 фоизни жумладан 89,1 трлн. сўмни ташкил қилади. 2019 йилда республикамиз аҳолиси сони 33 375 800 кишини ташкил қилди.<sup>23</sup> Фарғона минтақасининг улушига 9 545 478 киши (33 375 800:100 x 28,6) тўғри келади (28,6 фоиз—ялпи аҳоли сонидаги улуши).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Фарғона минтақасининг киши бошига тўғри келадиган ялпи минтақавий маҳсулоти (ЯММ) 9 365691 сўмга (89,1 трлн. сўм : 9 545 478 киши) тенг. Агар АҚШ валютасига айлантирилса, 983 долларни (9365691 сўм: 9530 сўм) ташкил этади (9530 сўм-ҳисоблаш даврдаги ўртача валюта курси).

Шунингдек, Зарафшон минтақасини кўриб чиқадиган бўлсак, ялпи ички маҳсулотдаги улуши 81,4 трлн. сўмни (424,1 трлн. сўм :100 x 19,2) ташкил қилади (19,2 % - ялпи ички маҳсулотдаги улуши), аҳоли сони 6741911 кишидан (33375800 киши: 100 x 20,2) иборат (20,2 фоиз - ялпи аҳоли сонидаги улуши). Бу кўрсаткичлардан фойдаланиб, киши бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот аниқланса, 12 149 253 сўмга (81,4 трлн. сўм : 6741911 киши) тенг. Агар АҚШ валютасига айлантирилса, 1275 долларни (12149253 сўм: 9530 сўм) ташкил этади.

Тошкент минтақаси олинганда, ЯИМ улуши 123,4 трлн. сўмга (424,1 трлн. сўм : 100 x 29,4) тенг (29,4 фоиз-ялпи ички маҳсулотдаги улуши). Аҳоли сони 5940824 киши ( 33375800 : 100 x17,8). ЯИМ аҳоли жон бошига ҳисобланса, 20919856 сўмга (123,4 трлн. сўм : 5940824 киши). Агар АҚШ валютасига айлантирилса, 2197 долларни (20 939856 сўм : 9530 сўм) ташкил этади.

Демак, минтақанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ёки ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми нафақат ишлаб чиқариш ҳажмига, балки аҳоли сонига ҳам

---

<sup>22</sup> Манба:Тошкент, 24-Sputnik.

<sup>23</sup> Манба:http: // www.stat.uz

боғлиқ экан. Таҳлилимизда Фарғона минтақасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 89,1 трлн. сўмни, Зарафшон минтақасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 81,4 трлн. сўмни ташкил этади. Киши бошига тўғри келдиган ялпи ҳудудий маҳсулот Фарғона минтақасида 983 долларга, Зарафшон минтақасида 1275 доллар, Тошкентда 2197 долларга тенг.

Агар 2018 йилда Республикамизда ЯИМ аҳоли жон бошига ўртача 1533 доллардан тўғри келишини инобатга олсак, қилинган таҳлил бўйича фақат Тошкент минтақасида иқтисодий ўсишга эришилган. Лекин, ҳудуднинг ўзига нисбатан қолган минтақаларда ҳам нисбатан иқтисодий ўсишга эришилган.

Шу ерда савол туғилади яъни, қайси бир минтақада иқтисодий ўсишга эришилди? Бу саволга жавоб бериш учун бу соҳа олимларининг фикрларини ўрганишга тўғри келади. Масалан, А. Набихўжаев, “Иқтисодий ўсиш - аҳоли жон бошига мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиши орқали ифодаланишини айтган.

Уларнинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг шартлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- жорий йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот аввалги йилга нисбатан кўпроқ бўлиши;

- ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати аҳоли ўсиш суръатидан юқори бўлиши, яъни киши бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши”.<sup>24</sup>

“Миллий тегишлилиги ва фуқаролигидан қатъий назар, мазкур мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида иқтисодий манфаат марказига эга бўлган (ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган, ёки мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ яшаётган) барча иқтисодий бирликлар ( корхоналар, уй хўжаликлари) резидент ҳисобланади”.<sup>25</sup>

Агар 2018 йилда Республикамизда ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига

---

<sup>24</sup> Набихужаев А., Шеров Ю., Султонов П. Макроиктисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг Ўзбекистондаги динамикаси. // Иқтисод ва Молия. №2 2011.

<sup>25</sup> Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд. перераб. и доп.-М.:Издательство “Дело и сервис”, 2005. 25-с.

ўртача 1 533 доллардан тўғри келганлигини инобатга олинса, қилинган таҳлил бўйича фақат Тошкент минтақасида иқтисодий ўсишга эришилган. Лекин худуднинг ўзига нисбатан қолган минтақаларда ҳам нисбатан иқтисодий ўсишга эришилган.

Иқтисодий ўсиш доимо иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар таъсири натижасида келиб чиқади. Иқтисодий назарияда иқтисодий ўсиш омиллари деганда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини кўпайтириш, ўсиш самарадорлиги ва сифатини ошириш имкониятларини белгилайдиган ҳодисалар ва жараёнлар тушунилади. Иқтисодий омилларга фойдаланилаётган ресурс миқдорини ошириш ва сифатини такомиллаштириш омиллари кирса, ноиқтисодий омиллар сиёсий, ҳарбий, географик, миллий ва маданий омилларни ичига олади.

Фикримизча, алоҳида олинган минтақада иқтисодий ўсишни аниқлаш учун “Ялпи минтақавий маҳсулот” кўрсаткични макроиқтисодий кўрсаткич сифатида тан олиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодчи олимларимиз томонидан макроиқтисодий барқарорликнинг куйидаги асосий белгилари кўрсатиб ўтилган:

1. Иқтисодий ўсиш.
2. Тўла иш билан бандлик.
3. Нархлар даражасининг барқарорлиги (инфляция).
4. Бақувват тўлов баланси.
5. Хорижий валюта алмашув курсининг барқарорлиги.
6. Давлат бюджети камомадининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан уч фоиздан ошиб кетмаслиги;
7. Даромадлар тақсимланиши муаммоси.<sup>26</sup>

Бугунги ҳаётининг тажриба шуни кўрсатдики, ҳар қандай давлат, биринчи навбатда, ўз халқининг хавфсизлигини таъминлаши керак. Масалан, бутун дунё иқтисодиётини издан чиқарган, жаҳон ҳамжамиятининг ягона муаммоси айланган COVID -19 коронавирус эпидемияси. Мамлакатлар иқтисодий-

---

<sup>26</sup>Манба: “Biznes-эксперт”№8 (92).2015.

ижтимоий ҳаётини ларзага солган миттигина молекула манаман деган давлатларни тиз чўктирди, ижтимоий иқтисодий йўналишини издан чиқарди, иқтисодий қудрати қандайлигини аниқлаб берди.

COVID - 19 коронавирус эпидемияси республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий йўналишига ўз таъсирини ўтказиб, ҳудудлар макроиқтисодий барқарорлигини таъминланишида бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, макроиқтисодий барқарорликнинг асосий белгиларига фавқулотда ҳолатлардан бири ҳудуднинг эпидемиологик ҳолатини ва аҳолининг саломатлик даражасини акс белгиловчи “Соғлом эпидемиологик ва экологик муҳит” кўрсаткичининг киритишни мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, айнан барқарор иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилий ресурсларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Улар гуруҳига қуйидагилар киради: табиий ресурслар миқдори ва сифати; меҳнат ресурслари миқдори ва сифати; асосий капитал ҳажми; технологиялар, тадбиркорлик қобилияти ва ахборот.

Ўзбекистон иқтисодиётида тармоқларнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улушини таҳлил қилиш асосида мамлакатда ялпи таклиф омилларининг тармоқлар тақсимооти орқали уларнинг самарадорлик даражасини ўрганиш мумкин. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламдаги чора - тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркибида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаришини услубий жиҳатдан ўрганишда унга таъсир этувчи асосий омилларнинг боғлиқлигини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Бунда ялпи ички маҳсулотни яратишда иштирок этувчи асосий омиллар сифатида меҳнат ва капитал олинди ва уларнинг таъсири “акселератор таъсири” усули орқали ўрганилди.

Олинган натижалардан, иқтисодиётда банд бўлганлар миқдорининг бир фоизга ўсиши мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 0,75 фоизга, капитал ҳажми бир фоизга ошиши ялпи ички маҳсулотни 0,4 фоизга кўпайтиради.

Капиталнинг эластиклик коэффициенти пастлиги капитал қайтимнинг пастлиги билан боғлиқ бўлиб, мамлакатда ҳозирги ҳолатда ишчи кучидан кўпроқ фойдаланиш самарали вариант ҳисобланади.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини янада жадаллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиётда таркибий ўзгартириш жараёнларини такомиллаштириш;
- мамлакатда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш;
- мамлакатда ишчи кучидан янада самаралироқ фойдаланиш;
- юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ва киритиладиган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш;
- фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш;
- барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга мавжуд барча резерв ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш ва бошқалар.<sup>27</sup>

Ўзбекистонда кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва ҳукумат томонидан уни мустақкамлаш борасида янги устувор вазифалар белгиланмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Асосий вазифалар - макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва “яширин иқтисодиёт” га барҳам бериш”<sup>28</sup>.

Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишни таъминлашга интилади. Чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат нуфузининг ошишига олиб келади.

---

<sup>27</sup>Манба: “Biznes-эксперт”№8 (92).2015.

<sup>28</sup>Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси №19 (7521), 2020 йил 25 январь.

Кўплаб иқтисодчи олимлар иқтисодий ўсиш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб борган. Улар томонидан иқтисодий ўсишнинг механизмлари ўрганилиб, иқтисодий ўсиш моделлари тузилган. Ҳ. Абдулқосимов фикрича, ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш моделлари уч асосий гуруҳга ажратилади: кейнсча ва некейнсча иқтисодий ўсиш моделлари, неоклассик иқтисодий ўсиш модели, ҳозирги замонавий иқтисодий ўсиш модели .<sup>29</sup>

Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табиий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли раванки эмас, балки узок муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий даражасининг узок муддатли ўсиши тушунилади.

Иқтисодий ўсиш – бу мамлакат иқтисодиёти муайян давр мобайнида (одатда бир йил) миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ёки умумий иқтисодиётга нисбатан ортишидир.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги тури XVIII асрнинг ярмида Англияда саноат революцияси натижасида аниқланган. Бу даврда аҳолининг реал даромадлари 10 баравар ошган бўлса, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич янада юқори бўлган. XX аср бошларига қадар иқтисодий ўсиш ҳақидаги маълумотлар тўлиқ мавжуд эмас эди.

Иқтисодий ўсиш назариясининг асосчиси XX аср бошларида фаолият юритган иқтисодчи олим Йозеф Шумпеттер ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий ўсиш назариясига Саймон Кузнец, Фернан Бродель, Теодор Шульц, Гери Беккер, Майкл Портер, Николай Кондратьев ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшган. Иқтисодчи олим Ангус Медисон реал ялпи ички маҳсулот ва иқтисодий ўсиш суръатларини баҳолашда кўплаб тадқиқотлар олиб борган .<sup>30</sup> Иқтисодий ўсиш - аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулот кўпайишининг узок муддатли йўналишидир. Иқтисодий ўсиш одамларнинг фаровонлигига

---

<sup>29</sup> Абдулқосимов Ҳ. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. Т. : “Akademiya”, 2011 й.

<sup>30</sup> Беркинов Б., Маматова Ф. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. Монография. Тошкент-2011.



боғлиқ бўлган миқдорий кўрсаткич: умр кўриш давомийлиги, тиббий ёрдам, таълим даражаси ва ҳаёт сифати ва бошқалар.

Барқарор иқтисодий ўсиш. Иқтисодий ўсишнинг ушбу турини ўрганган америкалик иқтисодчи В. Роцов таъкидлашича, бу кўпинча иқтисодий ривожланиш жараёнини паст даражадан бошлаган мамлакатларда кузатилади. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот барқарор ўсмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, инвестиция кўпаймоқда ва аҳолининг фаровонлиги ошмоқда.

Ноль даражали ўсиш. Ноль даражали иқтисодий ўсиш концепцияси XX-асрда инсон атроф - муҳитининг антропоген ифлосланиши, ер ресурсларини камайиб бориши билан боғлиқ экологик муаммоларга муносабат сифатида пайдо бўлди. Бир қатор экологлар, иқтисодчилар ва сиёсатчилар (асосан Европа) ноль ўсиш ғоясини илгари сурдилар, уларнинг фикрига кўра ушбу муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Агар ривожланган мамлакатларда ушбу концепция маълум бир жавоб топса, табиийки, "Ёш" ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси буни қабул қилмайди.

Мувозанатли ўсиш. Кўрилаётган даврда барча маҳсулот захираларининг ўсиш суръати доимий бўлган иқтисодиётнинг шундай ўсиши (бошқача таъриф билан, бунда иқтисодиёт тармоқлари ёки тармоқларининг ривожланиш суръатлари) ички мувофиқлаштирилган.

Тезкор ўсиш. Тезкор иқтисодий ўсишда, индикаторни ўсиши даромадан ошмасдан ишлатилган ресурсларнинг ўсишига сабаб бўлади. Иқтисодий ўсишнинг жадал суръатлари билан ишлаб чиқариш омилларининг сифат жиҳатидан ўзгариши ҳисобига индикаторнинг ўсиши кузатилмоқда. Иқтисодий ўсиш омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати - меҳнат унумдорлиги, малакаси;
- асосий капитал ҳажми;
- янги технологиялар.

Ушбу омиллар ишлаб чиқаришнинг ўсишига ёрдам беради, аммо ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ёки истеъмоли содир бўлиши керак. Шунинг учун ўсиш талаб омилларига (умумий харажатлар даражасининг ошиши) ва тақсимлаш омилларига (турли тармоқларда чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш) ҳам боғлиқ. Иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришга инвестициялар киритиш орқали эришилади.

Инвестицияларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, амалга ошириш пайтида улар ялпи талабни, кейинги даврларда эса - ишлаб чиқариш ҳажмини оширганлиги сабабли ялпи таклифни кўпайтиради. Иқтисодий ўсиш учун илмий-техник тараққиёт муҳим омил ҳисобланади, чунки у мавжуд ресурслардан самаралироқ фойдаланишга имкон беради ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Америкалик олим В. Роцов томонидан 60-йилларнинг бошларида “Иқтисодий ўсишнинг беш босқичи” концепцияси ишлаб чиқилган, у тан олинган ва ҳозирда фойдаланилади.

Биринчи босқич - анъанавий давр (қишлоқ хўжалигида оддий техника фойдаланиш, ерни ижарага бериш).

Иккинчи босқич - ўтиш даври, бу - жамиятнинг анъанавий даврдан чиқиб кетиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиш даври: жон бошига инвестицияларнинг кўпайиши, қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлигини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятининг пайдо бўлиши.

Учинчи босқич - “Силжиш” даври (саноат инқилоби, капиталнинг тўпланиши, саноатнинг жадал ўсиши, ишлаб чиқариш усулларининг тубдан ўзга-риши).

Тўртинчи босқич - бу саноат ишлаб чиқаришининг “Етуклик” даври (саноатнинг жадал ривожланиши, янги ишлаб чиқаришларнинг пайдо бўлиши, малакали ишчилар сонининг кўпайиши).

Бешинчи босқич - “Оммавий истеъмол” даври, бу даврда жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш муаммоси истеъмол товарларини ишлаб чиқариш бўлиб, асосий тармоқлар анъанавий саноат корхоналари эмас, балки хизмат

кўрсатиш корхоналарига айланади.

Иқтисодий ўсишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари мавжуд. Иқтисодий ўсишнинг миқдорий кўрсаткичлари иқтисодий ўсишнинг умум эътироф этилган миқдорий ўлчови, мутлақ ўсиш даражаси бўлиб, умуман ёки жон бошига нисбатан маҳсулотнинг реал ўсиш суръати ҳисобланади.

Ҳақиқий ялпи ички маҳсулот динамикаси ва ўсиш суръатлари миллий иқтисодиётнинг умумий миқёсини, унинг жаҳон иқтисодиётидаги улушининг ўзгаришини тавсифлайди, аммо аҳоли турмуш даражаси тўғрисида ҳеч нарса айтмайди.

Ҳақиқий ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларининг аҳоли жон бошига бўлиниши иқтисодий ўсиш суръати ва бу борадаги ўзгаришлар, аҳоли фаровонлиги тўғрисида тасаввур беради. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш динамикаси тўғрисидаги маълумот турмуш даражасини тавсифлаш ва уни бошқа давлатлардаги ҳаёт даражаси билан таққослаш учун ишлатилади.

Иқтисодий ўсишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларидан ташқари, унинг ижтимоий йўналишини тавсифловчи омиллар ҳам қўлланилади. Булар аҳолининг бўш вақти динамикаси, аҳолининг ижтимоий ҳимояланиш даражаси, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши, инсон капиталига инвестицияларнинг ўсиши ва бошқалар.

Шуни ёдда тутиш керакки, иқтисодий ўсиш суръати ва унинг сифатининг ошиши ўртасида маълум зиддиятлар мавжуд. Масалан, иш куни ёки иш ҳафтасининг давомийлиги оширилса, ўсиш суръати юқори бўлади. Аммо, шу билан бирга, аҳолининг бўш вақти ресурслари камаяди. Бошқа томондан, айтайлик, иш шароитларини яхшилаш (саноат корхона биноларида ҳавони чанг ва газдан тозалаш воситаларини ўрнатиш, ортиқча шовқин ва тебранишларни камайтириш учун мосламалар қўйиш ва ҳоказо) учун қўшимча харажатлар талаб қилинади ва бундай тадбирлар меҳнат унумдорлигини ошишига ўз таъсирини ўтказди. Меҳнат унумдорлигининг маълум бир миқдорда ўсиши билан боғлиқ билвосита харажатлар дарҳол иқтисодий

даромад келтирмайди ва иқтисодий ўсиш суръатини чекламайди <sup>31</sup>.

Мамлакат иқтисодиётини иқтисодий ўсиш моделлари таҳлил орқали қилишни амалга ошириш самарали ҳисобланади. Масалан, иқтисодий ўсиш орқали иқтисодиётни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш, мамлакатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси, истеъмолни максимал қондириш ва шу орқали жамғарма нормасини “олтин қоида” даражасида ушлаб туриш мамлакат иқтисодиёти самарадорлигини ошириш ва истиқболдаги режаларни тузишда ёрдам беради. Шу билан бирга, бошқа иқтисодий ўсиш моделларини ҳам иқтисодиётни таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогнозлашда қўллаш мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг турли нуқтаи назарлар орқали ўрганилиши сабабли, унинг интенсив ва экстенсив турларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Экстенсив иқтисодий ўсиш табиий ресурслар, ишчи кучи ва капитал каби ишлаб чиқариш омилларини қўшимча жалб қилиш ва фақат уларнинг миқдорий ошиши ҳисобига рўй беради. Бунда уларнинг сифат ва техника даражаси ўзгармай қолади. Интенсив иқтисодий ўсиш эса илмий-техника базани такомиллаштириш ва барча ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш орқали таъминланади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самара пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади<sup>32</sup>.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш, унинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш, ялпи ички маҳсулот таркибий компонентларининг оптимал нисбатини таъминлаш, иқтисодий ўсиш моделларидан энг мақбулларини танлаш каби муҳим масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнларни макроиқтисодий таҳлил қилиш ва услубий жиҳатдан такомиллаштириш, бу бўйича амалий тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётининг ўсишини тезлаштиради.

---

<sup>31</sup>Манба:<https://fortrader.org/birzhevoj-slovar/ekonomicheskij-rost-strany.html>

<sup>32</sup> Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. Т.:“Iqtisod-Moliya”, 2014 й.

### **1.3. Макроиктисодий барқарорликнинг таъминланишида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳуқуқий - услубий асослари ва концептуал жиҳатлари**

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар заруриятини келтириб чиқаради. Бугунги янги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу жараёни бошқариш асосан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари зиммасига юклатилмоқда. Амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар туфайли ҳудудларда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳам бир неча муаммолар вужудга келиши мумкин.

Маҳаллий саноат - маҳаллий хом ашё ресурсларидан маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари мажмуи. Унинг таркибида қора металлургия, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, ёғочни қайта ишлаш саноати, мебель саноати, қурилиш материаллари, шиша ва чинни-фаянс, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, халқ хунармандчилигининг зардўзлик, тикувчилик, тўқувчилик, пичоқчилик, бадий каштачилик (сўзана, гулкўрпа, чойшаб, зардевол, палак, кирпеч), дўппидўзлик, ўймакорлик, мискарлик, заргарлик, кандакорлик, қуймакорлик, кулоллик, миллий чолғу асбоблари яшаш, косибчилик ва бошқа тармоқлари киради. Одатда, турли кичик ишлаб чиқариш корхоналарини, айниқса, кичик шаҳарлар ва йирик қишлоқларда ташкил этиш билан маҳаллий саноат саноат марказларидан узокда жойлашган ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиради, хунармандлар, ишсизлар, маҳаллий аҳолини, пенсионерларни ва бошқа меҳнат қобилияти чекланган аҳоли тоифаларини унумли меҳнатга жалб этади, маҳсулот чиқариш учун четдан келтириладиган хом ашё билан бирга маҳаллий хом ашё ресурслари, материаллар, саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини ишлатади.<sup>33</sup>

---

<sup>33</sup> Нуриддин Мусаев. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalliy-sanoat-uz/>

Муаммонинг биринчи томони, маҳаллий ишлаб чиқаришни бозор муносабатларига киришидаги объектив равишда тўсиқ мавжудлиги, яъни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият таъсирининг мавжудлиги.

Иккинчи томони, ишлаб чиқариш ва аҳоли ҳаётининг ўзаро боғлиқлиги, яъни, маҳаллий аҳолининг меҳнат кўникмаси ва касбий маҳорати.

Учинчи томони, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг бозор иқтисодиётига киришидаги қийинчиликлар, яъни уни бозордаги рақобатда йирик саноат ишлаб чиқаришига дуч келиш хавфи.

Маҳаллий ишлаб чиқариш фаолияти кўпроқ табиий омилларга боғлиқдир. Кўпинча ишлаб чиқариш воситаси ер, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса хом ашё ҳисобланади. Маҳаллий ишлаб чиқариш тўғридан-тўғри ёки билвосита табиатнинг табиий қонуниятлари билан боғлиқ бўлиб, баъзи ҳолларда улар режалаштирилган натижаларга ўзгартиришлар киритишига тўғри келади. Шу сабабли, олинadиган фойдани фақат харажатларга боғлаш мумкин эмас. Агар йирик саноат ишлаб чиқариши маълум бир узлуксиз кетма-кетликка бўйсунadиган бўлса, маҳаллий ишлаб чиқариш кўпинча мавсумий ва босқичли ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Ҳозирда маҳаллий ишлаб чиқариш кўпроқ ишлаб чиқаришнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шакли асосида ташкил этилмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларда нархларнинг номуносивблиги мавжуд. Ҳар доим катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришга қараганда пастроқ бўлади. Бунинг сабаби, ишлаб чиқаришдаги доимий харажатлар (асосий воситаларнинг эскириш суммаси) улуши катта ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида камроқ бўлади. Лекин техник жиҳозларга бўлган талаб кичик ҳажмдаги ишлаб чиқаришда ҳам катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш билан бир хил ва катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришда асосий воситалардан фойдаланиш рентабеллиги камроқ. Узоқ ишлаб чиқариш жараёнининг

узлуксиз бўлмагани, яъни мавсумий хусусиятга эга бўлиши пул айланишининг давомийлигига салбий таъсир кўрсатади ва корхона капиталининг айланишини камайтиради, бу ўз навбатида фойданинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, маҳаллий ишлаб чиқариш анъанавий равишда иқтисодийнинг пасив тармоқлари сифатида таснифланади.

Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, кўрсатиб ўтилганидек, унинг фаолияти натижалари асосан маҳаллий аҳолининг меҳнат кўникмасига боғлиқдир. Масалан, тўқимачилик маҳсулотининг энг нозик тури бўлган атлас. Атлас аҳолининг миллий кийинишда, соғлиғини сақлашда ва давлатнинг харбий стратегиясида катта аҳамиятга эга. Атласни тўқиш сифати ва миқдорига бир нечта ишлаб чиқариш турлари асосий омил сифатида таъсир этади. Атлас маҳсулоти таннархининг 80-90 фоизини унинг асосий хом ашёси бўлган ипак ташкил этади. Ипакнинг сифати бир неча жараёнларга боғлиқ. Жумладан, пилла қурт уруғининг сифати, унинг асосий озуқаси бўлган тут баргининг тўйимлилик даражаси, пилла қуртини боқиш технологияси, ҳолати ва муддати, етиштирилган пиллани териб олиш муддати ва сифати, пиллани маҳсус сақлаш жойларига келтириш ва юклаб тушириш тартиби, сақлаш жойлари ҳолати ва пилла сақлаш технологиясининг бажарилиш ҳолати, пиллани қайта ишлаш жараёнининг ташкил қилиниши ва замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаси, олинган ипак маҳсулотининг сақланиш ҳолати ва муддати.

Ҳозирда юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнларга масъулиятсиз ёндашилганлиги туфайли, тўқимачилик саноатининг бу нозик турдаги маҳсулотининг тақчиллиги сезилмоқда. Шунингдек, атласнинг ватани ҳисобланган Марғилон шаҳрида йирик ипак ўраш комбинатининг йўқ қилиниши кўплаб аҳолининг ишсиз қолишига ҳамда маҳаллий аҳолининг атлас тўқиш меҳнат кўникмасини йўқ бўлишига олиб келмоқда.

Бизнинг фикримизча, бу маҳаллий ишлаб чиқариш турини яна қайта ривожлантириш ва юқори даражага олиб чиқиш учун улардаги ишлаб

чиқариш босқичларини кластер тизими асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда кластер тизими сифатли ва тўйимли тут плантацияларини ташкил қилишдан бошлаб, то пиллани қайта ишлаб атлас тўқишгача бўлган жараёни ўз ичига олади.

Минтақанинг рақобатбардошликни шакллантиришдаги ўзига хос худудий жиҳатларининг аҳамияти россиялик олима Л. Г. Матвеева томонидан бир неча бор таъкидланиб, унинг фикрича “Минтақанинг иқтисодий тизим сифатидаги жиҳатлари: биринчи навбатда, стратегик режалар ва саноатни ривожлантириш дастурларини амалий жиҳатдан амалга ошириш нуқтаи назаридан макроиқтисодиётга нисбатан анча ҳаракатчан; иккинчидан, маълум бир минтақа даражасида ўз худудида фаолиятини маҳаллийлаштирадиган алоҳида саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини тартибга солиш ҳамда бошқариш бўйича ҳукумат ҳаракатларини мувофиқлаштириш мумкин ва самарали бўлади”<sup>34</sup>.

“Маҳаллий ишлаб чиқариш” (локальное производство) ҳамда “Ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллийлаштирилиши” (localization of production) атамалари иқтисодий адабиётларда XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб кенг қўлланила бошланди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш деганда, амалдаги ва импорт ўрнини босувчи ялпи ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш ва кенгайтириш асосида бозорда импорт маҳсулотларига ўхшаш, рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши тушунилади. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали чет эл товарларининг мамлакат ички бозорига интервенцияси қисқартириб борилади ва ушбу товарларга бўлган қарамликдан халос бўлинади.<sup>35</sup>

Маҳаллий ишлаб чиқариш улуши – бу маълум бир мамлакатда ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб бериладиган маҳсулотда ишлатиладиган ресурсларнинг солиштирма оғирлигидир. Лекин, бугунги кунда маҳаллий

---

<sup>34</sup> Матвеева Л. Г., Чернова О. А. Потенциал малого бизнеса в несырьевом развитии промышленности России: модели, инструменты и механизмы оценки. Таганрог: Изд-во ЮФУ, 2014. с-102.

<sup>35</sup> Муродхужаева Ф. Маҳаллийлаштириш - иқтисодий ривожланиш омили. // Иқтисод ва молия. №4, 2014.



ишлаб чиқариш улуши иқтисодий манбаларда ва маълумотларда ўз аксини топмаяпти. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишини иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчи босқич - 1991-1995 йиллар (турғунлик даври).

Иккинчи босқич-1995-2000 йиллар (ривожланишнинг бошланғич даври);

Учинчи босқич- 2000-2030 йиллар (ривожланишнинг юксалиш даври).

1991-1995 йиллар мамлакатимизда турғунлик даври бўлиб, бу даврда ялпи ички маҳсулот ўтган даврга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бунинг сабаби собиқ иттифоқнинг таназзулга учраши, мамлакатимизнинг мустақил давлат мақомига эришиши, эски тизим ўрнига янгисининг шаклланиши, собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг издан чиқиши ва улар ўртасида мулкый ҳамда чегаравий можароларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар.

1995-2000 йиллар иқтисодий ривожланишининг бошланиш даври бўлиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо корхоналари, маориф ва медицина, бюджет тизимлари ривожланиш палласига ўтди. Жумладан, қишлоқ хўжалигидаги пахта монополияси бекор қилиниб, ғалла мустақиллигига эришилди, колхоз ва совхозлар фермер хўжаликларига айлантирилди. Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб автосаноатни ривожлантиришга асос солинди, кўплаб қўшма корхоналар очилди, нефть-газ ва кимё саноатлари қайта жиҳозланди, янги қазиб олиш конлари очилди. Кўплаб давлат тассаруфидаги корхоналар ва ташкилотлар хусусийлаштирилиб, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ўрта ва олий таълим, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш тизимлари тубдан ислоҳ қилинди, таъминот базаси яхшиланди. Мамлакатнинг ички ва ташқи темир йўли, автотранспорт ва ҳаво йўллари қайта тикланди, янги йўналишлар очилиб, ташқи савдо йўлга қўйилди. Давлат бюджети дефецитдан профицитга ўтди, бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маошлари оширилди. Бу йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши бошланди.

2000 - йиллардан бошлаб мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши

юксалиш даври бошланди, иқтисодиётимиз дунё ҳамжамиятига юз тута бошлади. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Саноат ривожланиши бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Осиё ва Тинч океани учун БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий комиссиясига, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ), Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашларига аъзо бўлиб, ўзининг сиёсий-иқтисодий мақеини дунёга кўрсатди. Жаҳон банки билан алоқаларни яхшилаб, хорижий валюта захирасини кўпайтирди. Бир неча хорижий давлатлар олий ўқув юртларининг филиаллари очилди, янги кўшма дастурлар қабул қилинди. Янги кўшма корхоналар ташкил этилиб мамлакатнинг экспорт салоҳияти янада ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил қилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу кўрсаткичларда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг улуши сезиларли даражада эмас. Чунки ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш дегани эмас. Ўзбекистон Республикаси маҳаллийлаштириш дастури мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тармоқлар учун тааллуқлидир. Шу сабабли “Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” билан “Маҳаллий ишлаб чиқариш” ни бир-биридан фарқлай билиш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2013 йиллардаги саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида” 2011 йил 29 июлдаги ПК-1590-сон қарори муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарорнинг 1-иловасида амалдаги лойиҳалар рўйхати (жами 932 та); 2-иловасида янги лойиҳалар рўйхати (жами 342 та); 3-иловасида маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши тавсия этилган янги турдаги маҳсулотлар рўйхати (жами 128 турдаги) келтирилган.

2019 йил 24 август куни “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4426-сонли қарори қабул қилинди.<sup>36</sup> Қарорда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш чоратадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 2020–2021 йиллар давомида камида 20 фоизга оширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ҳисоб палатасида импортни доимий таҳлил ва мониторинг қилиш йўналишида алоҳида таркибий тузилма, Вазирлар Маҳкамасида иқтисодиёт тармоқларида ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари шўъбаси ташкил қилинади. Қарор билан иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича ваколатли орган сифатида белгиланди ва унга кўшимча вазифалар юкланди.<sup>37</sup>

Макроиқтисодий барқарорлик (macroeconomic stability), миллий валюта алмашув курсининг, солиқ ставкалари ва божхона божларининг ва бошқа хўжалик соҳаларининг баҳолардаги барқарорлигидир. Бу ишсизликнинг паст даражаси ва иқтисодий ўсиш ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик ҳокимиятнинг кучайиши, жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасида қонунларнинг сўзсиз амал қилиши ва мамлакат олтин валюта захирасининг ўсиши орқали юзага келади.<sup>38</sup>

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга турли илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, улардан биринчиси таркибий ёндашувдир. Бу ёндашув Ж. М. Кейнс ва унинг тарафдорларига тегишли бўлиб, улар иқтисодий барқарорликнинг сабабларини товар ва хизматлар бозори орқали тушунтирадилар ва давлат буюртмаси ҳамда арзон кредит эвазига самарали

---

<sup>36</sup> Манба: <https://go.mail.ru/>

<sup>37</sup> Манба: [www.gazeta.uz/uz/2019/08/26/ishlab-chiqarish](http://www.gazeta.uz/uz/2019/08/26/ishlab-chiqarish).

<sup>38</sup> Беркинов Б., Маматова Ф. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. Монография. Тошкент-2011.

талабни шакллантириш орқали ялпи таклиф ҳажмини кўпайтириш мумкин деб ҳисоблайдилар. Ҳукуматнинг бу тадбирлари иқтисодиёт пасайишини қисқартиради ва ишсизликни камайтиради. Бундай барқарорлаштиришга қаратилган инфляцияга қарши сиёсат давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқаради ва кўшимча пул эмиссиясига эҳтиёж пайдо қилади. Кейнс давлат бюджети тақчиллигини давлат томонидан олинадиган узоқ муддатли қарзлар ҳисобига қоплашни таклиф этади.

Макроиқтисодий барқарорликка эришишга қаратилган иккинчи ёндашув монетаристик ёндашувдир. Бу ёндашув тарафдорлари инфляцияга қарши сиёсатнинг радикал усулларини таклиф этишган. Улар ялпи талабни консификация типига пул ислоҳотини ўтказиш ҳисобига чеклаш ва бюджет тақчиллигини ижтимоий дастурларни камайтириш орқали қисқартиришни таклиф этади. Монетаристлар инфляция айнан пул билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги сабабли “шок терапияси” пул массаси ўсиши суръатларини кескин қисқартиради ва инфляция суръатини туширади деб ҳисоблашади.

Россиялик олима Т. В. Кушнаренокнинг фикрича, “Минтақаларнинг стратегик ривожланиш истиқболлари асосан унинг хусусиятлари, омиллар ва шароитларнинг (иқтисодий, ижтимоий, иқлимий, геосиёсий ва бошқалар) мураккаб комбинацияси таъсирида тарихан шаклланган асосий иқтисодий манбалар билан белгиланади”.<sup>39</sup>

Ўзбекистон иқтисодиётини кенг қамровли модернизациялаш тадбирлари кенг қамровли амалга оширилиши натижасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришмоқда. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган самарали иқтисодий сиёсати натижасида юқори натижалар қўлга киритилмоқда. Иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги, энг аввало, унинг қандай омиллар эвазига таъминланаётганлигига боғлиқ. Чунки ташқи бозорга хом ашё ресурслари, жумладан, углеводород хомашёларини сотиш

---

<sup>39</sup> Кушнаренок Т. В. Стратегии несырьевого развития региональной экономики: учет феномена многоукладности: Моногр. Ростов н/Д: ИПК РГЭУ (РИНХ), 2016. С. 24.

эвазига миллий маҳсулот ўсишини таъминлаб келган кўплаб мамлакатлар бугунги, яъни жаҳон бозорида хом ашё ресурслари, айниқса, нефтнинг нархи пасайиб кетган бир шароитда мушкул ҳолатга тушиб қолди. Мазкур хом ашёларнинг нисбатан юқори нархлари шароитида тузилган ривожланиш стратегиялари муваффақиятсизликка учраб, улар инқироз кўчасига кириб қолди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасида экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳаллий хом ашё ва минерал ресурслар негизида ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдан иборатдир. Шу билан бирга дастур доирасида ички тармоқ ва тармоқлараро, шу жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини кенг йўлга қўйиш ва уни янада мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш дегани эмас. Ўзбекистон Республикаси маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тармоқлар учун тааллуқлидир. Шу сабабли “Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” билан “Маҳаллий ишлаб чиқариш” сўзларини бир биридан ажрата билишимиз зарур. Маҳаллий ишлаб чиқаришга қўйидагича таъриф беришимиз мумкин: “Маҳаллий ишлаб чиқариш жойлашган ҳудудининг маҳаллий ҳокимияти томонидан тартибга солинувчи, маҳаллий меҳнат ва моддий ресурсларидан фойдаланган ҳолда, импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан маҳаллий аҳоли манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган, ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда ва экспорт даражасини оширишда ўз улушига эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидир”<sup>40</sup>.

---

<sup>40</sup> Муаллифлик таърифи.

## Биринчи боб бўйича хулоса

Бу бобда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг назарий асослари бу соҳада кўзга кўринган хорижий ва республикамиздаги етук иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарлари, рисола ва мақолаларида келтирилган фикр ва илмий таснифлари асосида кўриб чиқилди. Хорижий ва республикамиз олимларининг бу соҳа назарий билимлари муаллиф томонидан ўрганилиб, тегишли равишда хулосалар қилинди.

Таҳлиллар натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибига минтақа маҳаллий аҳолисининг хорижда вақтинча бажараётган иш ва хизматлари қийматини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Чунки бу қиймат ҳозирги кунгача на ялпи маҳаллий маҳсулот, на ялпи ички маҳсулот таркибида ўз аксини топмаган. Айниқса бу қиймат Фарғона минтақасида катта салоҳиятга эга. Бу қийматнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибига киритилиши билан мамлакатимизнинг ялпи маҳаллий маҳсулоти ҳажмининг ўсишига эришилади. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига таъсирини таҳлил қилишда “Ялпи миллий маҳсулот”, “Ялпи миллий маҳсулот” ва “Ялпи ҳудудий маҳсулот” кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўрганишлар натижасида ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш дегани – бу маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш дегани эмас деб фикр билдирилди. Ўзбекистон Республикаси маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиётида фаолият юритаётган барча тармоқ ва корхоналар учун тааллуқлидир. Маҳаллий ишлаб чиқариш тизимиغا эса, ушбу мақом талабларига мос айрим келувчи хўжалик юритувчи субъектлар киради холос. Шу сабабли “Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” ва “Маҳаллий ишлаб чиқариш” атамаларни бир биридан ажрата билишимиз зарур.

Таъкидлаб ўтганимиздек, “Маҳаллий ишлаб чиқариш - бу жойлашган ҳудудининг маҳаллий ҳокимияти томонидан тартибга солинувчи, маҳаллий меҳнат ва моддий ресурсларидан фойдаланган ҳолда, импорт маҳсулотлари

ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан маҳаллий аҳоли манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган, ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда ўз улушига эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидир”.

Юқорида келтирилган фикр ва тавсиялар тадқиқот мавзусининг долзарблигини ҳамда бугунги кунда унинг назарий, амалий жиҳатдан такомиллаштиришга мойил томонлари мавжудлигини белгилаб беради.

## **II - БОБ. ФАРҒОНА МИНТАҚАСИ ВИЛОЯТЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ**

### **2.1. Минтақани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳат ва муаммолари**

Фарғона минтақаси республикамизнинг ҳудудий-маъмурий жиҳатдан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларини ўз ичига олади. Минтақанинг иқтисодий ҳудуд шаклида ажратилиши, энг аввало, унинг географик ўрни ва демографик салоҳияти билан тавсифланади. Бу ерда ҳудуд ҳосил қилувчи ишлаб чиқариш тармоқлари бўлиб пахта ва пилла етиштириш, боғдорчилик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари хизмат қилади. Шунингдек, кимё, нефть ва нефть кимёси ҳамда машинасозлик, айниқса автомобилсозлик ривожланиб бормоқда.

Минтақа Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, у деярли ҳар томонидан тоғлар билан ўралган. Фақат ғарбда у қадар катта бўлмаган Хўжанд дарвозаси орқали Мирзачўл текислиги билан туташади. Минтақа ҳудуди шимол, шарқ ва жанубда Қирғизистон Республикаси билан, жануби-ғарбда Тожикистон Республикаси билан асосан тоғ тизмалари орқали туташган. Ғарбда эса Тошкент минтақаси билан чегарадош. Келгусида Фарғона минтақаси орқали Хитой ва Покистонга чиқиш имкони яратилиши билан минтақанинг берк ҳолати йўқолади ҳамда унинг иқтисодий географик ўрни аҳамияти ортади.

Фарғона минтақаси ўзининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа бир қатор жиҳатларига кўра бошқа минтақалардан фарқ қилади. Хусусан, минтақанинг майдони 19,2 минг квадрат километрга тенг бўлиб, республика ҳудудининг 4,2 фоизини ташкил этади, холос. Аксинча, минтақа аҳоли сони бўйича минтақалар орасида энг юқори кўрсаткичга эга. 2019 йилда минтақада ўртача доимий аҳоли сони 9535,6 минг кишидан зиёдни ташкил қилди. Бу эса мамлакат аҳолисининг 28,6 фоизига яқинини ташкил



этади. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг хорижга экспорт қилиниши туфайли минтақада валюта тушуми ортмоқда.

### Демографическая ситуация

#### Численность постоянного населения (на 1 апреля)

|                                  | 2018 г.         | 2019 г.         | Темпы<br>роста к<br>предыду-<br>щему<br>году, % |
|----------------------------------|-----------------|-----------------|---|
| <b>Республика<br/>Узбекистан</b> | <b>32 763,5</b> | <b>33 375,8</b> | <b>101,9</b>                                    |
| Республика<br>Каракалпакстан     | 1 847,6         | 1 875,4         | 101,5   |
| <i>области:</i>                  |                 |                 |   |
| Андижанская                      | 3 020,7         | 3 077,2         | 101,9   |
| Бухарская                        | 1 869,9         | 1 900,0         | 101,6   |
| Джизакская                       | 1 330,0         | 1 358,2         | 102,1   |
| Кашкадарьинская                  | 3 159,8         | 3 225,8         | 102,1   |
| Навоийская                       | 966,4           | 982,6           | 101,7   |
| Наманганская                     | 2 708,7         | 2 763,1         | 102,0   |
| Самаркандская                    | 3 733,7         | 3 813,6         | 102,1   |
| Сурхандарьинская                 | 2 524,6         | 2 580,6         | 102,2   |
| Сырдарьинская                    | 818,5           | 833,0           | 101,8   |
| Ташкентская                      | 2 867,1         | 2 907,0         | 101,4   |
| Ферганская                       | 3 631,2         | 3 695,5         | 101,8   |
| Хорезмская                       | 1 810,0         | 1 841,0         | 101,7   |
| г.Ташкент                        | 2 475,3         | 2 522,8         | 101,9   |

#### 2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўсиш динамикаси<sup>41</sup>

Ҳозирда аҳоли сонининг кўплиги минтақада кўпроқ ишчи ўринларини яратиш муаммосини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам минтақанинг асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири - маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, минтақавий меҳнат бозорини шакллантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш.

<sup>41</sup>Манба:ihfo@stat.uz.

Фарғона минтақаси ялпи ҳудудий маҳсулот, ялпи саноат маҳсулоти, ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулоти, импорт ва ташқи савдо айланмаси ҳажми бўйича республика минтақалари орасида 2-ўринни эгаллайди. Шунингдек, минтақа экспорт ҳажми бўйича 3-ўрин, иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳажми бўйича 4-ўрин ҳамда ташқи савдо сальдоси бўйича эса минтақалар орасида 5-ўринни эгаллайди.

2.1-жадвал

**Фарғона минтақаси вилоятларининг мамлакат ЯИМ даги улуши<sup>42</sup>**

| Минтақа вилоятлари  | Йиллар бўйича улуши , фоизда. |         |         |         |         |
|---------------------|-------------------------------|---------|---------|---------|---------|
|                     | 2015 й.                       | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
| Андижон             | 6,4                           | 6,4     | 6,3     | 6,5     | 6,4     |
| Наманган            | 4,9                           | 5,0     | 4,8     | 4,4     | 4,5     |
| Фарғона             | 7,5                           | 7,1     | 6,6     | 6,5     | 6,4     |
| Минтақа бўйича жами | 18,8                          | 18,5    | 17,7    | 17,4    | 17,3    |

2.1-жадвалда Андижон вилоятининг ЯИМ даги улуши 2015 йилга нисбатан 2019 йилларда 6,4 фоизни ташкил этиб, ўзгариш бўлмаган. Наманган вилоятида 0,4 фоизга камайиш содир бўлган. Фарғона вилоятининг улуши 2015 йилга нисбатан 2019 йилда 1.1 фоизга камайиб борган.

2.2-жадвал

**Фарғона минтақаси вилоятларининг ҳудудий маҳсулот ҳажми<sup>43</sup>**

| Минтақа вилоятлари  | Йиллар кесимида ҳудудий маҳсулот динамикаси (жорий нархларда, млрд.сўм) |         |         |         |         |
|---------------------|---|---------|---------|---------|---------|
|                     | 2015 й.   | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
| Андижон             | 13474,6   | 15628,2 | 19206,0 | 26503,0 | 32897,2 |
| Наманган            | 10254,4   | 12184,1 | 14501,2 | 18046,0 | 23239,0 |
| Фарғона             | 15698,7   | 17290,9 | 19837,5 | 26611,5 | 32943,3 |
| Минтақа бўйича жами | 39427,7   | 45103,2 | 53544,5 | 71160,5 | 89079,5 |

2.2- жадвалдан кўриниб турибдики ҳудудий маҳсулот ҳажми минтақа бўйича 2015 йилга нисбатан 2019 йилда 49651,8 млрд. сўмга ўсган. Бу ерда 2.1- жадвал билан 2.2-жадвал кўрсаткичларининг мантқан бир-бирига мос келмаслигини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткичларга таъсир қилувчи асосий омил бўлиб, аҳоли динамикаси ҳисобланади.

<sup>42</sup> Манба:ihfo@stat.uz

<sup>43</sup> Манба:ihfo@stat.uz

**Фарғона минтақаси вилоятлари аҳоли динамикаси**<sup>44</sup>

| Минтақа вилоятлари  | Йиллар кесимида аҳоли сони (минг киши) |         |         |         |         |
|---------------------|--|---------|---------|---------|---------|
|                     | 2015 й.                                | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
| Андижон             | 2883,9                                 | 3046,2  | 2987,1  | 3039,3  | 3097,3  |
| Наманган            | 2578,8                                 | 2627,9  | 2676,0  | 2726,2  | 2781,9  |
| Фарғона             | 3470,8                                 | 3535,0  | 3592,5  | 3651,8  | 3717,6  |
| Минтақа бўйича жами | 8933,5                                 | 9209,1  | 9255,6  | 9417,3  | 9596,8  |

2.3-жадвалдан кўришиб турибдики, 2015 йилга нисбатан 2019 йилда минтақада аҳоли сони 663,3 минг кишига ўсган. Вилоятлар кесимида оладиган бўлсак, 5 йил ичида Андижон вилоятида 213,4 минг кишига (7,4 фоизга), Наманган вилоятида 203,1 минг кишига (7,9 фоизга), Фарғона вилоятида 246,8 минг кишига (7,1 фоизга) ўсган. Шунинг учун ҳам минтақа ва вилоятлар кесимида ҳудудий маҳсулот ҳажми йиллар бўйича ўсиб борган, лекин аҳоли жон бошига нисбатан мамлакат ЯИМ даги ҳудудий маҳсулот улуши ҳажми камайиб борган. Демак, минтақада маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришга нисбатан маҳаллий аҳолининг ўсиш ёки миграция даражаси юқори.

Минтақанинг ёқилги саноати - нефть ва газ қазиб чиқаради ва қайта ишлайди. Энергия манбалари ишлаб чиқариш саноатининг минтақа экспортидаги роли сезиларли даражада юқори салмоққа эга. Минтақада пахта тозалаш, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқлари учун машина ускуналари, ирригация ва мелиорация учун машиналар, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Асака шаҳридаги “ЎзДЭУАвто” қўшма корхонасининг ишга туширилиши билан мамлакатда биринчи бор автомобилсозлик саноатига асос солинди ва Ўзбекистон дунёдаги 28 та автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлардан бирига айланди.

Минтақа экспорт салоҳиятини белгилаб берувчи саноат тармоқларидан яна бири кимё саноатидир. Мазкур саноат тармоғи асосан Фарғона вилоятида ривожланган. Ҳозирда минтақадан экспорт қилинган кимё ва пластмасса

<sup>44</sup> Манба: ihfo@stat.uz

маҳсулотларининг 99,4 фоизи Фарғона вилояти ҳиссасига туғри келади. Вилоятда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик компанияси таркибига кирувчи тўртта йирик кимёвий заводлар: “Фарғонаазот”, “Кўкон суперфосфат”, “Фарғона кимёвий тола заводи”, “Фарғона фуранли бирикмалари кимёвий заводи”, шунингдек, минтақа қурилиш материаллари саноатига эга. Табиий хом ашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланилади. “Қувасой цемент” заводи республикадаги 5 та йирик цемент ишлаб чиқарадиган корхоналардан бири ҳисобланади. Корхона 2018 йилнинг якунларига кўра 80 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Минтақа республикада ойна ишлаб чиқариш бўйича олдинда туради. Унинг йирик корхонаси “Қувасойшиша” ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлган. Бу корхона консерва шиша идишлари, бутилка ва “GM O'ZBEKISTON” корхонаси учун ойна, шунингдек дераза ойналари ишлаб чиқаради. Андижон, Фарғона, Кўкон ва Қувасой шаҳарларида йигирмага яқин темир-бетон ва уйсозлик комбинатлари мавжуд.

Минтақанинг енгил саноат тармоғи маҳаллий хом ашё ресурслари ҳисобига ривожланиб бормоқда. Чунки енгил саноатнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноати маҳаллий меҳнат ресурслари ва материал захиралари билан ишончли тарзда таъминланган. Минтақада республика ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 26 фоизига яқини етиштирилди. Минтақадаги экин ер майдони 742,8 минг гектарни ташкил этади. Бу республика жами экин ер майдонининг 21 фоизига тенг. Минтақада ер-сув ресурслари чегараланганлиги туфайли улардан унумли фойдаланиш деҳқончилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Фарғона минтақаси иқлим шароити озиқ-овқат бозори шаклланиши ва иқтисодий ўсишнинг барча фазаларига кучли таъсир кўрсатади. Биринчидан, Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг ўзига хос тармоқлари ва вилоятларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви агроиқлимий шароит таъсирида вужудга келди. Иккинчидан, иссиқ ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тез бузилиши ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар талаб

этилади. Учинчидан, ҳаво ҳарорати паст ҳудудларда аҳолининг юқори калорияли озиқ-овқатга доимий эҳтиёжи бўлади, бу эса истеъмол харажатларида озиқ-овқат улушини ортиб боришига олиб келади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, моддий-техник базани доимий янгилаб туриш, қайта ишлаш саноатининг амортизацияси ва иситиш билан боғлиқ ортиқча харажатлари вужудга келади.

Фарғона водийси иқлимнинг асосий кўрсаткичлари ҳарорат ҳисобланади ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланиши ва ҳосилдорлигига катта таъсир этади. Қишлоқ хўжалиги учун салбий таъсир қилиш мумкин бўлган иқлим ҳолатларини, айниқса, вегетация даврида кечки совуқ, кучли шамоллар бўлишини, ёмғир, жала ва дўл ёғишини ҳисобга олиш тақозо этилади. Водий баланд тоғ тизмалари орасида қурғоқчил ҳудудда жойлашганлиги, денгиздан узоқдалиги, йирик чўлларга (Қорақум ва Қизилқум) яқинлиги, иссиқ ва қуёшли кунлар микдорининг кўплиги билан ўзига хос иқлим шароитига эга.

Юқорида келтирилганлар Фарғона минтақаси вилоятлари иктисодий салоҳиятига таъсир этувчи табиий омиллар ва уни ўзлаштириш имкониятларида сақланиб қолаётган минтақавий фарқларни илмий асослашга имкон беради. Шундай шароитда қишлоқ хўжалиги корхоналарида экиладиган маҳсулот турини аниқлашда ўтган йилги юқори нархларга асосланади. Натижада, бир турдаги маҳсулот кўп етиштирилиб унинг нархи тушиб кетади ва келгуси йилда ўша маҳсулот кам етиштирилмоқда. Бу эса қайта ишлаш саноатининг жойлашувига ва хом ашё базасига салбий таъсир этиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ва баҳосида намоён бўлмоқда.<sup>45</sup>

Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган ҳудудий ихтисослашув йўналишларини белгилашда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- табиий ресурсларнинг мавжуд заҳираларини аниқ баҳолаш;

---

<sup>45</sup> Сотволдиев Н. Ж. Фарғона водийсида озиқ-овқат бозори шаклланиши ва ривожланишининг табиий омиллари.//Иктисод ва молия / Экономика и финансы.№ 9 (117)2018.

- қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг кооперацион алоқаларининг бирлигини таъминлаш;

- ҳудудий концентрация ва умумий ихтисослашувининг қулайлик даражасини ошириш.

Бугунги кунда Фарғона минтақасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлаштиришни муҳим омили сифатида унинг экспорт салоҳиятидан имкон қадар оқилона фойдаланиш талаб этилади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан шу ҳудудда мавжуд бўлган ресурс ва экспорт салоҳиятига боғлиқдир. Маълум даражада ресурслар билан таъминланганлик ва инфраструктура тизимининг юқори даражада ташкил этилганлиги экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлайди ва айти пайтнинг ўзида ҳудуднинг тез фурсатларда ривожланишига муҳим шароит яратади.

Минтақанинг юқори имкониятлари энг аввало, меҳнат ресурсларининг миқдори, фойдаланишга яроқли ер майдони, асосий ишлаб чиқариш фондлари қувватининг бирмунча юқорилигида. Шунингдек, минтақа вилоятлари ҳамда уларнинг туманларини ўзаро оралиқ масофасининг яқинлиги туфайли вилоятлараро автомобиль қатнови яхши йўлга қўйилган. Бу минтақани иқтисодий ўсишида яна бир омил ҳисобланади. Чунки, вилоятлараро ўзаро меҳнат ва табиий ресурслар алмашинувида автотранспорт хизмати катта аҳамиятга эга. Республикада автомобиль йўлларининг зичлиги жиҳатидан Фарғона минтақаси етакчи ўринни эгаллайди. Республикада автомобиль йўлларининг ўртача зичлиги ҳар бир километр квадратга ўртача 100 метрдан тўғри келса, минтақада ҳар бир километр квадратга ўртача 500 метрдан йўл тўғри келади. Шу жумладан, минтақада аҳоли зичлиги ҳам юқори бўлиб, республикамиз ўртача кўрсаткичидан 6-7 марта кўпдир.

Фарғона минтақасининг иқтисодий ўсиш имкониятларини яна ўзига хос жиҳатларидан бири, олдиндан у ердан темир йўлнинг ўтганлидир. Қолаверса бу темир йўл минтақанинг учала вилоятини ҳам бир-бири билан боғлайди. Ушбу имкониятлар минтақада инфраструктура тизимининг яхшилаш ва экспорт салоҳиятини оширишда мавжуд ички имкониятлардан самарали

фойдаланишни тақозо этади.

Минтақа таркибига кирувчи учта вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, улар ўртасидаги номутаносибликлар мавжудлигини кўрамиз. Ҳозирда минтақа ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 41 фоизга яқини Фарғона вилоятига, 38 фоизга яқини Андижон вилоятига ва 21фоизга яқини Наманган вилояти ҳиссасига тўғри келди. Демак, минтақа ялпи ҳудудий маҳсулотида Фарғона вилоятининг ҳиссаси юқори. Бироқ, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш Фарғона вилоятида 106,8 фоизни, Андижон вилоятида 109,6 фоизни, Наманган вилоятида 109,9 фоизни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, Фарғона вилояти юқори салмоққа эга бўлсада, унинг ўсиш суръатлари қолган вилоятларга нисбатан пастроқ.

Минтақанинг қулай иқлим шароитлари ва аҳолисининг асосий қисми хунарманд ҳамда касбий маҳоратга эга бўлганлиги ва маҳаллий аҳолининг мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослашганлиги иқтисодий ўсишнинг яна бир омилидир. Шунингдек, маҳаллий аҳолининг мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослашганлиги минтақада экспорт салоҳиятини оширишга асос бўлади. Масалан, Тўракурғон, Янгиқўрғон, Фарғона ва Риштон туманларининг мева қоқилари, Куванинг анорлари, Олтиариқнинг узуми каби меваларининг мазаси хориж мамлакатларнинг аҳолисига ҳам танишдир. Бу имконият минтақада етиштирилган мева - сабзавотни қайта ишлаб, экспорт қилиш истиқболларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижроси бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари Фарғона механика заводи ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишди. Саноат зонасида йилига 300 тонна антифриз, 200 тонна ойна ювиш суюқлиги, 10 минг дона тормоз колодкаси ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Қиймати 38,5 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳани 2018 йилнинг учинчи чорагида тўлиқ ишга тушириш

мўлжалланмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 45 фоизи экспортга йўналтирилади. Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари жадал ривожланиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб ортмоқда.

Фарғона вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот охириги беш йилда 1,6 баробар ўсган, унинг таркибида саноатнинг улуши 23,6 фоиздан 27,5 фоизга етган. Саноат маҳсулотининг 96 фоиздан ортиғи кимё, нефт-кимё, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва қурилиш материаллари тайёрлаш каби замонавий тармоқларда ишлаб чиқарилаётгани диққатга сазовордир. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, “Фарғонаазот”, “Автоойна”, Қўқон механика заводи, “ДЭУ текстиль Фарғона”, “Қўқон Индорама текстиль” каби йирик саноат корхоналари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида ўз аҳамиятига эга. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётнинг барча соҳаларида иқтисодий ислохотлар изчиллик билан жадал суръатларда амалга оширила бошланди. Бугунги жаҳон мамлакатлари билан интеграциялашиш жараёнида иқтисодиётнинг барча жабҳаларини изчиллик билан модернизация қилиш тараққиётимизнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Фарғона водийсида саноат тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва хизматлар соҳасининг ривожлантириш мамлакат иқтисодиётида бандлик ва аҳоли даромадлари ўсишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳаларни ривожлантириш салоҳиятининг янада кенгайтирилиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиши мазкур тармоқлар қисқа муддат ичида иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган секторига айланиб, ЯХМ таркибида умумий ҳажмининг ўсиши қишлоқ хўжалиги улушининг йилдан-йилга босқичма-босқич камайишга олиб келмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг илк даврларидаёқ Фарғона минтақасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан биргаликда умумдавлат объектларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш



кўп тармоқли иқтисодий шакллантиришдаги асосий омил ҳисобланган.

Минтақада ҳукуратимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазибалар асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида мева-сабзавот, картошка, гўшт, сут, тухум, асал, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни сақлаш, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича манзилли дастурлар асосида ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 январдаги 1-сонли “2016 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишнинг истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, вилоятда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ўз вақтида қайта ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда жорий йилда мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш мақсадида 2016 йил 8 январда Фарғона вилояти ҳокимининг 10-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, жорий йилнинг ҳисобот даврида вилоят бўйича 859,2 минг тонна сабзавот, 336,7 минг тонна картошка, 108,7 минг тонна полиз, 416,5 минг тонна мева, 106,5 минг тонна узум маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари белгиланган. 2016 йилда вилоят бўйича барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 465,3 минг тонна мева (ўтган йилга нисбатан 112,3 %), 867,2 минг тонна сабзавот (110,0 %), 304,4 минг тонна картошка (110,0 %), 77,9 минг тонна полиз (109,6%), 127,8 минг тонна узум (112,6%) маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Фарғона минтақасида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва худуд иқтисодиёти рақобатбардошлигининг бош мезони сифатида инвестицион салоҳиятни барқарор ривожлантиришни келтириш мумкин. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган

инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Республикамиз ҳудудларининг барқарор ривожланиши, интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим ҳудудий омилларидан бири инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади.

Ҳудудлар инвестицион фаоллиги бўйича етакчи ўринлардан бирини эгалловчи Фарғона водийсида иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар кейинги йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Ҳозирги кунда энг муҳим вазифа ҳисобланган минтақа иқтисодиётининг ривожлантириш жараёни бутун жамиятнинг фаровонлиги ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган саноат, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, минтақанинг демографик, экологик, табиий ва иқтисодий хусусиятларини ўрганиш масалаларини кўриб чиқади.


Минтақа иқтисодиётининг ривожланиши ҳақида гапирганда, унинг келажақдаги салоҳиятини баҳолаш зарурлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳудуд иқтисодиётининг ўсиш суръатларини секинлаштириш, минтақада ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан ривожланишининг орқада қолиш хавфи билан белгиланади. Бу ўз навбатида минтақа иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг янги самарали механизми ва замонавий технологияларининг пайдо бўлишини тақозо қилади. Минтақанинг узлуксиз барқарор ривожланишини таъминлаш учун, унинг ўзига хос демографик, экологик, табиий ва иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, устувор йўналишлари белгилаб олиниши зарур бўлади.

Бизнинг фикримизча, минтақа иқтисодиётининг ривожлантириш ва ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш жараёнини тезлаштириш учун асосий капиталга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда аҳоли касб маданиятини инобатга олган ҳолда қайта саноатлаштириш тамойиллари асосида узок келажаққа мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишдан бошланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

## 2.2. Макроиктисодий барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омилларини кўп омилли эконометрик модель ёрдамида таҳлили

Мамлакат ҳудудларининг умумий иқтисодий салоҳиятини ошишида, ҳар бир минтақалардаги барқарор иқтисодий ўсишнинг аҳамияти катта. Минтақадаги барқарор иқтисодий ўсиш, энг аввало, ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг ўртача даромади ошишига олиб келади. Ҳудудда яшовчи аҳоли даромадларининг ошишининг асосий манбаси, ушбу минтақада жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва кўрсатган хизматларнинг сотилиш ҳажми, сифати, унга бўлган талабнинг ошиб боришидир. Бу эса ўз навбатида, минтақада жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар учун қўшимча молиявий ва иқтисодий ресурслар яратилишига, инвестиция имкониятлари кенгайишига олиб келади. Бундан ташқари, минтақадаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлигига маҳаллий ва республика бюджетларининг даромадига тушадиган тушумларнинг ҳам барқарор бўлишини таъминлайди.

Мамлакат умумий иқтисодий салоҳиятини ошишида, ҳудудлардаги барқарор иқтисодий ўсишининг аҳамияти катта. Минтақадаги барқарор иқтисодий ўсиш, аввало, ушбу ҳудуддаги аҳолининг ўртача даромади ошишига олиб келади.



2.2-расм. Фарғона водийсидаги вилоятларида 2000-2019 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулотлар ўсиш суръатлари, фоизда <sup>46</sup>


Тадқиқотнинг ушбу қисмида, Фарғона водийси иқтисодий минтақасидаги

<sup>46</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудларида иқтисодий ўсишига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинади.

Аҳоли даромадларининг ошиши эса, хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва кўрсатган хизматлар учун ялпи талабнинг оширади. Бу эса ўз навбатида, минтақа корхоналари учун қўшимча молиявий ва иқтисодий ресурслар яратилишига, инвестиция имкониятлари кенгайишига олиб келади. Бундан ташқари, минтақадаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги маҳаллий ва республика бюджетларига тушумларнинг ҳам барқарор бўлишини таъминлайди.

2.2-расмда берилган минтақадаги вилоятлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари динамикаси турли ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланди. Ушбу таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, таъсир кўламини миқдорий ақс эттириш учун ҳар бир вилоят умумий иқтисодий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, эконометрик таҳлилни амалга оширамыз. Эконометрик моделлаштириш жараёнида регрессия тенгламасини шакллантиришда энг кичик квадратлар усулидан фойдаланамиз.




### 2.3-расм. Фарғона водийси вилоятларида 2000-2019 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари, фоизда <sup>47</sup>

2.3-расмда Фарғона водийси минтақасидаги вилоятларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари берилган бўлиб, бунда ўсиш суръатлари динамикаси нисбатан барқарор бўлганини кўришимиз мумкин.

2003-2004 йилларда Фарғона ва Андижон вилоятларида ўсиш суръатлари


<sup>47</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

қолган йилларга нисбатан пасайган, 2017-2019 йилларда эса минтақанинг барча вилоятларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми кескин ошган.



**2.4-расм. Фарғона водийсидаги вилоятларида 2000-2019 йилларда саноат маҳсулотлари ўсиш суръатлари , фоизда <sup>48</sup>**

2.4-расмда Фарғона водийси минтақасидаги вилоятларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатлари берилган бўлиб, бунда Наманган ва Фарғона вилоятларида ўсиш суръатлари динамикаси нисбатан барқарор бўлганини кўришимиз мумкин. Андижон вилоятида эса ўсиш суръатлари 2004-2005 йилларда қолган йилларга нисбатан ошган. 2016 йилда эса Андижон вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатлари кескин пасайган. Шунга қарамай, 2017-2018 йиллар давомида ушбу кўрсаткичнинг кескин ўсганини, 2019 йилда кескин тушиб кетганини кўришимиз мумкин.



**2.5-расм. Фарғона водийси минтақасидаги вилоятларида 2000-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш**

<sup>48</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

## суръатлари , фойзда<sup>49</sup>

2.5 - расмда Фарғона в одийси минтақасидаги вилоятларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатлари берилган бўлиб, Фарғона водийсининг учала вилоятида ўсиш суръатлари динамикаси деярли бир хил тренд ҳосил қилганини кўришимиз мумкин. Фарғона водийси минтақаси вилоятларида 2001-2003 йилларда, 2005-2006 йилларда ва 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиш суръатлари биров пасайганини кўришимиз мумкин. 2018 йилдан Андижон ва Фарғона вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўсган.

2.4-жадвал

### Андижон вилоятида ҳудуддаги иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи омилларнинг регрессион таҳлили (СТАТА 16 дастуридаги натижалар)

| Source    | SS     | Df        | MS    | Number of obs. | =                   | 19     |
|-----------|--------|-----------|-------|----------------|---------------------|--------|
| Model     | 157.08 | 3         | 52.36 | F(3,15)        | =                   | 14.44  |
| Residual  | 54.41  | 15        | 3.63  | Prob>F         | =                   | 0.0001 |
| Total     | 211.5  | 18        | 11.75 | R-squared      | =                   | 0.74   |
|           | Coef.  | Std. err. | T     | P> t           | 95 % Conf. Interval |        |
| $I_{t-1}$ | 0.019  | 0.025     | 0.74  | 0.47           | -0.03               | 0.07   |
| $S_t$     | 0.125  | 0.026     | 4.73  | 0.00           | 0.07                | 0.18   |
| $A_t$     | 0.926  | 0.173     | 5.36  | 0.00           | 0.56                | 1.29   |
| Cons.     | -6.86  | 19.32     | -0.35 | 0.73           | -48.03              | 34.32  |

2.4-жадвалда Андижон вилоятида ҳудуддаги учта муҳим иқтисодий кўрсаткич: ўган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръати ( $I_{t-1}$ ), жорий даврдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати ( $S_t$ ), жорий даврдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати ( $A_t$ ) ларнинг иқтисодий ўсишга таъсири таҳлил қилинган.

Регрессия тенгламаси орқали умумий адекватлигини билдирувчи кўрсаткичларни текширсак, бу ерда F- статистиканинг p - қиймати 0.05 дан анча кичик (0.0001) демак, умуман олганда тенглама статистик жиҳатдан маънога эга. Детерминация коэффиценти ( $R^2$ ) 0.74 га тенг. Демак, олинган

<sup>49</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

мустақил ўзгарувчилар, боғлиқ ўзгарувчидаги ўзгаришнинг 74 фоизни тушунтириб беради.

Кейинги босқичда, таъсир қилувчи омилларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилигини текшираемиз. Ўтган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг  $t$  - Студент мезони бўйича текширилганда  $p$  - қиймати 0.47га тенг. Демак, 5 фоизлик муҳимлик даражасида ҳам 10 фоизлик муҳимлик даражасида ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Жорий даврдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг  $p$  - қиймати эса 0.00 га тенг демак, 1 фоизлик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли. Жорий даврдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг  $p$  - қиймати ҳам 0.00 га тенг. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг ялпи ҳудудий маҳсулотлари ўсиш суръатларига таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли.

2.4-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, регрессия тенгламасини қуйидагича акс эттириш мумкин:

$$Y_t = -6.86 + 0.019I_{t-1} + 0.125S_t + 0.926A_t \quad (2.1).$$

Бунда,  $Y_t$ - жорий даврда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатлари;

$I_{t-1}$  - ўтган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари;

$S_t$ - жорий даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари;

$A_t$  — жорий даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўсиш суръатлари.

Биринчи тенглама натижаларини қуйидагича изохлаш мумкин. Ўтган даврда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг бир фоизга ошиши, жорий даврда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 0.019 фоизга ошишига олиб келади. Жорий даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг бир фоизга ошиши, жорий даврда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 0.125 фоизга оширади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг бир фоизга ошиши ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўртача 0.926 фоизга ошишига олиб келади.

2.5-жадвалда Наманган вилояти ҳудудидаги учта муҳим иқтисодий кўрсаткич: ўтган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръати ( $I_{t-1}$ ), жорий даврдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати ( $S_t$ ), жорий даврдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати ( $A_t$ ) ларнинг иқтисодий ўсишга таъсири таҳлил қилинган.

2.5-жадвал

**Наманган вилоятида ҳудуддаги иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи омилларнинг регрессион таҳлили (СТАТА 16 дастуридаги натижалар)**

| Source        | SS    | Df        | MS     | Number of obs. | =                   | 19     |
|---------------|-------|-----------|--------|----------------|---------------------|--------|
| Model         | 0.007 | 3         | 0.002  | F(4,14)        | =                   | 11.81  |
| Residual      | 0.002 | 15        | 0.0001 | Prob>F         | =                   | 0.0002 |
| Total         | 0.008 | 18        | 0.0004 | R-squared      | =                   | 0.77   |
|               | Coef. | Std. err. | T      | P> t           | 95 % Conf. Interval |        |
| $\ln I_{t-1}$ | 0.049 | 0.018     | 2.72   | 0.017          | 0.01                | 0.08   |
| $\ln S_{t-1}$ | 0.09  | 0.094     | 0.97   | 0.345          | -0.10               | 0.29   |
| $\ln A_t$     | 0.59  | 0.144     | 4.07   | 0.001          | 0.27                | 0.89   |
| $\ln Y_{t-1}$ | 0.33  | 0.147     | 2.22   | 0.044          | 0.01                | 0.64   |
| Cons.         | -0.24 | 0.92      | -0.26  | 0.796          | -2.23               | 1.75   |

2.5-жадвалда берилган регрессия тенгламаси эконометрик таҳлилдаги регрессия тенгламаларидан икки жиҳатдан фарқ қилади. Биринчидан, олинган ўзгарувчилар натурал логарифмик кўринишда берилган. Чунки логарифмик функционал кўриниш олинган маълумотларга кўпроқ мос тушиши детерминация коэффиценти ёрдамида аниқланди. Иккинчидан, регрессия тенгламасига мустақил ўзгарувчи сифатида боғлиқ ўзгарувчининг, яъни ҳудуд ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўтган даврдаги қийматлари ҳам киритилди. Бу динамик қаторнинг авторегрессив хоссасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. 2.5-жадвалда ва мос равишда 2-тенгламада куйидаги қисқартмалар ишлатилган:

$\ln I_{t-1}$  - Наманган вилоятида жорий даврга нисбатан олдинги даврдаги асосий капиталга киритилган инвестициялари ўсиш суръатларининг натурал логарифмланган қиймати;

$\ln S_{t-1}$  - Наманган вилоятида жорий даврга нисбатан олдинги даврдаги саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатларининг натурал логарифмланган



қиймати;

$\ln A_t$  - Наманган вилоятида жорий даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатларининг натурал логарифмланган қиймати;

$\ln Y_{t-1}$  - Наманган вилоятида жорий даврга нисбатан олдинги даврдаги ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларининг натурал логарифмланган қиймати;

Регрессия тенгламаси орқали умумий адекватлигини билдирувчи кўрсаткичларни текширсак, бу ерда F-статистиканинг p-қиймати 0.05 дан анча кичик (0.0005) демак, умуман олганда тенглама статистик жиҳатдан маънога эга. Детерминация коэффициенти ( $R^2$ ) 0.77 га тенг. Демак, олинган мустақил ўзгарувчилар, боғлиқ ўзгарувчидаги ўзгаришнинг 77 фоизни беради.

Кейинги босқичда, таъсир қилувчи омилларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилигини текшираемиз. Ўтган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг p-қиймати 0.017 га тенг. Демак, 5 фоизлик муҳимлик даражасида, ўтган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларига таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли. Ўтган даврдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг p-қиймати эса 0.34 га тенг. Демак, 10 фоизлик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Жорий даврдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг p-қиймати ҳам 0.001 га тенг. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг ялпи ҳудудий маҳсулотлари ўсиш суръатларига таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли.

2.5-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, регрессия тенгламасини қуйидагича акс эттириш мумкин:

$$\ln Y_t = -0.24 + 0.049 \ln I_{t-1} + 0.09 \ln S_{t-1} + 0.59 \ln A_t + 0.33 \ln Y_{t-1} \quad (2.2)$$

Иккинчи тенглама натижаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Ўтган даврда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 1 фоизга ошиши, жорий даврда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 0.049 фоизга ошишига олиб келади.

Ўтган даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг бир фоизга ошиши, жорий даврда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 0.09 фоизга оширади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг бир фоизга ошиши ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўртача 0.59 фоизга ошишига олиб келади. Ўтган даврдаги ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўртача бир фоизга ошиши жорий даврдаги ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўртача 0.33 фоиз ошишига олиб келади.

2.6-жадвал

**Фарғона вилоятида ҳудуддаги иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи омилларнинг регрессион таҳлили (СТАТА 16 дастуридаги натижалар)**

| Source    | SS      | Df        | MS     | Number of obs. | =                   | 19     |
|-----------|---------|-----------|--------|----------------|---------------------|--------|
| Model     | 109.538 | 3         | 36.513 | F(3,15)        | =                   | 14.600 |
| Residual  | 37.509  | 15        | 2.501  | Prob>F         | =                   | 0.0001 |
| Total     | 147.046 | 18        | 8.169  | R-squared      | =                   | 0.74   |
|           | Coef.   | Std. err. | T      | P> t           | 95 % Conf. Interval |        |
| $I_{t-1}$ | 0.050   | 0.022     | 2.30   | 0.036          | 0.004               | 0.096  |
| $S_t$     | 0.106   | 0.113     | 0.94   | 0.364          | -0.135              | 0.347  |
| $A_t$     | 0.760   | 0.144     | 5.28   | 0.000          | 0.454               | 1.066  |
| Cons.     | 9.113   | 14.740    | 0.62   | 0.546          | -22.305             | 40.530 |

2.6-жадвалда Фарғона вилояти ҳудудидаги учта муҳим иқтисодий кўрсаткич: ўтган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръати ( $I_{t-1}$ ), жорий даврдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати ( $S_t$ ), жорий даврдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати ( $A_t$ ) ларнинг иқтисодий ўсишга таъсири таҳлил қилинган.

Регрессия тенгламаси орқали умумий адекватлигини билдирувчи кўрсаткичларни текширсак, бу ерда F-статистиканинг p-қиймати 0.05 дан анча кичик (0.0001) демак, умуман олганда тенглама статистик жиҳатдан маънога эга. Детерминация коэффиценти ( $R^2$ ) 0.74 га тенг. Демак, олинган мустақил ўзгарувчилар, боғлиқ ўзгарувчидаги ўзгаришнинг 74 фоизни беради.

Кейинги босқичда, таъсир қилувчи омилларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилигини текшираемиз. Ўтган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг p-қиймати 0.036 га тенг. Демак, 5 фоизлик муҳимлик

даражасида, ўтган даврдаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларига таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли. Жорий даврдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг р-қиймати эса 0.364 га тенг. Демак, 10 фоизлик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Жорий даврдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг р-қиймати ҳам 0.00 га тенг. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг ялпи ҳудудий маҳсулотлари ўсиш суръатларига таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли.

2.6-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, регрессия тенгламасини қуйидагича акс эттириш мумкин:

$$Y_t = 9.11 + 0.05I_{t-1} + 0.106S_t + 0.760A_t \quad (2.3)$$

Учинчи тенглама натижаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Ўтган даврда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг бир фоизга ошиши, жорий даврда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 0.05 фоизга ошишига олиб келади. Жорий даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг бир фоизга ошиши, жорий даврда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 0.11 фоизга оширади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг бир фоизга ошиши ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўртача 0.76 фоизга ошишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийси минтақасида иқтисодий ўсишга инвестициялар ҳажмининг ошиши, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши турли механизмлар орқали иқтисодий ўсишга эришилади. Кўп омилли эконометрик таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, асосий капиталга инвестициялар Фарғона ва Наманган вилоятларида иқтисодий ўсишнинг муҳим драйвери ҳисобланади. Саноат маҳсулотлари эса Андижон вилоятида иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси эса минтақанинг ҳар бир вилоятида муҳим ҳисобланиб, қаралаётган даврда иқтисодий ўсишга мунтазам равишда ижобий таъсир қилиб келган.

### **2.3. Макроиктисодий барқарорликнинг таъминланишида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ўзига хос минтақавий стратегик жиҳат ва имкониятлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли фармоннинг “Миллий иқтисодиётнинг жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” йўналишида келтирилган стратегиянинг 22-мақсадида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқунлаш, йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш каби вазифалар белгилаб қўйилган.<sup>50</sup>

Макроиктисодий барқарорликнинг таъминланиши, биринчи галда, ишлаб чиқаришни беқарорлаштирувчи табиий ва иқтисодий омилларнинг салбий таъсирига барҳам берилиши билан боғлиқ. Олиб борилган таҳлиллар саноат тармоғининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларни ажратиш имконини берди:

1. Инвестиция ажратиш ва кредитлаш бўйича махсус дастурларда назарда тутилган давлат дастурларининг мавжудлиги, қайта ишловчи саноатнинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан интеграциялашувининг рағбатлантирилиши.
2. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун илм-фан ҳисобидан инновациялар.
3. Қайта ишловчи тармоқнинг ривожланиш даражаси.
4. Транспорт хизматлари секторини ривожланиш даражаси. Автомобиль

---

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони, “Халқ сўзи”газетаси 1 февраль 2022 й.

йўлларининг таъсири, саноат маҳсулотларини транспортировка қилувчи темир йўл ташувлари тарифларини пасайтириш.

5. Саноат корхоналари бизнеси самарадорлиги кўрсаткичларини оширувчи металл маҳсулотларини ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, таваккалчиликларнинг суғурта қилинишини таъминловчи хизматлар.

6. Экспорт инфратузилмасини, логистика марказларини ривожлантириш ва мақсадли бозорлар учун тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги.

7. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан аҳолининг ҳудуддан кетишини камайтириш, тадбиркорлик фаоллиги ва замонавий технологиялар бўйича билимларини ошириш.

8. Фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини ўз вақтида шакллантириш, тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби ва ҳажмини белгилаш.

9. Йирик саноат тармоқлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш.

2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишнинг қуйидаги вазифалари белгилаб қўйилган эди:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

- янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик

саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

- саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

- саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.<sup>51</sup>

Юқоридаги вазифаларни бажаришда ҳар бир ҳудудлар иқтисодиётини ривожланишига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Минтақалар иқтисодиёти ривожланишига ташкилий жиҳатдан таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Минтақанинг жойлашган жойи ва табиий шароити.
2. Транспорт коммуникациянинг ҳолати.
3. Маҳаллий аҳолининг келиб чиқиш тарихи ва сони.
4. Маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданияти ва кўникмаси.
5. Табиий ресурсларнинг таркибий тузилиши ва ер рельефи.
6. Минтақанинг маъмурий-бошқарув тизими.

Бу омиллар бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳудуднинг иқтисодиётга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Ҳудуднинг жойлашган жойи ва табиий шароити ишлаб чиқариш саноати

---

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

хамда қишлоқ хўжалигини ривожланишига олиб келади. Масалан, йўл (автомобиль йўллари, темир йўллар, дарё ва денгиз йўллари, ҳаво йўллари кабилар) атрофида жойлашган ҳудудларда саноатни ривожланишига олиб келади. Фарғона водийси Ўзбекистоннинг энг шарқда, Тянь-Шань ва Олой тоғ тизмалари орасида жойлашган бўлиб, атрофи тоғлар билан ўралган. Уни Жанубдан Туркистон ва Олой, шарқдан Фарғона ва Отўйноқ, шимолдан Чотқол, шимоли - ғарбдан Қурама ва Қорамозор тоғ тизмалари, ғарбдан эса Мўғултоғ ўраб туради.

Маъмурий жиҳатдан Фарғона водийсида Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Қирғизистондан Ўш вилоятининг бир қисми ҳамда Тожикистоннинг Хўжанд вилоятининг бир қисми жойлашган.

Фарғона водийси табиий географик округи сифатида олиниб, шартли равишда водийнинг Ўзбекистонга тегишли ҳудудлари доирасида тадқиқотлар олиб борилган. Водий ер қобиғининг мураккаб геоморфологик тузилиши, иқлимидаги фарқи, гидрогеологик шароит, муттасил давом этаётган деҳқончиликнинг таъсири, тупроқ қоплами ва таркибининг хилма-хил бўлишига олиб келган. Асосан аллювиал-ўтлоқ, очёки типик бўз, ботқоқтупроқ кўп учрайди. Водийнинг иқлими қуруқ, давомли, ёзи иссиқ, қиши мўътадил.

Рельефнинг ғарбдан шарққа баландлашиб бориши сабабли, ёғин миқдори ва ҳавонинг нисбий намлиги бир хилда тақсимланмайди. Ўртача йиллик ҳавонинг нисбий намлиги 39 фоиз, энг қурғоқчилик ойида (август) 32 фоиз бўлади. Водийнинг ғарбида (Қўқон) йиллик ёғин 98 мм, шарқий қисмида (Андижон) 226 мм. Қуёшли кунларнинг анча давом этиши (йил давомида 3000 соат), ёзининг қуруқ ва иссиқлиги, қишининг совуқлиги, шунингдек гидротермик меъёрларни бир-биридан фарқ қилиши каби омиллар табиий ўсимликларга қараганда тропик ва субтропик минтақаларга ҳос ўсимликларга кўпроқ таъсир кўрсатади. Фарғона водийси қадимдан нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг деҳқончилик, боғдорчилик, зироатчилик ҳамда хунарманчилик маданияти юксак ривожланган минтақа

ҳисобланади.<sup>52</sup>

Бугунги кунда республикамиз экспорт даражасини белгилашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳам катта аҳамиятга эга ва ҳозирги кунда умумий экспорт ҳажмининг 5-6 фоизга яқинини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ташкил қилади. Бу Фарғона минтақаси имкониятлари учун жуда паст кўрсаткич. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керак-ки, айрим мутахассислар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички бозордаги баҳосини экспорт даражаси билан боғлайди. Уларнинг фикрича, экспорт салоҳиятининг ортиши ички бозордаги баҳони ўсишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт даражасини ўсиши ички бозордаги баҳога салбий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, ўша қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпайишига ва бозордаги баҳонинг пасайишига олиб келади. Масалан, август, сентябрь ойларида Фарғона минтақасида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан узум ва шафтоли меваларининг экспорти бошланади. Агар шу даврда ҳудуднинг ички бозорини ўрганадиган бўлсак, узум ва шафтоли энг арзон мева ҳисобланади.

Демак, ички бозордаги баҳонинг динамикасига биринчи ўринда табиат яъни, об-ҳавони қандай келиши ва маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданияти катта таъсир кўрсатади. Чунки Фарғона минтақасининг табиий шароити ва аҳолиси қадимдан узум етиштиришга ихтисослашган.

Республикамизда транспорт хизмати кўрсатиш соҳаси барча ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини бир-бирини боғлайдиган соҳа бўлиб, минтақа иқтисодиётини ривожланишида катта аҳамиятга эга. Транспорт соҳаси ривожланишининг ортда қолиши, минтақада хизматлар таннархининг юқори бўлиши бошқа ҳар қандай фаолиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу эса иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Минтақада аҳоли сонининг ўсиши, демографик портлашнинг содир бўлиши, фан ва техника ривожланишининг янги босқичлари, энергия ресурслари, хом ашё ва

---

<sup>52</sup> Наралиева Н. Фарғона водийсида ёпиқ ерларда ўстириладиган тропик ва субтропик ўсимликлар. Фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-2005.



материалларнинг, машина ва транспортларнинг янги турлари пайдо бўлиши, янги технологик жараёнларнинг мислсиз даражада ўсиши, моддий ресурсларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмоли даражасининг ўсиши, шаҳарларнинг мисли кўрилмаган даражада кўпайиши ва кенгайиши транспорт инфратузилмасини ривожлантиришни тақозо қилади. Иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган транспорт инфратузилмаси Фарғона минтақасида яхши шакллантирилган.

Мустақилликдан кейин қўшни давлатлардан ўтадиган транзит йўллари ёпилиши туфайли ўн миллионга яқин аҳоли яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг мамлакатимизни бошқа ҳудудлари билан транспорт коммуникациялари анча чегараланган эди. Бу ҳолат аввало аҳоли, қолаверса, иқтисодиёт учун кўплаб ноқулайликлар туғдирган.

2016 йил 22 июнь куни Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги йирик лойиҳасининг ижроси бўлган Ангрэн - Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу билан мамлакатимизда яхлит, мустақил ва замонавий темир йўл тизими яратилди. Улкан стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг коммуникация ва транспорт соҳасида эришган тараққиёти даражасини намоён этди. Бу лойиҳани ишга туширилиши Фарғона минтақасини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари ва ривожланган хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим стратегик объект ҳисобланади. Шунингдек, ушбу темир йўли минтақа вилоятлари ичида юк ва йўловчи ташишда катта иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир. Шу билан бирга параллел равишда Қамчиқ довони орқали ўтадиган автомобиль йўли ҳам қайта модернизация қилинди.

Тарихан қайси ҳудуддан транспорт йўли ўтган бўлса, ўша жой иқтисодий жиҳатдан ривожланган. Масалан, Тошкент-Андижон магистрал темир йўли водийнинг Поп тумани, Қўқон шаҳри, Боғдод тумани, Олтиариқ тумани, Марғилон шаҳри, Қува тумани, Асака шаҳри, Андижон шаҳридан ўтгани учун бу ҳудудлар саноатлашган ҳисобланади. Хусусан, бу ҳудудларда пахта, дон

ҳамда нефтни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари жойлашган, қурилиш ва мебель саноати ривожланган.

Транспорт коммуникациянинг яна бир юқори даражага эга бўлган соҳаси ҳаво йўллари ҳисобланади. Фарғона минтақасининг учала вилоятлари ҳам халқаро мақомдаги аэропортга эга. Бундай шароит экспорт салоҳиятини, айниқса минтақада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижий харидорларга тез ва сифатли етказиб беришда катта имкониятлар яратади. Бу ўз навбатида минтақа вилоятларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг туриб қолишини олдини олиш билан меҳнат унумдорлигини оширади, хорижий валюта тушумини кўпайтиради ва ишсизликни камайтириш билан камбағаллик даражасини пасайтиради. Натижада минтақанинг иқтисодий ўсиши таъминланади.

Хусусан, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот йилида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 9,3 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 14,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,9 фоизга, капитал қўйилмалар 2,5 фоизга, қурилиш ишлари 10,4 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,1 фоиз ва хизматлар ҳажми 16,0 фоизга ўсиши таъминланди.

Олдинги саволимизда кўриб ўтганимиздек, минтақа вилоятлари ҳамда уларнинг туманларини ўзаро оралиқ масофасининг яқинлиги туфайли вилоятлараро автомобиль қатнови яхши йўлга қўйилган. Бу минтақани иқтисодий ўсишида яна бир омил ҳисобланади. Чунки, вилоятлараро ўзаро меҳнат ва табиий ресурслар алмашинувида автотранспорт хизмати катта аҳамиятга эга. Республикада автомобиль йўлларининг зичлиги жиҳатидан

Фарғона водийси минтақаси етакчи ўринни эгаллайди. Республикамизда автомобиль йўл-ларининг ўртача зичлиги ҳар бир километр квадратга ўртача 100 метрдан тўғри келса, минтақада ҳар бир километр квадратга ўртача 500 метрдан йўл тўғри келади.

Минтақада йўл – коммуникация соҳасини ривожланиши саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилиш бозорини ривожлантиришга асос бўлади. Шу сабабли Наманган, Қўқон, Марғилон, Асака ва Андижон шаҳарларида қадимдан савдо-сотик ривожланиб келган. Буюк ипак йўли ҳам асосан шу ҳудудлардан ўтган. Маҳаллий аҳолининг келиб чиқиш тарихи деганда, ушбу ҳудуддаги аҳолининг ўтроқлиги ёки кўчманчилиги тушунилади. Ўтроқ аҳоли кўпроқ аниқ бир касб ёки деҳқончиликнинг аниқ бир соҳаси билан шуғулланган. Кўчманчи аҳоли кўпроқ чорвачилик билан шуғулланган. Фарғона водийси аҳолиси асосан ўтроқ халқ бўлиб, минтақада ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг барча турлари яхши ривожланган.

Фарғона водийси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда йирик этномулоқот ва этногенетик минтақалардан бири ҳисобланиб, бу ерда ҳунармандчиликнинг ривожланиши ўзига хос тарзда кечган. Фарғона водийсида миллий ҳунармандчиликнинг тўқувчилик, кулолчилик, заргарлик, кўнчилик, ёғочга ишлов бериш, темирчилик турлари ривожланган. Айниқса, ушбу ҳунармандчилик турларининг водийга хос тараққиёт йўли бу ерда алоҳида, локал маданият шаклланганлигидан далолат беради.

Фарғона водийси ҳудудларида ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида махсус мутахассисликлар турли регионлар бўйича ривожланган. Жумладан, Марғилон, Хўжанд, Қўқон ипак ишлаб чиқариш, Бешариқ ва Қўқон матога ишлов бериш, Наманган тери-чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кулолчилик эса асосан Риштон, шолча тўқиш Ойим, Дардак қишлоғида, абр матолари Марғилонда, Чуст эса ўзининг машҳур пичоқлари билан шуҳрат қозонган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марғилон аҳолиси ипак, ипак толаси ва атлас матолар, жун ва қоғоз матолар ишлаб чиқариш билан ҳам машҳур бўлган. Энг

аҳамиятли томони ҳам шундаки, Марғилонда ташкил этилган саноат корхоналари ишчиларининг асосий қисмини ҳам маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил этган.

Россия билан савдо алоқаларининг тезлашуви натижасида шаҳар аҳолиси сони ўсиб хунармандчилик ҳам ривожлана бошлаган. Масалан, Қўқон шаҳрида XIX аср ўрталарида 30 минг аҳоли ва 9 та карвонсарой бўлган бўлса, 1897 йили унинг аҳолиси 81 минг кишига етган. Шу вақтда хунармандчилик билан шуғулланувчиларнинг сони 2 мингтага етган. Яна ҳар бир шаҳарларда мингтадан шундай дўконлар бўлган. Водийнинг ҳар бир шаҳри ана шундай хунармандчилик соҳасига ихтисослашган. Марғилон шойи матоларга, Чуст – пичоқ, от учун эгар, жабдук, Андижон ва Қўқон эса оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди.

Бу даврда хунармандчиликнинг ўзига хос жиҳати шу эдики, улар маълум уюшмаларга аъзо бўлиб, ўзларининг касбдошлари манфаатларини доимо ҳимоя қилиб турган. Бундан ташқари, хунармандчилик соҳалари бевосита уй-рўзгор хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, кўплаб хунармандлар асосий касбидан ташқари деҳқончилик, боғдорчилик билан ҳам шуғулланишиб келишган. Шунингдек, водий шароитида уй хунармандчилиги ҳам ривожланган. Бунда ип йигириш, тўқиш ва кигиз босиш каби касблар алоҳида ажралиб турган.

Фарғона водийси хунармандчилигида кенг тарқалган соҳалардан яна бири, темирчилик ҳисобланади. Бу соҳанинг ривожи даставвал хом ашёга боғлиқ бўлган. 1913 йилда маҳаллий хунармандлар 72 фоиз металл буюмлар ишлаб чиқарган. Ривожланган соҳалардан бири металл қуйиш билан боғлиқ бўлиб, уни кўп жойларда дегрезлик (яъни “қозон қуйиш”) ёки қозончи, позагар – омоч тиши қуювчи деб номлашган. Дегрез, одатда, ҳар хил ҳажмдаги қозон, поза омоч (тиш), чойидиш, обдаста, шамдон, қора чироқ, арава ғилдирагига тагчўён, қандил, кешга каби буюмларни қуйган. Улар хонлик даврида қуролсозлик ҳам қилишган. Чунки, қадимда замбарак ва тўплар жез ва чўяндан қуйилган.

XIX аср охирлари XX аср бошларида Қўқон, Наманган, Андижон ҳамда

Марғилон шаҳарларида заргарлик ривож топган. Фарғона водийси заргарлари ўз иш услублари билан бошқа ҳудуд заргарларидан ажралиб турган. Улар шохонакли узук, билакузуклар, тугмали, япалоқ, илонбош, бақабаш каби заргарлик буюмлари тайёрлашган. Фарғонада қора кумуш билан ишлов берилган безаклар ясалган. Бурунга осадиган аравак ва латива, сочга тақиладиган сочпопуклар, тилла зулф, панжара кубба, бўйин ва кўкракка осиладиган безаклар, зебигардон, жавак, бозубанд зўр маҳорат билан ишланган. Заргарлар учун олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар Россия, Эрон ва Ҳиндистондан келтирилган. Маҳаллий хом ашёлар ҳам заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда катта омил бўлиб хизмат қилган. Ўзбек хунармандчилигида қадимги соҳалардан бири кулолчилик бўлиб, бу минтақанинг Риштон ва Гурумсаройида жуда яхши ривожланган бўлиб, локал маданиятга хос мактаб ҳам яратилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам саноатнинг кўплаб соҳалари қайта тиклана бошланди. Шу ўринда, кўплаб хунармандчилик артелларининг ишлари қайтадан йўлга қўйилиб, хомашё базаси яхши таъминланади ва маҳсулотларнинг турлари ҳам кенгайди. 1949 йилда Марғилон шаҳрида ипак матолари тўқиш фабрикаси ишга туширилади.

Ўзбекистон республикасида 1960 - йилларидан бошлаб, фақат бадий хунармандчиликкагина рухсат берилди ва халқ бадий хунармандчилиги маҳаллий саноатнинг махсус тармоғи сифатида қайта ташкил қилинди. Бунга сабаб, ўша даврда собиқ марказ кўрсатмасига биноан иш олиб бориларди. Бу эса, ўз-ўзидан халқ хунармандчилигининг ривожланишига таъсир этмасдан қолмасди.<sup>53</sup>

Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, Фарғона минтақасининг аҳолиси юксак ишлаб чиқариш маданиятига эга бўлган. Маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданияти деганда, ҳар бир ҳудуд аҳолисининг қадимдан шуғулланиб келган соҳа, малакаси ёки бир йўналишга ихтисосланганлиги

---

<sup>53</sup> Давлатова С. Фарғона водийсининг анъанавий хунармандчилиги. <http://uzbegim.us>

тушунилади. Бу ўз навбатида маҳаллий ишлаб чиқаришни қайта ривожлантириш билан маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданиятини сақлаб қолиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим ҳисобланади.

Минтақа иқтисодиётининг ривожланишига таъсир этувчи омилларга бевосита табиий ресурсларнинг таркибий тузилиши ва сифати ҳам таъсир этади. Масалан, Поп ва Риштон туманларининг тупроғидан кулолчиликда ҳам ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги туфайли бу ҳудудда кулолчилик ривожланган. Қувасой шаҳри жойлашган ҳудуд тупроғи таркибида қурилиш материаллари моддаси борлиги сабабли бу ерда цемент ва ғишт заводлари қурилган, Фарғона, Мингбулоқ, Булоқбоши, Асака, Марҳамат, туманлари ҳудуди ер остида нефть бўлгани сабабли бу ҳудудда маълум миқдорда нефть скважинлари қурилган.

Фарғона минтақаси бошқарув тизими жиҳатдан водийнинг Ўзбекистон давлатига тегишли қисмини ўз ичига олади. Унга республика майдонининг 4,1 фоизи тўғри келиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари киради. Андижон вилоятида 14 та туман ва иккита шаҳар, Наманган 11 та туман ва битта шаҳар, Фарғона вилоятда 15 та туман ва тўртта шаҳар жойлашган. Минтақанинг вилоят, туман ва шаҳарлари бир-бирига яқин, зич жойлашган бўлиб, маъмурий бошқарув, ўзаро иқтисодий алоқа ва ҳамкорликда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда анча қулайликларни келтириб чиқаради.

Юқорида санаб ўтилган ҳудуднинг жойлашган жойи ва табиий шароитидаги, транспорт коммуникация ҳолатидаги, маҳаллий аҳолининг келиб чиқиш тарихидаги, маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданиятидаги (касб маданияти), табиий ресурсларнинг таркибий тузилишидаги қулайликлар ва имкониятлардан тўғри фойдаланилса, улар илмий асосда ташкил этилса, минтақада маҳаллий ишлаб чиқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишини таъминлаш билан макроиқтисодий барқарор таъминлашда самарадорликка эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб - қувватлаш, уларга ҳар томонлама мадад бериш, уларнинг самарали ишлаши ва ривожланиши учун қулай шарт шароитлар яратиш, улар ёрдамида мамлакат истеъмол бозорини юқори сифатли товарлар билан тўлдириш, кичик бизнес соҳасига давлат органларининг ортиқча аралашувиغا чек қўйиш масалаларига доимо алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига алоҳида урғу берилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналар ўзларининг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функцияларидан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда.

Айнан шу сабабларга кўра йирик саноат корхоналари сони қисқариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди. Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш нафақат иқтисодий ва социал муаммоларнинг олдини олиш имкониятларини, балки мамлакат ва хусусан, ҳудуд иқтисодиётини диверсификациялаш, унинг рақобатбардош фаолиятини ошириш омили бўлиб ҳам хизмат қилди.

Юқоридаги, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш жараёни, янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этади, шулар асосидагина иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Минтақалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришни жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини тушуниш учун аввало унинг мазмуни, мақсади ва натижаси нималигини билиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқариш жараёни – бу кишилик жамиятининг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Моддий ва маънавий неъматлар яратиш, турли хизматлар кўрсатиш жараёни кишилар иқтисодий фаолиятининг асосий томонидир.

Ишлаб чиқариш жараёни етарли ҳолатда бўлиши учун албатта унинг омиллари ва инфратузилмаси маълум даражада ривожланган бўлиши зарур. Ишчи кучи, табиат, капитал ва тадбиркорлик қобилияти ишлаб чиқаришнинг омиллари ҳисобланади. Транспорт воситалари, электр, газ, сув, йўл алоқа ва ахборот воситалари унинг инфратузилмаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг мақсади чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, кишилар эҳтиёжини қондириш экан, унинг самараси товар ва хизматларнинг натурал ва қиймат жиҳатдан ўсишида, кўпайишида кўринади. Шу нуқтаи назардан олганда, ишлаб чиқариш жараёни ҳаминиша нафлиликни, яъни истеъмол қийматини яратиш, кўпайтириш ва қийматларнинг ўсиш жараёни ҳисобланади, унинг асосий мақсади эса, истеъмол қийматини, яъни нафли товарни яратишдан иборат бўлади.

Агар ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулот таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аксариятида ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўп қисми хизматлар соҳасига тўғри келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар улуши қанча юқори бўлса, ўша мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш тўғри иш ҳисобланади. Чунки хизматлар соҳаси яхлит иқтисодиёт бўйича рентабеллик даражаси анча юқори бўлган соҳалардан ҳисобланади.<sup>54</sup>

Ишлаб чиқариш корхоналарини фаолият тури, ташкил қилиниш ҳудудий ва бошқарув таркибига қараб икки гуруҳга бўлишимиз мумкин:

---

<sup>54</sup> Шодмонов Ш. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш жараёни. // “BIZNES - ЭКСПЕРТ”, 30.07.2018, №7(127).



- умумдавлат аҳамиятга эга бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари;
- ҳудудий аҳамиятга эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналар.

Умумдавлат аҳамиятга эга бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда давлат стратегияси ҳамда ҳудуднинг жойлашган жойи ва табиий шароитидан келиб чиқиб режалаштирилади. Масалан, Фарғона минтақасида жойлашган донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари, пахтани сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари, нефтни қайта ишлаш заводлари, цемент заводлари, кимё заводлари ва бошқалар.

Маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланишига эса кўпроқ маҳаллий аҳолини ишлаб чиқариш маданияти ёки ҳудуддаги умумаҳамиятга эга бўлган ҳамда саноат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланиши таъсир этадиган ишлаб чиқаришдир. Маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданияти Поп ва Риштон туманларида кулолчилик, Чуст, Шаҳрихон туманларида пичоқчилик, Марғилон шаҳрида атлас тўқиш, зардўзлик, косибчилик маҳаллий саноатини ривожланишига асос бўлади.

Фарғона минтақасида мавжуд қулайлик ва имкониятлар маҳаллий ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш стратегиясини белгилашда асос бўлади деб ўйлаймиз. Минтақанинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг янада ривожлантиришдаги мавжуд қулайликлар ва имкониятлар асосида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясини қуйидаги фаолиятларни инобатга олган ҳолда белгилаш мумкин:

- минтақа вилоятларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, дехқон хўжаликларида етиштирилган мева-сабзавотларни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш жараёнларини кичик кластер тизимини ташкил қилиш асосида ривожлантириш;

- майда кустар усулида иш юритаётган ҳунармандларни тайёрлаётган маҳсулот турига қараб ҳунармандчилик уюшмаларига бириктирилган ҳолда ривожлантириш;

- маҳаллий аҳолининг анъанавий меҳнат кўникмаси ва касб маданиятини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг қайта саноатлаштириш тамойиллари асосида ривожлантириш;

- минтақада мавжуд ишлаб чиқариш кучларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида, ҳозирда банкрот ҳолатига келиб қолган йирик корхоналарга маҳаллий ишлаб чиқариш мақомини бериш билан уларда самарадорликка эришиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 5 ноябрь куни мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди. Видеоселектор йиғилишида Президентимиз Ўзбекистонда мева-сабзавот ишлаб чиқаришда улкан имкониятлар мавжудлиги, аҳоли фаровонлигини доимо ошириб боришда халқимиз турмуш тарзига энг яқин ва тез натижа берадиган йўналиш қишлоқ хўжалигида юқори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этиш кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, ҳукуватимиз томонидан боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликларидан бошқарув тизимини яхшилаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигида кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс ,тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинганлига қарамасдан, жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этган бир пайтда, бизнинг улушимиз бир фоизга ҳам етмаётганлигини, келгуси йилда мева-сабзавот экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш, кейинги уч йилда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб ўтди.<sup>55</sup>

---

<sup>55</sup>Манба: <https://uz24.uz/uz/society>

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, бунга эришиш учун экин ва навларни тўғри танлаш, ҳосилдорлик ва даромадни камида икки-уч баробарга ошириш, исрофгарчиликларни олдини олиш, маҳсулотларни сақлаш, логистика масалалари, экспортни тўғри ташкил этиш лозим. Бугунги кунда дунё бозорларида гилос, ўрик, олхўри, анор, узум, бодом, цитрус мевалар каби маҳсулотларга талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушумининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда бундай мевазорлар, айниқса интенсив усулдаги боғлар етарлича ташкил этилмаётгани, боғ ва токзорлар яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли уларнинг иқтисодий самарадорлиги ўта паст даражада қолаётгани, қатор туманларда минглаб гектар эски боғлар йиллар давомида ҳосил бермаётгани танқид қилинди. Ҳанузгача “маҳсулот етиштириш- харид қилиш - сақлаш ва қайта ишлаш - экспорт” занжирини ташкил этадиган кооперация тизими жорий қилинмаган.

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қоплаш ва экспорт ҳажмини ошириш учун мева-сабзавот етиштиришни йилига 8-10 фоизга кўпайтириш ва қўшимча бир миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш зарур. Шу боис қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туманлар ҳокимларига 2020 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган 77 минг гектар майдонга озиқ-овқат экинлари, эртаки маҳсулот етиштириш учун 200 минг гектарда тўқсонбости усулида сабзавотлар экилишини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.<sup>56</sup>

Албатта бундай вазифаларни бажариш илмий ва амалий асосланган тадбирларнинг ўтказилишини тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, минтақанинг деҳқон хўжаликларида етиштирилган мева-сабзавотларни турлари бўйича етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш жараёнларини бир тизимга солиш, кластер тизими ташкил қилиш, ривожлантириш асосида мевали боғларни яратиш, сабзавот экинларини экишдан бошлаб, то уни сотиш

---

<sup>56</sup> Манба: <http://adolat.uz/uzbekiston>

жараёни мулкчилик шаклидан қатъий назар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бириктирилган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Агар мева-сабзавотларни турлари бўйича етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш жараёнлари тўғри илмий асосда ташкил этилса, водий аҳолиси учун етарли даромад манбаи ҳисобланади.

Хитойда агар гуручнинг баҳоси дунё бўйича бир цент бўлса ҳам, юз доллар бўлса ҳам давлат гуруч етиштириш режасини камайтирмайди. Аксинча уни навини яхшилашга ҳаракат қилади. Бунинг сабаби Хитой давлати битта деҳқончилик маданиятини йўқотишни хоҳламайди. Шунингдек, агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришда сифатсиз уруғдан фойдаланса, Хитой давлати томонидан ердан самарасиз фойдаланганлиги учун фермер ёки деҳқонга нисбатан чора кўрилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз республикамизда майда кустар усулида иш юритаётган ҳунармандларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий меросимизни сақлаб қолиш мақсадида тайёрлаётган маҳсулот турига қараб ҳунармандчилик уюшмаларига бириктирилган ҳолда ривожлантиришни мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллий аҳолининг анъанавий меҳнат кўникмаси ва касб маданияти асосида ривожлантирилган ишлаб чиқаришни қайта ривожлантириш деганда, аввал мавжуд бўлган, қандайдир сабабларга кўра минтақа, қолаверса давлат иқтисодиётида ўз ўрнини йўқотган фаолият турини мамлакатдаги эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда қайта тиклаш ёки қайта саноатлаштиришдир. Ҳозирда кўпгина иқтисодчи олимларимиз қайта саноатлаштиришни эскиликка қайтиш деб ўйлаб, бу жумлани ишлатишдан йироқлашмоқдалар.

Хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрлари аксинча, “Кейинги вақтларда жаҳон иқтисодиётида қайта саноатлаштириш сўзи эътиборли ўринга эга бўлиб бормоқда. Бу атама иқтисодиётга янги технологик тизимни киритиш, мавжуд эскирган технологияни янгиси билан алмаштириш, умуман олганда

ишлаб чиқаришни инновацион янгилаш тушунчасига эга”.<sup>57</sup>

“Анъанавий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда замонавий технологияни қўллаш билан қайта саноатлаштириш (реиндустриализация) ғояси пайдо бўлади”.<sup>58</sup>

Қайта саноатлаштириш тизими (реиндустриализация) бу - ишлаб чиқаришни илмий ва технологик инқилоб ютуқлари билан боғлиқ бўлган энг янги техника ҳамда технологияларнинг рельсларига ўтказишдир.<sup>59</sup>

Худудий қайта саноатлаштириш - иқтисодий тизимнинг мослашувчан тикланиш реакцияси сифатида (саноат соҳасидаги аввалги ва замонавий инқироз, глобал иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар) ва саноатнинг қуйи тизимининг микро ва макро даражасида ўсиши билан боғлиқ замонавий саноат ва сегментларни шакллантириш, техник, технологик ва институционал модернизация қилишдир.<sup>60</sup>

Иқтисодиётни қайта саноатлаштириш аввало, маҳаллий саноатни ривожлантириш учун қулай инвестиция, технологик ва тадбиркорлик базасини таъминлайдиган инфратузилмани яратишга қаратилган бўлиши керак. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва инновационлигини таъминлаш учун нафақат саноат соҳасида ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлиш, балки бир қатор институционал шароитларга, яъни расмий ва норасмий институционал меъёрларга риоя қилиш керак.<sup>61</sup>

Бизнинг фикримизча, қайта саноатлаштириш бу айрим сабабларга кўра вақтинча тўхтаб қолган поездни таъмирлаб, қайта рельсга қўйишдир. Минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантириш, худуднинг иқтисодий ўсишини

---

<sup>57</sup> Бузмакова М.В. Реиндустриализация – тенденция мировой экономики. // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Серия: Социальные науки, 2017, № 1 (45), с. 7–17.

<sup>58</sup> Дьяченко О. В. Реиндустриализация экономики челябинской области. // Вестник Челябинского государственного университета. Экономика. 2015. № 8 (363), с. 92–103.

<sup>59</sup> Манба: <https://geographyofrussia.com/reindustrializaciya>.

<sup>60</sup> Ширяева Н. О. Инвестиционное обеспечение реиндустриализации региональной экономики: условия и механизмы в контексте глобализации. Автореферат, г. Ростов-на-Дону, 2009.

<sup>61</sup> Бодрунов С.Д. Реиндустриализация. Круглый стол в вольном экономическом обществе России // Мир новой экономики. — 2014. №1, с. 11-26;

таъминлашда қайта саноатлаштириш тамойилларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Дунё тажрибасидан кўриниб турибдики, иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омиллардан бири бўлган анъанавий одат, касбий маданият, усул ёки тартибни қўлланилиши эскилик ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, агар бу одат, касбий маданият, усул ёки тартиб ўша ҳудуд иқтисодийнинг модернизация қилишга мос келган бўлса ва унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатса, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги 37-сонли “Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан туман балиқ консерва заводини қайта ташкил этишга 26200 млн. сўм ажратиш кўзда тутилган.<sup>62</sup>

Бу қарор анъанавий касбий маданиятни инобатга олувчи, қайта саноатлаштириш асосида ҳудуд иқтисодийни ривожлантиришда тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлди. Чунки, Мўйноқ туманининг маҳаллий аҳолиси қадимдан балиқчилик ва уни қайта ишлаш билан шуғулланиб келган.

Президентимизнинг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони қабул қилиниб, мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги ҳузурида янги агентлик ташкил этиладиган бўлди. Янги ташкил этиладиган агентликнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди жумладан, агентлик мамлакатимизда урбанизация (шаҳарсозлик) соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Саноатлаштириш сиёсатининг суръатлари, босқичлари ва натижаларини узоқ муддатли режалаштириш, шаҳар ва қишлоқлардаги узоқ муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, жадал саноатлаштириш шароитида шаҳарларнинг демографик сиғимлари ҳамда ишчи кучига бўлган

---

<sup>62</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги 37-сонли қарори.

эҳтиёжларини ҳисоблайди. Шунингдек, “ўсиш полюслари” ни аниқлаш, бошқарув марказлари жойларини танлаш, таълим, меҳнат бозорини шакллантириш, ички ва ташқи миграция соҳаларидаги сиёсатни келишиш ҳам агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Агентлик томонидан қишлоқ аҳолисини янги саноат ихтисосликларига ўқитиш ва қайта тайёрлашга қаратилган қатор институционал ва ташкилий чора-тадбирларни белгилашни назарда тутувчи, ишчи кучининг қишлоқлардан шаҳарларга ҳаракатланишини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади. Келгусида мамлакатимизда илғор, энергия тежовчи, экологик тоза технологиялар ва материалларни жорий этган ҳолда йўлдош-шаҳарлар бунёд этилишини ҳисобга олиб, шаҳар агломерацияларини шакллантиришни бошқаради. Бу жараёнларда ижтимоий, муҳандислик-коммунал ва йўл-транспорт инфратузилмалари ҳам қамраб олинган. Урбанизация агентлиги жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда шаҳар аҳолисини жойлаштириш тизимини комплекс ривожлантиришни тартибга солиш, кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларни шакллантиради.<sup>63</sup>

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши ҳам республикаимизда қайта саноатлаштиришнинг такомиллаштиришни қонун доирасида амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Фарғона минтақаси худудларида ҳам айрим соҳалар борки, улар қайта саноатлаштиришга муҳтож. XIX асрнинг охирларида Фарғона водийси ипакчиликнинг йирик марказларидан ҳисобланган ва республиканинг 80 фоиз маҳсулотини берган. Фарғона вилоятининг иккита уездида (Марғилон ва Қўқонда ) 1890-1894 йилларда 15735 минг кг ипак етиштирилган.

Атлас аҳолини миллий кийинишда, соғлигини сақлашда ва давлатнинг харбий стратегиясида катта аҳамиятига эга. Атласни тўқиш сифати ва миқдорига бир нечта ишлаб чиқариш турлари асосий омил сифатида таъсир

---

<sup>63</sup> Манба: <https://darakchi.uz>

этади. Атлас маҳсулоти таннархининг 80-90 фоизини унинг асосий хом ашёси бўлган ипакнинг қиймати ташкил этади. Ипакнинг сифати бир неча жараёнларга боғлиқ. Жумладан, пилла қурти уруғининг сифати, унинг асосий озукаси бўлган тут баргининг тўйимлилиқ даражаси, пилла қуртини боқиш технологияси, ҳолати ва муддати, етиштирилган пилланинг териб олиш муддати ва сифати, пиллани махсус сақлаш жойларига келтириш ва юклаб-тушириш тартиби, сақланиш жойлари ҳолати ва пиллани сақланиш технологиясининг бажарилиш ҳолати, пиллани қайта ишлаш жараёнининг ташкил қилиниши ва замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаси, олинган ипак маҳсулотининг сақланиш ҳолати ва муддати.

Бу соҳани ривожлантириш бўйича ҳукуратимиз томонидан ҳам бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси томонидан Фарғона вилоятида 2017-2021 йилларда ипакчиликни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилгани маъқулланди.

Пиллачиликни янада ривожлантириш учун тут плантацияларини ташкил қилиш керак, деди давлатимиз раҳбари. Соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, пиллачиликда аҳолининг доимий иш билан таъминланишига эришиш лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.<sup>64</sup>

Лекин, ҳозирда юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнларга маъсулиятсизлик билан ёндашилганлиги туфайли, тўқимачилик саноатининг бу нозик турдаги маҳсулотининг тақчиллиги сезилмоқда. Шунингдек, атласнинг ватани ҳисобланган Марғилон шаҳрида йирик ипак ўраш комбинатининг йўқ қилиниши кўплаб аҳолини ишсиз қолишига ҳамда маҳаллий аҳолининг атлас тўқиш касби меҳнат кўникмасини йўқ бўлишига олиб келмоқда.

Фарғона минтақасининг йирик шаҳарларида кўплаб завод ва фабрикалар жойлашган бўлиб, улар умумдавлат аҳамиятга эга бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналаридир. Бу корхоналар минтақада маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожланишига асос бўлиши мумкин. Масалан, тикувчилик,

---

<sup>64</sup>Манба: <https://uz24.uz/uz/society>



темирчилик, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар. Шунингдек, ҳудуддаги бир соҳанинг ривожланиш ушбу ҳудудда иккинчи бир тармоқни ривожланишига асос бўлиши мумкин. Ҳудудда боғдорчиликни ривожланиши уларда етиштирилган меваларни қайта ишловчи корхоналарни пайдо бўлиши ва ривожланишига ёки мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарни пайдо бўлиши унинг қадоқлаш учун идишлар ишлаб чиқариш тармоғини ривожланишига олиб келади. Баъзи ҳолларда аксинча, бир тармоқни ривожланмаслиги ёки тугатилиши иккинчи бир тармоқни йўқ бўлишига олиб келади. Мисол, ҳозирда Фарғона вилояти ҳудуди дехқончилигидаги айрим соҳаларга эътибор берилмагани туфайли бир тармоқ ва бир маҳаллий ишлаб чиқариш маданияти йўқ бўлишишига олиб келинмоқда. Жумладан, бир даврлар минтақани боғдорчиликда дунёга машхур қилган анорчилик маданияти Қува туманида жуда ривожланган эди, лекин айрим сабабларга кўра маълум бир давр бу соҳанинг ривожланмаслиги ёки эътибордан четда қолиши натижасида ҳудуддаги анорни қайта ишлашга ихтисослаштирилган йирик бир корхона ўз фаолиятини тўхтатиши туфайли, унга хизмат қилувчи бошқа корхоналар ҳам ўз фаолиятини тўхтатди. Буни сабабларидан бири 1994-2000 йилларда ички бозордаги баҳони пасайтириш мақсадида анор меваси ва шарбатини экспорт қилишга рухсат берилмаганлиги ёки ташқи бозордаги муҳитни ёмонлашиши бўлди. Натижада ички бозорда анорнинг баҳоси пасайиб кетиб уни етиштирувчилар узок давр даромад олмагани туфайли анор дарахтини ўрнига бошқа мевали дарахт экишга мажбур бўлинди. Маълумотларга кўра 1991 йилда Қува туманида 17 000 яқин оила яшаган бўлиб, уларда ўртача 30 тупга яқин анор дарахти бўлган. Шунингдек, туманнинг собиқ колхозларида анор боғлари ҳамда алоҳида анорчилик совхози бўлган. Умуман олганда, туманда 600 000 туп анор дарахти парвариш қилинган. Ўртача умумий ҳосилдорлик гектаридан 7200 тоннани ташкил этган. Бир вақтлар ўз анори билан ном таратган, бутун собиқ иттифок республикаларига анор меваси ва унинг шарбатини экспорт қилган.

Ҳукуматимиз томонидан 2019 йил 29 июлда қабул қилинган “Қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш инфратузилмасини ва логистика марказларини ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишга хизмат қилади. Маълум қилинганидек, келгуси 3 йилда ерлардан самарали фойдаланиш, интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, соҳага ресурс тежамкор замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда паст рентабелли пахта ва ғалла майдонлари ўрнига озиқ-овқат экинларини жойлаштириш эвазига 2021 йилга бориб 17,7 млн тонна мева-сабзавотлар ишлаб чиқарилади ёки 110 фоизга ўсишга эришилади. 2019-2020 йилларда ғалла ва пахтадан паст рентабелли майдонларни қисқартириш ҳисобига сабзавот майдонлари 32 минг гектарга, полиз майдонлари 4,6 минг гектарга, картошка 10,7 минг гектарга ошади. Ушбу майдонларда инновацион ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобига 2021 йилда биргина сабзавот ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилга нисбатан 110 фоизга ёки 10,7 млн тоннага ошириш режалаштирилган. Бугунги кунда республикада жами 269 минг гектар боғлар мавжуд бўлиб, шундан атиги 16 фоизи ёки 44 минг гектари интенсив боғлардир. Мазкур қарор билан 2019-2021 йилларда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туманда самарасиз боғлар ўрнига 36 минг гектарда замонавий интенсив боғлар барпо этилади. Бунинг учун 3 трлн. 674 млрд сўм маблағ йўналтирилади.<sup>65</sup>

Бизнинг фикримизча, бу соҳани ҳам яна қайта ривожлантириш ва юқори даражага олиб чиқиш учун улардаги ишлаб чиқариш босқичларини қайта саноатлаштириш тамойиллари асосида саноат кооперациясининг тизимли кластер усули такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда кластер тизими сифатли ва серҳосил плантацияларини ташкил қилишдан бошлаб, то уни парваришлаш, мевасини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сотишгача бўлган жараённи ўз ичига олади.

---

<sup>65</sup> Манба: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида корхоналарни бошқаришда давлат улушини камайтириш ва товар бозорларини сифатли маҳсулот билан таъминлашга оид алоҳида вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, биз бундай корхоналарга маҳаллий ишлаб чиқариш мақомини беришни тавсия қилмоқчимиз. Аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий аҳамиятга эга бўлган донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари. Минтақада бундай корхоналарнинг сони ўнга яқин бўлиб, ҳозирда уларнинг асосий вазифаси маҳаллий қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган донни қабул қилиш, ишлаб чиқариш учун заҳира яратиш ва қайта ишлаш асосида маҳаллий аҳолини ун маҳсулотлари билан таъминлашдир. Ҳозирда бу корхоналар тўлақонли фаолият юритаяпти ёки самарадорлиги юқори деб бўлмайди, айримлари банкрот ҳолатига келиб қолган.

Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари минтақа ҳудудида жойлашган, бу корхоналарда маҳаллий мутахассислар ишлайди, маҳаллий хом ашё ҳисобига (кам ҳолларда дон импорт бўлади) ишлаб чиқаришни амалга оширади, асосан маҳаллий аҳолини ун маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини озуқа билан таъминлайди. Бундай корхоналарнинг бошқарув мақомини ўзгариши натижасида минтақа маҳаллий ишлаб чиқариш тизими ривожланади, мавжуд ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланишга эришилиши маҳаллий бюджет даромадларининг ошишига олиб келади.

### **Иккинчи боб бўйича хулоса**

Диссертация ишининг ушбу бобида, минтақада макроиктисодий барқарорликни таъминлаш асосида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги қулайлик ва имкониятлар, муаммолар ўрганилди ҳамда Фарғона водийси вилоятларида макроиктисодий барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омилларини кўп омилли эконометрик

модель ёрдамида таҳлил қилиниб, таъсир этувчи асосий омиллар вилоятларда хилма-хиллик хусусиятига эга эканлиги асослаб, уларда қайси омилларни ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилди. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш стратегиясини белгилашда, мавжуд муаммоларни бартараф қилишда илмий ва амалий асосланган таклифлар берилди.

Кўп омилли эконометрик модель ёрдамида олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Фарғона водийси минтақаси вилоятларида иқтисодий ўсишга ҳар-хил омиллар таъсир қилган. Жумладан, айрим вилоятда инвестициялар ҳажмининг ошиши, айрим вилоятда саноат корхоналарининг ривожланиши, айрим вилоятда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва бошқалар. Масалан, асосий капиталга инвестициялар Фарғона ва Наманган вилоятларида иқтисодий ўсишнинг муҳим драйвери ҳисобланади. Саноат маҳсулотлари эса Андижон вилоятида иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси минтақанинг ҳар бир вилоятида муҳим ҳисобланиб, қаралаётган даврда иқтисодий ўсишга мунтазам равишда ижобий таъсир кўрсатиб келган.

Ҳозирда аҳоли сонининг кўплиги минтақада кўпроқ ишчи ўринларини яратиш муаммосини келтириб чиқармоқда. Лекин меҳнат ресурсларини хорижга экспорт қилиниши туфайли минтақада валюта тушуми ортмоқда. Минтақанинг яна бир асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири - бу ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, минтақавий меҳнат бозорини шакллантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш.

Фарғона минтақасининг юқори имкониятлари энг аввало, меҳнат ресурсларининг миқдори, фойдаланишга яроқли ер майдони, асосий ишлаб чиқариш фондлари қувватининг бирмунча юқорилигида. Шунингдек, минтақа вилоятлари ҳамда уларнинг туманларини ўзаро оралиқ масофасининг яқинлиги туфайли вилоятлараро автомобиль қатнови яхши йўл қўйилган.

Минтақанинг қулай иқлим шароитлари ва аҳолисининг асосий қисми хунарманд ҳамда касбий маҳоратга эга бўлганлиги ва маҳаллий аҳолининг мева ва сабзавот етиштиришга ихтисосланганлиги иқтисодий ўсишнинг яна бир омилидир. Минтақанинг деҳқон хўжаликларида етиштирилган мева-сабзавотларни турлари бўйича етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш жараёнларини кластер тизими асосида ташкил қилиш асосида ривожлантиришда мевали боғларни яратиш ва сабзавот экинларини экишдан бошлаб, то уни сотиш жараёни мулкчилик шаклидан қатъий назар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бириктирилган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Агар мева-сабзавотларни турлари бўйича етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш жараёнлари тўғри илмий асосда ташкил этилса, водий аҳолиси учун етарли даромад манбаи ҳисобланади.

## **III-BOB. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАНИШИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишига таъсир этувчи асосий омилларини такомиллаштириш йўналишлари стратегик жиҳат ва имкониятлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли фармонининг “Миллий иқтисодиётнинг жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” йўналишида келтирилган стратегиянинг 22-мақсадида йирик саноат тармоқлари ва худудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш каби вазифалар белгилаб қўйилган.<sup>66</sup>

Минтақалар иқтисодий ривожланишини ўрганишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, уларга таъсир этувчи омилларни ҳам икки гуруҳга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

- минтақалар иқтисодиётни ривожланишига ташкилий жиҳатдан таъсир этувчи омиллар;

- минтақалар иқтисодиётни ривожланишига бошқарув жиҳатдан таъсир этувчи омиллар.

Минтақалар иқтисодиётни ривожланишига ташкилий жиҳатдан таъсир этувчи омилларга олдинги бобимизда кўриб ўтганимиздек, қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- минтақанинг жойлашган жойи ва табиий шароити;
- транспорт коммуникациянинг ҳолати;
- маҳаллий аҳолининг келиб чиқиш тарихи ва сони;

---

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони, “Халқ сўзи” газетаси 1 февраль 2022 й.

- маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданияти;
- табиий ресурсларнинг таркибий тузилиши ва сифати;
- минтақанинг маъмурий-бошқарув тизими.

Минтақалар иқтисодий ривожланишига бошқарув жиҳатдан таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- минтақада яратилган инновацион муҳит;
- мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсати;
- инвестицияларни жалб қилишга яратилган шароитлар.

Инновацион фаолият ва инновацион маркетинг тушунчаларининг асосини “инновация” сўзи тавсифлайди. Таъкидлаш керакки, бу тушунчага ўзбек, рус ва хориж адабиётларида ҳам кўплаб таърифлар берилган. “Инновацион фаолият” атамаси негизида, кўриниб турибдики, авваламбор, “инновация” сўзи, ушбу сўз негизининг ўзида эса, “новация” сўзи ётади. Ўзбек тили луғатига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча “inno-vation”, русчасига “инновация” сўзи луғатларда “нововедение”, “новаторство” сифатида талқин этилган. Рус тилида берилган талқинга кўра, бу сўз ўзбек тилига “янгилик киритиш”, “янги усул”, “киритилган янгилик” каби маъноларда таржима қилинган ва изоҳланган. Ўзбек тили изоҳли луғатида “Инновация” атамасига – иқтисодий техника ва технологиянинг янги турларини (авлодлари) жорий этиш мақсадида сарфланган маблағлар тушунчаси сифатида келтирилган.<sup>67</sup>

“Инновация” моҳиятан мураккаб, кўп қиррали масала бўлиб, бу тушунча иқтисодчи олимлар ёндашувидаги фарқлар билан ҳам изоҳланади. Хорижий иқтисодий адабиётларида “инновация” салоҳиятли фан – техник тараққиётни янги маҳсулотлар ва технологиялар кўринишида рўёбга чиқиши сифатида талқин қилинади.<sup>68</sup>

Бутун жаҳон иқтисодчи олимлари “инновация” атамасига таъриф

<sup>67</sup> Қаххоров А.Ж.. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали №6, ноябрь-декабрь, 2015 йил. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

<sup>68</sup> Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент. Дарслик -Т.; ТДИУ. 2011. 6-б.

беришда, турлича ёндашувларни амалга оширишган. Улар “инновация”га бир - бирдан фарқли равишда инновацияларни яратиш, ривожланиш каби таърифлар билан бойитганлар. Масалан, биринчи ёндашув тарафдорларидан бири Х. Бернет: “Инновация - яратиладиган янгилик, ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа” бўлиши мумкин деган маънода таъриф берган бўлса, П. Ф. Друкер эса “Инновацияни бизнеснинг янги бир тури” деб қайд этган. Иккинчи ёндашув олимлари биринчи ёндашув олимларидан фарқли равишда асосий эътиборни ишлаб чиқаришга қаратишган. Умуман олганда, жаҳоннинг кўзга кўринган иқтисодчи олимлари “инновация”га таърифларни турлича бериб, бир - бирларини фикрини тўлдириб боришган. Масалан, Я. Кук ва П. Майерслар “Инновация-ғоянинг пайдо бўлишидан унинг тайёр маҳсулотга айланиб, бозор истеъмолига чиқгунга қадар бўлган бутун жараён” деб таъриф беришган.<sup>69</sup>

М. Додгсоннинг таъкидлашича эса, “Инновация - у ўзига илмий, технологик, ташкилий ва молиявий фаолиятни мужассам этган ҳолда тижоратга янги (ёки такомиллашган) маҳсулот, ёки янги (ёки такомиллашган) ишлаб чиқариш жараёнини ёки янги (ёки такомиллашган) ускунани таклиф этишдир”.<sup>70</sup>

Инновацион назариянинг асосий ривожланиш босқичлари В. Зомбрет, В. Митчерхил, Й. Шумпетер тадқиқотларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига, дастлаб, австриялик иқтисодчи олим Й. Шумпетернинг ҳиссаси катта. У инновацион конъюнктура силжишлари манбаларини таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқаришнинг янги омилларини ажратди ва уларга қуйидагиларни киритди:

- янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- янги илмий кашфиёт ёки тижоратлаштириш усулига асосланган ишлаб чиқариш услубини жорий этиш;

---

<sup>69</sup> Cooke Ian, Mayers P. Introduction to Innovation and Technology Transfer Boston: Artech House, Inc., 1996.

<sup>70</sup> Dodgson M. The management of technological innovation: An international and strategic approach. – Oxford University Press, 2000.



- саноатнинг бирон бир тармоғида тақдим этилмаган, янги савдо бозорларини ўзлаштириш;

- хом ашёнинг янги манбасидан фойдаланиш;

- ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга ошириш, монополликни таъминлаш.<sup>71</sup>

Биринчи бор Йозефо Шумпетеронинг асарларида “Иқтисодий инновация” тушунчаси пайдо бўлди. Унинг фикрича, инновациянинг асосий хусусияти шундаки, инноватор (ижрочи) уни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ жараёндан қўшимча бойлик олади. Шунинг учун ҳар қандай янгилик амалиётга ижобий қўлланмагунча ва фойда келтирмагунча инновация ҳисобланмайди.<sup>72</sup>

Бизнинг фикримизча, “Агар, анъанавий ҳисобланган бирор ишлаб чиқариш тури иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатса, аҳолининг ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлса, ушбу ишлаб чиқариш турини технологик томондан ривожлантириб борилиши ҳам инновациядир”<sup>73</sup>.

Инновацион сиёсатини тўғри шакллантириш қийин жараён бўлиб, унинг кўйидаги уч асосий жиҳати мавжуд:

Инновацион сиёсат йўналишини тўғри белгилаб олиш. Ушбу босқичда, келажакда юзага келиши мумкин бўлган бозор муносабати ҳолатларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги мақсадларни тахмин қилиш вазифаси ҳисобланади. Бу ерда қийинчилик, худуд инновацион сиёсатини ишлаб чиқарувчилар ҳаёт тажрибасига кўпроқ таянишга тўғри келади. Шундан сўнг, улар келажакда муқобил мақсадларга эришиш фикрларни шакллантиришлари керак.

Инновацияни режалаштириш стратегияси. Ушбу босқичда аввалги босқичда танланлаб олинган мақсадларга эришишнинг муқобил усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш зарур. Кейин, таққослаш ва баҳо бериш орқали

---

<sup>71</sup> Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш. Монография.- Т.; Фан, – 2007. 172 б.

<sup>72</sup> The Theory of Economic Development (1934). <https://dic.academic.ru>

<sup>73</sup> Муаллифлик таърифи.

барча кераксиз вариантлардан воз кечилиб, якуний стратегия ишлаб чиқилади. Ушбу стратегияда инновацияни излаш ва ривожланишнинг умумий йўналиши, инновация мақсадларига эришиш йўллари шунингдек, унинг техник - иқтисодий асослари тасвирланади. Шунингдек, стратегик режалаштиришнинг якуний натижаси бевосита инновацион лойиҳани яратишдир.

Инновацияни режалаштиришнинг тезкорлиги. Бу ерда инновацион лойиҳа алоҳида босқичларга бўлинади. Олинган босқичларнинг бир қисми сифатида, инновацион сиёсатни ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқилган стратегияни амалга оширишга қаратилган алоҳида тадбирларни режалаштириши керак. Ҳар бир вазифани маълум бошлаш ва тугатиш санасини, ижрочилар сонини, керакли ресурслар миқдори ва бошқаларни аниқлаб олиши керак. Тезкор (операцион) режалаштириш натижасида инновацияни амалга ошириш бўйича батафсил изчил ҳаракат режаси белгилаб олинади.<sup>74</sup>

Хорижий ривожланган давлатлар инновацион фаолиятни амалга оширишда илмий тадқиқот ишларига катта ҳажмда инвестиция киритиб келмоқда, масалан Германия ялпи ички маҳсулотининг 2,7 фоизини, АҚШ 2,8 фоизини, Япония 3,5 фоизини, Россия 1,04 фоизини илмий – тадқиқот ишларига йўналтирган.<sup>75</sup>

Сингапур собиқ бош вазири Ли Куан Ю шундай фикрни билдиради: “Кўпчилик мендан Сингапурнинг ривожлангани ҳақида сўраб, шундай савол беришади, “Қандай қилиб улкан давлатдан ажралиб чиқиб, миттигина ҳудуд билан ривожланган давлатга айландинглар? Бу “Мўъжиза”ни қандай амалга оширдингиз?” Уларга жавобан шундай дедим: “Мен Сингапурда мўъжиза яратмадим. Мен фақат Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, холос. Давлат бюджетининг кўроқ қисмини таълимга йўналтирдим.”<sup>76</sup>

---


<sup>74</sup> Васильева Л.Н., Муравьева Е.А.. Методы управления инновационной деятельностью. Учебное пособие- М.: КНОРУС, 2005. - 320с.

<sup>75</sup> Расходы на НИОКР (в % от ВВП). Данные Всемирного банка за 2008 год.

<sup>76</sup> Манба: [www.Central Asia.com](http://www.Central Asia.com)

Ли Куан Юнинг фикрларидан кўриниб турибдики, интеллектуал мулк инновацион фаолиятнинг асосини ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳудудий инновацион сиёсатнинг ташкилий жиҳатдан қуйидаги икки турга ажратиш мумкин (3.1- расмга қаранг).

Ҳудудий инновацион сиёсат билан хўжалик юритувчи субъект инновацион сиёсатининг фарқи шундаки, ҳудудий инновацион сиёсат, макродаражада намоён бўлиб, уни шакллантиришда “Дедукция” усулига, хўжалик юритувчи субъект инновацион сиёсати макродаражада намоён бўлиб, уни шакллантиришда “Индукция” усулига таянамиз. Лекин, инновацион сиёсатни ишлаб чиқишда алоҳида-алоҳида ҳудудни ҳам хўжалик юритувчи субъектни ҳам ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари ҳисобга олиниши керак.



**3.1- расм. Ҳудудий инновацион сиёсатнинг ташкилий жиҳатдан гуруҳланиши**

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, минтақа ва хўжалик юритувчи субъект инновацион сиёсати қуйида келтирилган тартибда таъриф бериш мумкин: “Минтақавий инновацион сиёсат – бу макродаражада намоён бўлиб, ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий-сиёсий ҳужжатлар (қонун ва қонун ости ҳужжатлар) асосида айнан ушбу ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, шарт-шароити, маҳаллий аҳолининг меҳнат кўникмаси ва менталитети, географик жойлашидан келиб чиқиб, инновацияга оид қарорларни қабул қилинишидир”<sup>77</sup>.

<sup>77</sup> Муаллифлик таърифи.

“Хўжалик юритувчи субъект инновацион сиёсати - бу микродаражада намоён бўлиб, ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий-сиёсий ҳужжатлар (қонун ва қонун ости ҳужжатлар) асосида минтақавий инновацион сиёсат ва хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос ишлаб чиқариш технологияси ҳамда юқори даражада даромад келтиришини ҳисобга олган ҳолда инновацияга оид қарорларни қабул қилинишидир”.<sup>78</sup>

Минтақанинг инновацион сиёсатни олиб боришда қуйидаги омилларга эътибор берилиши керак:

1. Минтақанинг иқтисодий салоҳияти ва ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиши.
2. Маҳаллий аҳолининг келиб чиқиш тарихи ва менталитети.
3. Маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданияти ва кўникмаси.
4. Илмий тадқиқотга яратилган муҳит.
5. Минтақанинг маъмурий-бошқарув тизими томонидан ҳудудда олиб борилаётган инновацион сиёсат.

Хўжалик юритувчи субъектларда инновацион сиёсатини олиб боришда қуйидаги омилларга эътибор берилиши керак:

1. Илмий-техник салоҳият.
2. Моддий-техник таъминот базаси.
3. Фаолият тури ва мулкчилик шакли.
4. Тўловга қодирлик даражаси.
5. Бошқарув тизимининг талаб даражаси.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзининг инновацион сиёсатини минтақа инновацион сиёсати асосида олиб борилиши керак. Шунингдек, ишлаб чиқилган инновацион сиёсатни амалиётга қўллаб, ижобий натижага эришишда ҳар-хил рағбатлантирувчи механизмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, инновацион фаолиятни амалга оширишда илмий тадқиқот тизимига солиқ имтиёзларини қўллаш, илмий-техник фаолиятни

---

<sup>78</sup> Муаллифлик таърифи.

субсидиялаштириш, илмий-техник маҳсулот яратувчи ва истеъмолчиларини узоқ муддатли имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, тадқиқотчи олимлар меҳнатини рағбатлантириб бориш, ёш илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш.

Солиқ тизимини тўғри шакллантириш ва такомиллаштириб бориш ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади бу - барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши учун қулай шароит яратишдир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари томонидан тўланаётган солиқлар давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи қисмини ташкил этмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳукуватимиз томонидан хўжалик субъектлари зиммасидаги солиқ элементларини такомиллаштиришга қаратилган сиёсат олиб борилмоқда. Ҳукуватимиз истиқболларини белгилашда кўрсатиб ўтилганидек, “Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишда бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш, солиқ юқини янада камайтириш мўлжалланмоқда”<sup>79</sup>.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг зиммасидаги солиқ элементлари жумладан, солиқ юқини кескин камайтириш давлат бюджети даромадларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва аксинча, солиқ юқининг оширилиши ишлаб чиқаришга ва макроиқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан солиқ юқининг хўжалик субъектлари учун энг муқобил миқдорини қўлланилиши, корхоналарда муқобил солиқ юқининг ҳисоблаш услугиётини такомиллаштириш ва уни оптималлаштиришнинг замонавий йўналишларини тақозо этмоқда.


Бизнингча бундай тадбирларни алоҳида олинган ҳудудлар бўйича

---

<sup>79</sup> 2005 йилда мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари. “Халқ сўзи” 11 февраль, 2006 й.

Ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Солиқ сиёсатини шакллантиришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши керак яъни, ҳудуднинг жойлашган жойи ва табиий шароити, маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш маданияти ва кўникмаси, ҳудуднинг табиати ва табиий ресурсларни таркибий тузилиши, ҳудудда маъмурий-бошқарув тизими томонидан яратилган инфратузилма даражаси. Чунки мамлакатимиз ҳудудларида санаб ўтилган ўзига хос хусусиятларининг даражаси ҳар-хил. Масалан, Фарғона минтақасининг барча вилоятларидан темир йўл ўтган ёки Жанубий Мирзачўл минтақасида бундай имконият йўқ. Шунингдек, бир минтақада ишлаб чиқариш саноати, иккинчи минтақада қишлоқ хўжалик яхши ривожланган, учинчи минтақада иккала соҳа ҳам қисман ривожланган. Бундай фарқланиш ўз навбатида ҳудудлар бўйича хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатига ҳамда маҳаллий аҳоли турмуш даражасига солиқларнинг таъсирини ўрганиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Чунки, ҳудудларда нотўғри солиқ сиёсатини олиб борилиши минтақа иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, биз қуйида маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини кўриб чиқдик.



**3.2-расм. Маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари**

Макродаражадаги солиқ юки ушбу соҳанинг етакчи олимларидан бири Т. Маликовнинг таъкидлашича, “Солиқ юки деганда, мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибидаги солиқлар миқдорининг ялпи ички маҳсулот миқдорига (ҳажмига) нисбатан тушунилади. Унга бошқача таъриф ҳам бериш мумкин: давлат харажатларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатига солиқ юки, дейилади”.<sup>80</sup>

Демак, профессор Т. Маликовнинг фикрича солиқ юкининг миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулотига ёки аксинча, ЯИМ миқдори бевосита мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсатига боғлиқдир.

Ушбу таърифлардан фаркли ўлароқ Қ. Яхёев бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: “ Солиқ юки-тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини бюджетга тўлашидир. Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди”.<sup>81</sup>

Бугунги иқтисодий либераллаштириш талабларидан келиб чиқиб, алоҳида олинган минтақаларда ҳам солиқ юкини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки республикамизнинг ҳар бир минтақасини олдинги саволларда кўриб ўтганимиздек, ўзига хос хусусияти бўлиб, у албатта солиқ юкига таъсир этади.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг таърифлари асосида минтақа даражасида солиқ юкига қуйидагича таъриф бермоқчимиз: “Минтақа солиқ юки - бу ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги солиқлар миқдори бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган барча солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини маҳаллий бюджетга тўланадиган қисмидир”.<sup>82</sup>

Солиқ элементлари ҳақида гап борганда кўпинча адабиётларда солиққа тортиш тизими ҳақида сўз юритилади. Шу ўринда солиққа тортиш тизими

---

<sup>80</sup> Маликов Т. Солиқ юки. “Халқ сўзи” 2006 йил 24 январ, №7.

<sup>81</sup> Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.- 16 бет.

<sup>82</sup>Муаллифлик таърифи.

хақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, солиққа тортиш тизими солиқ тизимига нисбатан тор тушунча бўлиб, аслида солиқ тизимига киради. Солиқ тизими солиққа оид барча муносабатларни қамраб олса, солиққа тортиш тизими эса, ушбу муносабатлар солиқларнинг ундириш бўйича иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан солиққа тортиш тизими қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қонун йўли билан белгиланган ҳамда ижро ҳокимияти томонидан солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари мажмуасидан иборат.

Солиққа тортиш тизимининг моҳияти гарчан ўзгармас бўлиб кўринсада, унинг шакл-шамойили ва йўналиши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатиغا, қолаверса солиқ сиёсатининг мазмунига боғлиқ бўлади. Чунки, солиққа тортиш тизими ўз ичига таркибан солиқ элементлари, солиқларни ташкил этиш тамойиллари ва усулларини олади, бу элементларнинг қай даражада талқин этилиши эса, бевосита давлат сиёсатиغا боғлиқ бўлади.

Масалан, солиқ элементларига кирувчи солиқ ставкасининг қайси турларининг кўпроқ амал қилиши, солиқ имтиёзларининг қай даражада белгиланиши, солиқларни ундиришнинг қайси усулларидадан устуворлик билан фойдаланиш асосан ижро ҳокимияти фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Бинобарин, шу маънода худди солиқларнинг вазифалари каби солиққа тортиш тизими ҳам ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда амал қилиши ва ташкил этилиши мумкин. Демак, минтақа солиқ сиёсатини шакллантиришда ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинishi амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмайди. Аксинча минтақанинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва маҳаллий ишлаб чиқариш тизимини ривожлантиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, давлат қонунчилиги билан белгиланган ва унинг масъул ташкилотлар томонидан ундириладиган солиқлар ва йиғимларни ташкил этиш усуллари асосида минтақанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши керак. Ҳукуматнинг солиқ сиёсати доирасида минтақанинг



ўзига хос хусусиятларини ўзида ифодалаган солиққа тортиш ва йиғимлар йиғиш тизимига, “Минтақа солиқ сиёсати” деб тушунча беришимиз ва бу атамадан амалиётда фойдаланиш тавсия этилади.

### **3.2. Макроиктисодий барқарорликнинг таъминланишида маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ривожлантириш**

Мамлакатнинг узоқ муддатли мақсадга йўналтирилган макроиктисодий сиёсатининг асоси - бу макроиктисодий барқарорликни таъминлашда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, унинг суръатларини барқарор ва мақбул даражада ушлаб туришдир. Иқтисодиёт назариясида иқтисодий ўсишнинг динамик моделлари ишлаб чиқилмоқда, улар ҳар бир мамлакат учун иқтисодий ўсишнинг мақбул (мувозанатли) даражага эришиш шартларини ўрганишга ва самарали узоқ муддатли иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Машҳур иқтисодий фикр тарихчиси Б. Селигман таниқли иқтисодчилар, иқтисодий ўсиш назариялари муаллифлари, албатта, кенг қамровли ва умумлашган назарияни яратишга даъво қилмаганликларини, иқтисодий ўсишнинг чексизлигини тушунишга ҳаракат қилганликларини айтиб ўтади. Шунинг учун ҳар бир назария ёки моделда иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омил-ларини ажратиб олиш ва ўрганишга имкон берадиган муайян тахминлар ёки мавҳумликлар мавжуд.

Агар мамлакат иқтисодиётида ўтган даврга нисбатан кейинги даврда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлса ва амалга оширилса уни тушуниш анъанавий ҳамда одатий ҳолдир. Аммо иқтисодий ўсиш нима? Уни қандай ўлчаш мумкин? Иқтисодий ўсишга қандай омиллар таъсир қилади? каби саволларга ҳамманинг жавоби ва тушунчаси ҳар-хил. Иқтисодий ўсишнинг умумиктисодий ва уни ҳисоблашдаги миллий ҳисоб-китобларнинг асосий кўрсаткичи – бу ялпи ички маҳсулотнинг ёки ялпи миллий маҳсулотнинг реал кўринишда яъни, инфляциясиз кўпайишидир.

“Иқтисодий ўсиш” жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда мамлакатда иқтисодий ўсиш тўғрисидаги ижобий назарий билимлари, табиий ва меҳнат ресурсларининг ҳолати, сиёсий институтларининг фикрлари, қонунчилик ҳолати ҳамда психологик ва ижтимоий омилларни ҳисобга олиниши керак бўлади. Иқтисодий ўсишни ҳар томонлама қамраб оладиган аниқ назарияни ривожлантириш деярли имконсиз нарса бўлиб туюлади.

“Иқтисодий ўсиш - бу иқтисодиётнинг ривожланиши яъни, ҳаётий неъматлар бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарилишининг кўпайиб боришидир. Иқтисодий ўсиш одатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши билан ўлчанади. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги тушунчаси мавжуд, у иқтисодий ўсишнинг пировард натижаси бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг қай даражада ўсганини ифодалайди. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги - бу иқтисодий ўсишга қанча ва қандай харажатлар билан эришилганлиги бўлиб, ялпи ички маҳсулот ўсишининг харажатлар ўсишига нисбати орқали аниқланади.”<sup>83</sup>

Олдинги бобларимизда таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромадни кўпайишига, иккинчидан, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат нуфузининг ошишига олиб келади.

Бу борада, айнан барқарор иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилий кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Таъсир этувчи омилий кўрсаткичлар гуруҳига қуйидагилар киради: табиий ресурслар миқдори ва сифати; меҳнат ресурслари миқдори ва малакаси; асосий капитал ҳажми; технологиялар, тадбиркорлик қобилияти ва ахборотлар сифати.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларнинг барчаси минтақадаги маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда намоён бўлади. Кейинги

---

<sup>83</sup> Ўлмасов А., Ваҳобов А. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. Т.:“Iqtisod-Moliya”, 2014 й.

вақтларда амалиёт ва назарияда “Маҳаллий ишлаб чиқариш” (“Маҳаллий саноат”) атамаси кам ишлатилаётгани сезилмоқда. Бунинг сабаби, кўпчилик иқтисодчи олимларимиз бу атамани эскилик сарқити, собиқ иттифокдан қолган деб қарайдилар. Амалиётчиларимиз эса унинг амалий аҳамиятини сезмаяптилар. Лекин, ҳукуматимиз томонидан маҳаллий ишлаб чиқаришни (маҳаллий саноатни) ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш борасида кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинган.

Маҳаллий саноат - маҳаллий хом ашё ресурсларидан маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари мажмуи. Унинг таркибида қора металлургия, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, ёғочни қайта ишлаш саноати, мебель саноати, қурилиш материаллари, шиша ва чинни фаянс, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари, халқ хунармандчилигининг зардўзлик, тикувчилик, тўқувчилик, пичоқчилик, бадий каштачилик (сўзана, гулжўрпа, чойшаб, зардевол, палак, кирпеч), дўппидўзлик, ўймакорлик, мисгарлик, заргарлик, кандакорлик, рихтагарлик, кулоллик, миллий чолғу асбоблари ясаш, касибчилик ва бошқа тармоқлари киради. Одатда, турли кичик ишлаб чиқариш корхоналарини, айниқса, кичик шаҳарлар ва йирик қишлоқларда ташкил этиш билан маҳаллий саноат, саноат марказларидан узоқда жойлашган ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиради, хунармандлар, ишсизлар, маҳаллий аҳоли, нафақадагилар ва бошқа меҳнат қобилияти чекланган аҳоли тоифаларини унумли меҳнатга жалб этади, маҳсулот чиқариш учун четдан келтириладиган хом ашё билан бирга маҳаллий хом ашё ресурслари, материаллар, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариши чиқиндиларини қайта ишлатади.

Маҳаллий саноат хилма-хил истеъмол товарлари ва саноат мақсадларидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда Маҳаллий саноат ХХ - аср бошларидан хунармандлар ва касиблар ширкатлари кўринишида шаклланди. 1934-1992 йилларда Республика Маҳаллий саноат вазирлиги (1994-1997 йилларда “Маҳаллий саноат” давлат корпорацияси) ташкил этилди. Шаҳарларда

катта-кичик хусусий ҳамда жамоа корхоналари, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади. Маҳаллий саноат корхоналарида 280 дан кўпроқ номда маданий, маиший, хўжалик моллари ишлаб чиқарилади.

Миллий каштачилик буюмлари Тошкент, Андижон, Чуст, Наманган ва Қашқадарё бадий буюмлар фабрикаларида ишлаб чиқарилган. Миллий газлама (Марғилон, Олтиариқда қўлда тўқилган хонатласлар, Китобда беқасам) ишлаб чиқарилади. Гилам тўқиш маҳаллий хунармандчиликнинг энг ривожланган ва кенг ёйилган тармоқларидан биридир. Қўлда тўқилган гилам ва палосларда маҳаллий услуб ва бадий услублар сақланиб келмоқда. Чуст бадий буюмлар фабрикаси ва Тошкент касаначилик фабрикалари уйда иш-лайдиган ишчилардан фойдаланишга ихтисослашган. Тармоқда нодир металллар, тошлар ва синтетик материаллар (сунъий кристаллар) асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган “Фотон” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳридаги бир неча заргарлик корхоналари фаолият кўрсатади. Тармоқ маҳсулотларининг муайян қисми экспорт қилинади.<sup>84</sup>

Юқоридаги маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, бу корхоналарда неча минглаб одамлар иш билан таъминланган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг улуши ўсиб бориши натижасида маҳаллий бюджет даромадлари ва бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга хорижлик харидорларнинг талаби бўлгани учун мамлакатнинг экспорт салоҳияти ўсиб борган. Ҳозирда айрим сабаблар ва маъсулиятсизликлар натижасида айтиб ўтилган фаолият турлари тарихга айланиб қолди.

Маҳаллий саноат - бу умумиқтисодий атама бўлиб, собиқ иттифоқ ва унинг қарамоғидаги мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маҳаллий аҳамиятга эга корхоналарга мурожаат қилиш учун фойдаланилган. Ушбу корхоналар давлатнинг ёки кооператив мулкчилик шаклига эга бўлган ва ўзлари ишлаб чиқарадиган кичик ва ўрта корхоналарни - фабрикаларни,

---

<sup>84</sup> Мусаев Н. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalliy-sanoat-uz/>

ишлаб чиқариш бирлашмаларини, илмий-тадқиқот институтларини, лойиҳа ва муҳандислик ташкилотларини, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ва бошқаларни қамраб оладиган иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида кўриб чиқилган хизматлар одатда маҳаллий истеъмол учун мўлжалланган эди. Маҳаллий саноатнинг асосий вазифаси аҳолининг истеъмол товарларига яъни, маданий ва маиший маҳсулотлар, уй-рўзғор буюмлари бўлган эҳтиёжларини қондириш эди. Маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни амалга оширишда маҳаллий ресурслар, хом ашё ва материаллар ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан фойдаланилган. Маҳаллий саноат корхоналари кўп тармоқли тузилишга эга бўлиб, унинг таркибига машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, тикувчилик, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш, кимё, мусиқа ва бошқа саноат корхоналари киради. Маҳаллий саноат соҳасидаги корхоналар собиқ иттифоқда маданий, маиший ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 15 фоизини ташкил этган.<sup>85</sup>

Бундай ишлаб чиқариш соҳасининг эътибордан четда қолишининг асосий сабаби, собиқ иттифоқнинг тарқashi ва унинг ўрнида мустақил давлатларни вужудга келиши билан иқтисодий қарашларни ўзгариши бўлди. Бу ерда бир фаолиятнинг номи ўзгариши билан унинг иқтисодий мазмуни ва жамиятдаги вазифаси, аҳамияти ўзгармаслиги мумкин. Собиқ иттифоқ даврида “Маҳаллий саноат” сўзи ишлатилган бўлса, ҳозирда маҳаллий ишлаб чиқариш ўз иқтисодий мазмунини йўқотмаган. Масалан, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини ўрганишда “Ялпи ҳудудий маҳсулот” кўрсаткичидан фойдаланамиз. Бизнинг фикримизча, агар қонун доирасида анъанавий ҳисобланган фаолият тури ёки соҳа инсон манфаатлари, жамиятнинг ривожланиши учун хизмат қилса, уни эскилик сифатида қарамаслик керак. Масалан, ҳозирда нон ва нон маҳсулотларини тайёрлашнинг илғор технологиялари жуда ривожланиб кетган, лекин халқимиз учун оддий

---

<sup>85</sup> Долотов К. А. Большая советская энциклопедия. <https://gufo.me/dict/bse>

тандирда, кўмирда пиширилган нон ҳаммасидан афзалдир. Шунинг учун иқтисодий атамаларда “Маҳаллий саноат” сўзи ўрнида “Маҳаллий ишлаб чиқариш” сўзининг ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2020 йил ПҚ-4653-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғриси”да низом қабул қилинди. Низомда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида ҳам қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- ҳудудларнинг табиий хом ашё ва меҳнат ресурсларини ҳамда “нисбий устунликлари” ни инобатга олган ҳолда уларни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаб олиш ҳамда амалга ошириш;

- ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари доирасидаги лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, ҳудудлараро ривожланишнинг табақалашувини қисқартириш чораларини кўриш;

- ҳудудларда саноат зоналарини ташкил этиш, уларни жойлаштириш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, уларни ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда ҳудудларни ривожлантиришнинг миллий методологик асослари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш.<sup>86</sup>

Фарғона минтақасида унинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ютуқларини қуйида келтирилган кўрсаткичлар натижасида кўришимиз мумкин: биринчидан, маҳаллий ҳокимиятнинг фаолият доираси кенгаяди ва маъсулияти кучаяди; иккинчидан, минтақада қўшимча ишчи ўринлари пайдо

---

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғрисида Низом (ЎзРПрезидентининг 26.03.2020 й. ПҚ-4653-сонқарорига 3-илова). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

бўлиши билан минтақада ишсизликнинг олди олинади; учинчидан, маҳаллий аҳолининг импорт ўрнини босувчи маданий, маиший ва уй-рўзгор буюмларига ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилади; тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ўз вақтида самарали фойдаланиш ва экспорт салоҳиятини ўсишига эришилади; бешинчидан, ялпи ички маҳсулотда ялпи ҳудудий маҳсулот улушининг ортишига эришилади; олтинчидан, маҳаллий бюджет даромадлари ўсиб боради; еттинчидан, минтақада камбағаллик даражасининг пасайишига эришилади; саккизинчидан минтақанинг миллий хунармандчилик мактаблари, ишлаб чиқариш маданияти, урф-одатлари сақлаб қолинади.

Санаб ўтилган натижаларга қуйидаги тадбирларни амалга ошириш билан эришилади:

1. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш билан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

2. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни замонавий техника ва технологиялар асосида етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашни, экспорт қилишни ривожлантириш.

3. Миллий хунармандчилик мактабларини қайта уюштириш асосида ташкил қилиш ва ривожлантириш.

4. Дехқон ҳамда фермер хўжалиқларининг янги кластер тизимини инновацион технологиялари асосида ривожлантириш.

5. Маҳаллий хом ашёлар ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

6. Маҳаллий хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш.

7. Минтақада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда вилоятлараро меҳнат тақсимотини илмий асосда ташкил этиш.

Шу кунгача дехқон ва фермер хўжалиқлари мулкчилик шаклига қараб хусусий мулкчилик тизимига, фаолият турига қараб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, ишлаб чиқарган маҳсулот турига қараб қишлоқ

хўжалиги корхонасига киритилган, лекин ҳудудий маҳсулотдаги улуши жихатдан гуруҳланмаган. Бизнинг фикримизча, ҳудудий маҳсулотдаги улуши жихатдан дехқон ва фермер хўжаликларининг барча жихатлари олдинги саволларимизда кўриб ўтилган маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари талабларига мос келади. Шу сабабдан биз минтақада фаолият юритаётган барча дехқон ва фермер хўжаликларини маҳаллий ишлаб чиқариш корхонаси сифатида тан олиш керак деган таклифни берамиз.

Ҳозирда минтақада кам рентабелликда ишлаётган йирик корхоналарга маҳаллий ишлаб чиқариш мақомини бериш мақсадга мувофиқдир. Масалан, донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари минтақа ҳудудида жойлашган, бу корхоналарда маҳаллий мутахассислар ишлайди, асосан маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқаришни амалга оширади, асосан маҳаллий аҳолини ун маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини эса озуқа билан таъминлайди. Бундай корхоналарнинг бошқарув мақомини ўзгариши минтақада маҳаллий ишлаб чиқариш тизимини ривожланишига, минтақада мавжуд ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланишга ва маҳаллий бюджет даромадларини ошишига олиб келади.



### **3.3-расм. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг мулкчилик шаклига қараб гуруҳланиши**

Келтирилган 3.3-расмда юқорида билдирилган фикрлар асосида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари таркибига мулкчилик шаклидан



катъий назар ушбу хуудда жойлашган, маҳаллий ишлаб чиқаришга қўйилган талабларига жавоб берадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг таркибий тузилиши тавсия этилади.

### **3.3. Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан камбағаллик даражаси пасайтиришнинг имкониятларини ошириш йўллари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон қарорига мувофиқ маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга оширишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ва ҳажмлари, кооперация алоқалари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, маҳаллийлаштириш жараёнида юзага келаётган муаммоли масалаларни доимий равишда назорат қилиб бориш вазифаси белгиланган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2030-йилда 40 фоизга етказиш, энергияни тежамкор замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришишдир.

Иқтисодий ўсишини ифодаловчи асосий кўрсаткич бу – маҳаллий аҳолининг яшаш турмуш тарзидир. Иқтисодчи олимларимиз томонидан мамлакат иқтисодий ўсишга берилган таърифларда, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорларда ҳам инсон манфаатлари биринчи ўринга қўйилади.

“Иқтисодий ўсишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларидан ташқари, унинг ижтимоий йўналишини тавсифловчи омиллар ҳам қўлланилади. Булар аҳолининг бўш вақти динамикаси, аҳолининг ижтимоий ҳимояланиш

даражаси, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши, инсон капиталига инвестицияларнинг ўсиши ва бошқалар.”<sup>87</sup>

Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.

“Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни қийнайди”, - деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Пандемия шароитида энг фаровон давлатларда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш катта муаммо бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳам ишсизлар сони кўпайди. Шунингдек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, пандемия 450 мингга яқин оилалар даромадига жиддий таъсир қилган бўлиши мумкин. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари. Бу борада комплекс ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган, вазирлар, ҳокимлар ва секторлар раҳбарларининг вазифалари белгилаб берилган.

Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар ҳамда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш учун рўйхатлар шакллантирилган. Уларга мувофиқ, бугунги кунга қадар шундай оилаларнинг 540 мингтасига 307 миллиард сўмлик кўмак берилди.

---

<sup>87</sup> Манба: <https://fortrader.org/birzhevoj-slovar/ekonomicheskij-rost-strany.html>

Давлатимиз раҳбари асосий мақсад камбағал оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаб, уларни муҳтожликдан чиқариш экани, шунинг учун ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси билан алоҳида шуғулланиш зарурлигини таъкидлади.<sup>88</sup>

Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак.

Ҳозирги кунда мамлакатда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқори. Шу билан бирга, бугунги кунда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжуд.

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни

---

<sup>88</sup> <https://t.me/aniquz>

яратиш лозим.

Шунингдек, Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этишимиз керак. Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади. Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинади.<sup>89</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтган ҳудудларда камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш бизнинг фикримизча, энг аввало маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан бошлашимиз керак. Ҳаётий далиллар шуни кўрсатадики, қайси ҳудудда аҳоли кўпроқ миллий ҳунармандчилик билан банд бўлса, бу ҳудуд бошқа ҳудудларга нисбатан яхшироқ яшайди.

Баъзи ҳолларда ҳудуднинг иқтисодий ўсишиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун алоҳида олинган кўрсаткич ва усуллардан фойдаланиш шарт эмас. Бизнингча бу ерда яхши кўрсаткич ўша ҳудуд маҳаллий аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитидир. Гап камбағалликни камайтириш тўғрисида борганда, унинг даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишда унга турдош “Ўрта ҳол”, “Бой”, “Камбағал” сўзларидан ҳам фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир. Ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини белгилаш учун аввало маҳаллий аҳолининг камбағаллик даражасини аниқлаб олишимиз

---

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси №19 (7521), 2020 йил 25 январь.

зарур. Чунки бу кўрсаткичлар бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Шу ерда “Камбағаллик даражасини қандай аниқлаймиз” деган савол туғилиши мумкин. Камбағаллик даражасини профессорлар А. Ўлмасов ва А. Вахобовларнинг фикрларидан фойдаланган ҳолда аниқлашимиз мумкин.

Камбағаллик даражаси - бу жон бошига ўртача даромадга эга бўлган одамлар сонининг яшаш даражасидан паст бўлган аҳолининг бутун аҳолига нисбати. Қашшоқлик чегараси - расмий равишда белгиланган минимал даромад даражаси; оқилона истеъмол даражаси - истеъмол миқдори ва тузилиши инсон учун энг мақбулдир. Қашшоқлик муаммоси - бу ижтимоий тенгсизлик муаммосидир, бунда асосий нарса - имкониятларнинг тенгсизлиги, оилаларнинг ривожланиш манбаларидан тенг фойдаланмаслик.<sup>90</sup>

Камбағаллик чегараси - бу шахс ёки оила озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой сотиб олиш имконига эга бўлган минимал даромад сифатида расмий равишда белгиланган пул миқдори (одатда, масалан, доллар ёки рубль билан ифодаланади). Камбағаллик чегараси - бу фақат ҳаётий озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой сотиб олиш учун зарур бўлган минимал даромад.

Қашшоқлик шахснинг ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий ҳолатини тавсифлайди. Бу атама инсоннинг минимал эҳтиёжларини қондириш учун эҳтиёж ёки маблағлар ва имкониятларнинг етишмаслигини англатади. Пул етишмаслиги, шунингдек, асосий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйган очлик ва тўйиб овқатланмаслик билан намоён бўлади.

Халқаро миқёсда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан қашшоқлик даражаси аниқланиб, бир киши учун кунига 5 доллар қилиб белгиланган. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг замонавий босқичида мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни уларнинг тараққиётнинг инновацион жиҳатларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, илмий - техник тараққиёт ютуқларидан амалиётда фойдаланиш

---

<sup>90</sup>Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2014 й.

қобилияти билан аниқланади.

|              | 2000  | 2015   | Ўсиш (марта) |
|--------------|-------|--------|--------------|
| Туркменистон | 600   | 7 380  | 12,30        |
| Озарбойжон   | 610   | 6 560  | 10,75        |
| Қозоғистон   | 1 260 | 11 390 | 9,04         |
| Хитой        | 940   | 7 930  | 8,44         |
| Мўғулистон   | 470   | 3 870  | 8,23         |
| Тожикистон   | 170   | 1 280  | 7,53         |
| Россия       | 1 710 | 11 450 | 6,70         |
| Молдова      | 370   | 2240   | 6,05         |
| Арманистон   | 660   | 3 880  | 5,88         |
| Гуржистон    | 750   | 4 160  | 5,55         |
| Вьетнам      | 400   | 1 990  | 4,98         |
| Литва        | 3112  | 14 940 | 4,80         |
| Беларусь     | 1 380 | 6 460  | 4,68         |
| Латвия       | 3 310 | 14 980 | 4,53         |
| Эстония      | 4 150 | 18 360 | 4,42         |
| Қирғизистон  | 280   | 1 170  | 4,18         |
| Украина      | 700   | 2 640  | 3,77         |
| Ўзбекистон   | 630   | 2 160  | 3,43         |

Табиий бойликларга бой мамлакатлар

Табиий бойликлари кам бўлган мамлакатлар

### 3.4 -расм. 2000 йилдан бошлаб аҳоли жон бошига ЯМД нинг ўсиши, АҚШ доллариди <sup>91</sup>

Расмда келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, 2000 йилдан буён давлатимизда аҳоли жон бошига ЯМД нинг ўсиши қаралаётган давлатлар ичида энг паст кўрсаткичга эга. Лекин, табиий бойликлари кўп мамлакатлар каторида турибди. Бу мамлакатимизда етарли имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланилмаётганлигидан далолат беради.

Россиядаги қашшоқлик статистикаси шуни кўрсатадики, фақат 2016 йилнинг ўзида тиланчилар сони икки миллионга кўпайди. 2015 йилда, Россияда камбағаллик чегарасида 18 миллион киши бор эди. 2016 йил сентябрь ойида 20,3 миллиондан ортиқ одам қайд этилди. Камбағаллик статистикаси кўрсаткичлари қуйидагича:

- 2016 йилда яшаш нархи - 9673 рубл (2015 йилда бу 8086 рубл эди);

<sup>91</sup>Манба:<https://fayzbog.uz/>

- аҳоли жон бошига ўртача даромад-30456 рубл (2015 йилда 28990 рубл).

Америкада кам таъминланганлик даражаси ҳар бир оила учун унинг аъзолари сони ва таркиби асосида белгиланади. 2016 йилда АҚШ да кашшоқлик даражаси қандай эди? Статистика шуни кўрсатадики, Америкада кашшоқлик ишсизларнинг тақдиридир. Ишлаётган фуқаролар, расмий маълумотларга кўра уларнинг 2,6 фоизи кашшоқлик чегарасида яшайди.

Хитойда кашшоқлик қишлоқ ва шаҳар ўртасида тенг тақсимланмаган ижтимоий ҳодисадир. Кўрсатилган индикатор учун географик жойлашув жуда муҳим: кашшоқлик шарқдан ғарбга қадар камаяди. Хитой аҳолисининг иқтисодий тенгсизлиги давлат иқтисодиётининг жадал ривожланишига олиб келди. Бунга давлатнинг иқтисодиётдаги ролининг пасайиши, урбанизация ва фуқаролар фаровонлиги даражасининг ўзгариши сабаб бўлди. Шаҳарларда камбағаллик феномени 1995 йилдан бошлаб, ишдан бўшатиш ва ишсизлик даражаси юқори бўлган пайтдан (1998 йилда 10,4 фоиз) пайдо бўлган. Қишлоқ аҳолисига келсак, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар туфайли улар орасида камбағаллар сони расман 250 миллиондан 29 миллионгача (30,7 фоиздан 3,2 фоизгача) амайди.<sup>92</sup>

Хитойда камбағалликни камайтириш бўйича ижобий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, ҳар бир раҳбар ёки партия ходими халққа ғамхўрлик қилиши ва тўрт - бешта оилани ўз ҳомийлигига олиши керак. Кам таъминланганларга ижтимоий нафақалар ўрнига сифатли уруғлар, кўчатлар, микрокредитлар, ахборот хизматлари, технологик ёрдам, мукофот ва бошқа турдаги рағбатлантиришлар ажратилади. Аҳолига молиявий саводхонлик асослари ўргатилади. Бундан ташқари, жойларда маҳаллий чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа йўналишлар бўйича курслар олиб борилади. Ҳар бир оила аъзоси камида битта касбни эгаллаши шарт.<sup>93</sup>

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги

<sup>92</sup> Манба: <https://vavilon.ru/statistika-bednosti/>

<sup>93</sup> Манба: <https://kun.uz/news/2020/03/11/ekspert-xitoyning-kambagallikni-kamaytirish-borasidagi-tajribasini-ozbekistonda>.

ташкilotининг янги ҳисоб - китобларига кўра, Ўзбекистонда етарлича овқатланмаганлар улуши 2,6 фоизни ташкил қилади (тахминан 800 минг киши). Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси ахборот берди.

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкilotининг мутахассислари ушбу кўрсаткични 2014 йилдан бошлаб қайта ҳисоблаб чиққанларида, етарлича овқатланмаганларнинг улуши Ўзбекистон Республикаси бўйича 2016 - 2018 йилларда 2,8 фоизни (900 минг киши) ва 2017- 2019 йилларда 2,6 фоизни ташкил этди. Ушбу ташкilotининг 2019 йил учун ҳисоботида кўра, 2016-2018 йилларда бу кўрсаткич 6,3 фоиз (икки миллион киши) эди. Бу Марказий Осиёда энг юқори кўрсаткич, ундан кейин Туркманистон (5,4 фоиз) ва Қозоғистон (2,1 фоиз).

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкilotи томонидан Давлат статистика қўмитасининг янги маълумотлар 13-июл куни эълон қилинган ва “Дунёда озиқ - овқат хавфсизлиги ва овқатланишнинг 2020 йилдаги ҳолати” (СОФИ 2020) ҳисоботида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2020 йил ПҚ-4653-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғриси”да низом қабул қилинди.

Камбағалликнинг сабабларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин жумладан, биринчиси, инсон омиллари таъсир қилмайдиган омиллар. Бу омилга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий-иқтисодий вазият. Масалан, Афғонистон, Суриядаги сиёсий вазият, Украина ва Россиядаги ўзаро урушларнинг давом этиши ёки бутун дунёни ларзага солган COVID -19 коронавирус эпидемияси;

- мамлакатдаги молиявий инқироз: миллий валютанинг қадрсизланиши туфайли инфляция даражасининг ортиши;

- хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот деб эълон қилиниши ёки вақтинча ўз фаолиятини тўхтатиши;

- деҳқончилик йилида табиий шароитнинг ёмон келиши ва бошқалар.



Иккинчиси, инсоннинг шахсий фазилатлари таъсирида пайдо бўладиган сабаблар:

- дангасалик ва лаёқатсизлик;
- ногиронлик ёки вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш;
- интеллектуал мулкка сарфланган капитал даражасининг пастлиги,

уқувсизлик, касбий маҳоратнинг йўқлиги ва бошқалар.

Жаҳон амалиётида мамлакат турмуш даражасини (истеъмол саватчаси) белгилаш учун бир нечта вариант ишлаб чиқилган:

- статистик усул, маълум бир мамлакатнинг энг бадавлат фуқароларининг даромадлари даражасида, истеъмол минимумини белгилашни назарда тутди. Бу усул даромад даражаси жуда юқори бўлган давлатларда қўлланилиши мумкин;

- субъектив ёки ижтимоий ёндашув, аҳоли ўртасида минимал даромадлар юзасидан ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижаларига асосланади. Бу усул кўпроқ консултатив (маслаҳатлашилиб ҳал этилади) тарзда кўринишда бўлади, чунки унинг натижалари давлатнинг реал иқтисодий имкониятларига мос келмаслиги мумкин, лекин у одамларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ифодалайди;

- ресурс услуви, иқтисодиётнинг истеъмол минимумини таъминлаб бериш имкониятига асосланган бўлиб, бундай услуб кўпроқ ривожланган мамлакатларда қўлланилади;

- қўшма (комбинированный) услуб, бир неча усулни ўзига бирлаштиради. Яъни, озиқ-овқат қиймати - меъёрларда, уй-жой коммунал хизматлар фактларда ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари – умумий харажатларнинг улуши бўйича аниқланади.

Амалда, минимал истеъмол саватчаси сифатида кунлик минимал қийматини белгилашдан иборат меъёрий усул қўлланилади. Ҳар бир давлат энг кам истеъмол саватини яратишнинг ўзига хос хусусиятларига эга.

Мисол учун, Болгарияда бундай саватчаларнинг олтитаси таклиф қилинган бўлиб, бу уларнинг хусусиятларига кўра, оилаларнинг таркиби

бўйича бир қатор бирикмаларни беради. Саватнинг озиқ-овқат қисми ишлайдиганлар, нафақадагилар ва болалар учун градацияни ўз ичига олиб, кўшимча равишда 149 та озиқ-овқат маҳсулоти бор. Турли мамлакатларда, масалан, Литва, Беларусь ва Эстониядаги каби ижтимоий, Россияда ва Қозоғистонда физиологик истеъмол минимумлари қўлланилади.

Литвада истеъмол минимуми оиланинг 4 нафар аъзосининг эҳтиёжлари асосида аниқланади. Яъни, 14 ёш атрофидаги ўғил, 6-8 ёшлардаги қиз ва ота-она. Бошқа оилалар учун махсус коэффицентлар қўлланади. Товарларнинг озиқ-овқат улуши 50 дан ортиқ товарни ўз ичига олади ва истеъмол минимуми бюджетининг 45-50 фоизини ташкил этади.

Истеъмол минимумини шакллантиришнинг яна бир усули мавжуд бўлиб, у нисбий усул деб аталади. Нисбий усул ёки ўртача даромадни ҳисоблаш усули асосан ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда қўлланади. Ўртача даромад деганда шундай даромадни тушуниш лозимки, унда аҳолининг ярми белгиланган устундан юқори ва ярми камроқ даромадга эга бўлади. Худди шундай АҚШ, Буюк Британия, Германияда истеъмол минимуми миқдори ўртача даромаднинг 40 фоизини, Финляндия, Италия, Греция, Испанияда -50 фоизни, Португалия ва Ирландияда 60 фоизни ташкил этади.

Истеъмол минимуми ҳажмини ҳисоблашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- Иқтисодий талаблари: бозор иқтисодиётининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, бошқа мамлакатлар билан ташқи иқтисодий фаолиятни шакллантириш, меҳнат муносабатларини демократлаштириш, бюджет даромадларини тўлдириш бўйича чора-тадбирлар.

- Ҳуқуқий: меҳнат қилиш ҳуқуқи, шахснинг мустақил равишда ҳаёт кечириш учун ишга лаёқатлилиги тушуниладиган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакетга мувофиқ, ҳамма эътироф этган инсон ҳуқуқларига риоя қилиш.

- Ижтимоий: маошнинг умумий даражаси, иш ҳақи ва маҳсулдорлик

ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш, иш ҳақи ва меҳнат нафақалари минимал давлат кафолатларини ошириш орқали истеъмол минимум даражасига босқичма-босқич эришиш.<sup>94</sup>

Кўп мамлакатларда аҳолисининг турмуш даражасини белгилашда иккита яъни, “яшаш минимуми” ва “истеъмол саватчаси” кўрсаткичларидан фойдаланилади. Аслида улар бир-бирига боғлиқ кўрсаткичлар бўлиб, мамлакат ёки ҳудуд бўйича камбағаллик чегарасини белгилаб беради. Баъзи ҳолларда ҳаётда бу кўрсаткичлар бир-бирини инкор ҳам этади.

Масалан, энг кам иш ҳақи бу бир меъёр бўлиб, амалда меҳнатга бундай миқдорда ҳақ тўланмайди. Бу меъёрий кўрсаткич жарималар, божхона ва адлия органлари тўловлари, солиқлар каби тўловлар миқдорини аниқлаш учун ишлатилади ҳамда 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб 223 минг сўмни ташкил қилади. Шунингдек, меҳнат кодексининг 93 моддасига кўра 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 634 883 сўмни ташкил қилади. Яъни, бир ой ишлаган ходимга хоҳ у давлат ташкилоти бўлсин, хоҳ нодавлат, бундан кам миқдорда ҳақ тўлаш мумкин эмас. Маошнинг юқори чегараси эса белгиланмаган. Демак, 634 883 сўм “яшаш минимуми” ҳисобланади.

“Камбағалликни қисқартириш стратегияси ишлаб чиқиладиган бўлса, истеъмол саватчаси ва яшаш даражасининг минимуми қачон белгиланиши ҳақидаги саволга жавоб беришга мажбур бўламиз. Яшаш даражаси минимумини эълон қилиш, тўғриси, маълум бир юридик муаммоларни келтириб чиқаради. Буни очиқ айтишимиз керак. Яшаш минимумини ҳисоблаб чиқдик ҳам дейлик. 2018 йилда ҳисоблаганда 700 минг сўм атрофида эди. Яна, биз айтишимиз керакки, ҳурматли ҳамюртлар, бизда яшаш минимуми миқдори 900 минг сўм, лекин биз буни тўлай олмаймиз. Чунки 13 млн. ёши катта аҳоли бор, шунинг бор - йўғи 5 миллиони даромад солиғи

---

<sup>94</sup> Аҳоли даромадлари «яшаш минимуми» ва «истеъмол саватчаси» га мос бўлиши таъминланади. <https://kun.uz/>

тўлайди, қолгани ҳеч қанақа солиқ тўламайди.”<sup>95</sup>

3.1-жадвал

**Фарғона минтақаси вилоятларида аҳоли даромадлари ва  
харажатлари динамикаси (минг сўм ҳисобда)<sup>96</sup>**

| Вилоятлар | Жами даромадлар | Аҳоли жон бошига умумий даромадлар | Аҳоли жон бошига ўртача ойлик истеъмол харажатлари |
|-----------|-----------------|------------------------------------|--|
| 2015 йил  |                 |                                    |  |
| Андижон   | 13552,5         | 4699,4                             | 285,4  |
| Наманган  | 10047,4         | 3896,2                             | 289,5  |
| Фарғона   | 15055,8         | 4332,5                             | 236,6  |
| 2016 йил  |                 |                                    |  |
| Андижон   | 16667,1         | 5471,5                             | 341,9  |
| Наманган  | 11781,5         | 4483,2                             | 313,9  |
| Фарғона   | 16840,0         | 4763,8                             | 335,4  |
| 2017 йил  |                 |                                    |  |
| Андижон   | 19629,8         | 6571,5                             | 471,1  |
| Наманган  | 14368,1         | 5369,2                             | 405,7  |
| Фарғона   | 19263,0         | 5362,0                             | 370,3  |
| 2018 йил  |                 |                                    |  |
| Андижон   | 24844,9         | 8174,5                             | 585,0  |
| Наманган  | 17944,1         | 6582,1                             | 536,4  |
| Фарғона   | 24963,9         | 6836,0                             | 476,7  |
| 2019 йил  |                 |                                    |  |
| Андижон   | 29859,3         | 9640,4                             | 649,2  |
| Наманган  | 22358,5         | 8037,1                             | 655,4  |
| Фарғона   | 29335,7         | 7891,0                             | 704,1  |
| 2020 йил  |                 |                                    |  |
| Андижон   | 34521,7         | 10931,8                            | 723,4  |
| Наманган  | 26765,3         | 9427,4                             | 562,5  |
| Фарғона   | 33849,7         | 8940,8                             | 660,3  |

3.1-жадвал асосида келтирилган статистик маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, минтақада йиллар кесимида аҳоли даромадлари ҳам, харажатлари ҳам ўсиб борган. Жумладан, Андижон вилояти аҳолисининг йиллик даромади 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 43 фоизга, харажати 40 фоизга, Наманган вилоятида аҳолининг йиллик даромади 2020 йилда 2015

<sup>95</sup> Қўчқоров Ж. 2020 йил давомида истеъмол саватчаси ва яшаш даражаси минимуми эълон қилинади. <https://kun.uz/news/2020/01/27>

<sup>96</sup> Манба: Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

йилга нисбатан 41 фоизга, харажати 51 фоизга, Фарғона вилоятида аҳолининг йиллик даромади 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 49 фоизга, харажати 36 фоизга ўсган. Минтақа кесимида Наманган вилояти аҳолисининг даромади харажатига нисбатан юқорироқ кўрсаткичга эга. Бу усулдан умумстатистик маълумотларни аниқлашда фойдаланиш мумкин, лекин вилоятлар кесимида ҳар бир оилани камбағаллик даражасини аниқлаш учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда ўрганилаётган ҳудуд ёки ҳар бир алоҳида олинган вилоятларида камбағаллик даражасини аниқлашда “ўртача” усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас деб топдик, чунки ўрганилаётган ҳудуддаги 120 та оиладан 98 таси бой яшаб, 22 таси камбағал яшаса, уларнинг даромадлари ва харажатлари ўртача ҳисобланса, камбағал оилаларнинг даромадлари кўп чиқиб, бой ёки ўрта ҳол яшайдиган оилалар қаторига кириб қолиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида камбағаллик даражасини аниқлаш ва унинг чегарасини белгилашда “яшаш минимуми” ва “истеъмол саватчаси” кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, бу кўрсаткични Республикамиз миқёсида ўртача усул билан аниқлаш ҳам кутилган натижани бермайдича, ҳозирда камбағаллик даражасини мосланувчан муқобил коэффициентлар орқали аниқлаш усулидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда камбағаллик даражаси тўғрисида аниқ аниқ маълумотга эга бўлиш учун ўрганилаётган ҳудуднинг ҳар бир оиласи бўйича турмуш даражасини алоҳида-алоҳида аниқлашни мақсадга мувофиқ деб топдик ва уни аниқлашда қуйида келтирилган формулани тавсия қилдик.

$$K_{K^D} = \frac{\sum X}{\sum D}, \quad (3.1)$$

бу ерда:  $K_{K^D}$  – камбағаллик даражасининг коэффициенти;

$\sum X$  – оиланинг барча моддий-маиший харажатлари жами суммаси;

$\sum D$  – оиланинг барча даромадлари жами суммаси.

Агар бу формула орқали коэффициент бирдан паст бўлса, оилада камбағаллик даражаси пастлигини билдиради; бирга тенг бўлса, камбағалик остонасида турганлигини билдиради; бирдан юқори бўлган кўрсаткич камбағаллик даражасининг ўсишини; бирдан кам бўлса, яъни 0,9 дан 0,5 гача бўлган ораликни ўрта ҳол; 0,5 дан паст бўлган оралик кўрсаткичлар бой оила эканлигини билдиради.

Камбағаллик чегараси ягона мамлакат учун бир хил бўлмайди. Бунга ҳудудларнинг географик жойлашган жойи, ижтимоий-иқтисодий ҳолати вамаҳаллий аҳолининг касб маданияти бевосита таъсир этади. Масалан, воҳа ҳудудларида қишлоқ хўжалигининг чорвачилик ва деҳқончилик касб маданияти ривожланган. Фарғона водийси ва Тошкент вилояти ҳудудларида боғдорчилик, полизчилик ҳамда хунарманчилик касб маданияти яхши ривожланган ҳамда жойлашган жойи ҳам анча қулайликларга эга. Шунингдек, камбағаллик чегарасида ҳудуднинг инфратузилмаси (шаҳар ёки қишлоқ) инobatга олиниши керак. Буни “Энгель” коэффициенти орқали (Энгель коэффициенти – жами харажатларда озиқ-овқат маҳсулоти истеъмолга сарфланган харажатларнинг улуши) тартибга солиш мумкин. Хозирда республикада энгель коэффициенти 0,67 қилиб белгиланиб (Энгель коэффициенти = жами харажатлар : озиқ-овқат маҳсулотларига харажатлар), минимал истеъмол харажатлари 440 000 сўмлиги кўрсатилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳудудларда камбағаллик чегарасини куйидаги формула орқали аниқлашимиз ҳам мумкин:

$$Kч = \frac{\sum D}{\sum X} \times \sum МИХ, (3.2)$$

бу ерда: Кч – камбағаллик чегараси;

$\sum X$ -Аҳоли жон бошига ўртача ойлик истеъмол харажатлари жами суммаси;

$\sum D$ – Аҳоли жон бошига умумий даромадлар суммаси;

$\sum МИХ$  – минимал истеъмол харажатлари.

Ушбу формулани 3.2-жадвал орқали тушуниб олишимиз мумкин.

**Фарғона минтақаси вилоятларида аҳоли даромадлари ва харажатлари динамикаси (минг сўм ҳисобда) <sup>97</sup>**

| Вилоятлар | Жами даромадлар | Аҳоли жон бошига умумий даромадлар | Аҳоли жон бошига ўртача ойлик истеъмол харажатлари |
|-----------|-----------------|------------------------------------|--|
| 2020 йил  |                 |                                    |  |
| Андижон   | 34521,7         | 10931,8                            | 723,4  |
| Наманган  | 26765,3         | 9427,4                             | 562,5  |
| Фарғона   | 33849,7         | 8940,8                             | 660,3  |

Мисол, Андижон вилоятида,  $Kч = \frac{10931,8}{723,4} \times 440 = 664915$  сўм;

Наманган вилоятида,  $Kч = \frac{9427,4}{562,5} \times 440 = 737432$  сўм.

Фарғона вилоятида,  $Kч = \frac{8940,8}{660,3} \times 440 = 595783$  сўм.

Демак, таҳлил қилинган даврда Наманган вилоятида Андижон ва Фарғона вилоятларига нисбатан камбағаллик чегараси юқори бўлган.

Бугунги кунда ҳудудларда камбағаллик даражасини пасайтиришнинг энг асосий манбаси сифатида олдинги саволларимизда кўриб ўтилган маълумотлар, ўрганилган муммолар, билдирилган фикрлар, қилинган таҳлилларга кўра билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида ҳудудларда қайта саноатлаштириш тизими тамойиллар асосида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш деб топдик.

Камбағаллик даражасини аниқлаш, уни олди олинди дегани эмас. Камбағаллик даражаси тўғрисидаги маълумот мамлакатда қашшоқликнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишда асосий манба ҳисобланади холос. Бизнингча, бугунги кунда ҳудудларда камбағаллик даражасини пасайтиришнинг энг асосий манбаси сифатида олдинги саволларимизда кўриб ўтилган маълумотлар, ўрганилган муммолар, билдирилган фикрлар, қилинган таҳлиллар асосида ҳудудларда қайта саноатлаштириш тизими асосида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш топилди.

<sup>97</sup> Манба: ihfo@stat.uz.

## Учинчи боб бўйича хулоса

Ушбу бобда минтақа макроиқтисодий барқарорлигининг таъминланишида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишлари ва ташкилий жиҳатлари ўрганилиб, минтақалар иқтисодий ўсишига таъсир этувчи асосий омиллари сифатида минтақада олиб борилаётган инновацион ва солиқ сиёсатлари қаралди ва уларни ривожлантириш борасида таклифлар берилди. Шунингдек, минтақанинг иқтисодий ўсишида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг таъсири таҳлил қилиниб, минтақада маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ташкилий тамойил ва усуллари борасида тавсиялар берилди.

Минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида ҳудудда қашшоқликнинг олдини олиш чора - тадбирларига қуйидагиларни киритиш тавсия этилади:

1. Қайта саноатлаштириш тамойиллари асосида қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш билан янги иш ўринларини яратиб, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш.

2. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг касаначилик усули билан маҳаллий аҳолининг ногирон ва иш жойини вақтинча йўқотган ҳунармандлар қатламининг даромадларини ошириш.

3. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида минтақада вақтинча иш билан банд бўлмаган ишчи кучи экспортини ривожлантириш.

4. Минтақанинг миллий ҳунармандчилик ва анъанавий ишлаб чиқариш маданияти мактабларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш билан маҳаллий ёш авлодда меҳнат кўникмаларини шакллантириш.

5. Давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда Хитой давлати тажрибасидан фойдаланиш.

Минтақада камбағаллик даражасини пасайтиришнинг асосини маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлаб, камбағаллик даражасини аниқлаш ва уни пасайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.



Ҳукуматимиз томонидан камбағаллик даражасини аниқлаш ва унинг чегарасини белгилашда олиб борилаётган тадбирлар таҳлил қилиниб, ҳозирги кунда камбағаллик даражасини аниқлаш ва унинг чегарасини белгилашда “яшаш минимуми” ва “истеъмол саватчаси” кўрсаткичларидан мамлакатдаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида унга мосланувчан оддий муқобил усуллардан фойдаланиш зарур деб топилди. Камбағаллик даражасини коэффициент орқали аниқлаш бўйича формула тавсия этилди.

## ХУЛОСА

Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муаммо ва истиқболлари Фарғона водийси минтақаси мисолида ўрганилиб, бу мавзунини такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда уни ривожлантиришда қуйидагича хулоса қилинди:

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни ифодаловчи асосий кўрсаткич бу - маҳаллий аҳолининг яшаш турмуш даражасидир. Фарғона минтақасида бошқа ҳудудларга нисбатан аҳолини зич жойлашиши ҳудудда маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу муаммо ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, минтақавий меҳнат бозорини шакллантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш вазифаларини келтириб чиқаради. Муаммодан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишнинг асосий йўналиши бу –ҳудудларда маҳаллий касб маданиятини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш деб топилди.

Минтақадаги вазаиятдан келиб чиқиб, қонуний равишда вақтинча иш билан банд бўлмаган ишчи кучи экспортини ривожлантириш орқали маҳаллий аҳоли турмуш даражаси ўсишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Бутун дунё иқтисодиётини издан чиқарган, жаҳон ҳамжамиятининг ягона муаммоси айланган COVID -19 коронавирус эпидемияси республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий йўналишига ўз таъсирини ўтказиб, ҳудудлар макроиқтисодий барқарорлигини таъинланишида бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, макроиқтисодий барқарорликнинг асосий белгиларига ҳудуднинг соғлом эпидемиологик ва экологик муҳит каби аҳолининг саломатлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзунинг ўрганишдаги назарий ва амалий кузатишлар натижаси ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиндики, Фарғона водийси ҳудудларида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жуда катта

инвестицияларни жалб қилиш шарт эмас, фақат мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиш кифоя бўлади. Бу ўз навбатида инновацион ёндашув асосида амалга оширилади. Шу сабабли биз томондан тадқиқот давомида макроиктисодий барқарорликни таъминлашда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ўрни ва аҳамияти очиб берилди ҳамда уни услубий – ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш борасида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Фарғона водийсида макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун анъанавий ҳисобланган миллий ва маҳаллий касб маданияти асосида маҳаллий ишлаб чиқариш ривожлантириш етарли деб ўйлаймиз. Жумладан, қайта саноатлаштириш тамойиллари асосида мева-сабзавотларни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда бошқа хунармандчилик соҳаларини қайта саноатлаштириш тамойиллари асосида кластер тизимини ривожлантириш.

6. Минтақадаги ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ҳозирда ҳудудда жойлашган ва кам рентабелликда ишлаётган йирик корхоналар ҳамда дехқон ва фермер хўжаликларига маҳаллий ишлаб чиқариш мақомини бериш. Бунинг натижасида маҳаллий бюджет даромадларини ўсиши орқали маҳаллий аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига эришилади.

7. Ўзгарувчан иқтисодиёт шароитида камбағаллик даражасини аниқлаш ва унинг чегарасини белгилашда анъанавий ҳисобланган “яшаш минимуми” ва “истеъмол саватчаси” каби умумий кўрсаткичлар ўрнига камбағаллик даражасини алоҳида олинган ҳудудлар бўйича коэффициент орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун камбағаллик даражасини алоҳида олинган ҳудудлар бўйича коэффициент орқали аниқлаш ноанъанавий формула тавсия этилди.

8. Ҳудудларда маҳаллий аҳолининг бандлигини таъминлаш билан камбағаллик даражасини пасайтиришда айрим ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиш республикамизда макроиктисодий барқарорликни таъминланиши ҳамда маҳаллий аҳолининг боқимандалик кайфиятига тушиб қолмаслигига олиб келади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва услубий аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Расмий нашр. –Т.: Адолат, 2008.- 692б.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. –Т.: “Иқтисодий ҳуқук дунёси”, 2014.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 августдаги 405-сонли 1997-2000 йилларда маҳаллий саноатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш тўғрисида”ги қарори.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 29 апрелдаги 166-сонли “Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 15 августдаги ПФ – 1828 - сонли “Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ— 386-сонли «2006 — 2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ–5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги ПП-3199-сонли “Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947 - сонли “ Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 сентябрдаги ПФ - 5242-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479 - сонли “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ - 5495-сонли “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида” қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сонли “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сонли “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони, “Халқ сўзи”газетаси 1 февраль 2022 й.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2020 йил ПҚ-4653-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғриси”да низом.

22. 2019 йилда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, № 261 (6871), 2018 йил 28 декабрь.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, №258 (6953), 2017 йил 23 декабрь.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 21 февраль куни импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилишдаги маърузаси.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

## **II. Монография, дарслик, услубий қўлланма ва илмий ишлар тўплами**

26. Burda Michael. Macroeconomics: A European Text. Oxford University Press, 2013.

27. Dodgson M. The management of technological innovation: An

international and strategic approach. – Oxford University Press, 2000.

28. N. Gregory Mankiw . Macroeconomics. Worth Publishers, 2003.

29. John Maynard Keynes. A tract on monetary reform, L., 1923 (рус.пер.: Трактаат о денежной реформе, М.,1925).

30. Cooke Ian, Mayers P. Introduction to Innovation and Technology Transfer Boston: Artech House, Inc., 1996.

31. The Theory of Economic Development (1934). <https://dic.academic.ru> 32. Абдулқосимов Ҳ. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. Т. : “Akademiya”, 2011 й.

33. Абдурахмонова Г.Қ. Аҳолини иш билан бандлигини оширишда ташқи меҳнат миграциясининг аҳамияти. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2018 йил июль-август №4.

34. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. Дарслик.-Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004.

35. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. -7-е изд. Перераб. и доп.- М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005.

36. Беркинов Б., Маматова Ф. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари. Монография. Тошкент-2011.

37. Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. Монография.-Т.:Инновацион ривожланиш нашириёт-матбаа уйи, 2019.-160 б.

38. Бодрунов, С. Д. Формирование стратегии реиндустриализации России. Монография. Ин-т нового индустриал развития.– СПб., 2013. – 680с.

39. Бодрунов С.Д. Реиндустриализация. Круглый стол в вольном экономическом обществе России // Мир новой экономики.-2014. №1, с.11-26.

40. Бузмакова М.В. Реиндустриализация – тенденция мировой экономики. // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Серия: Социальные науки, 2017, № 1 (45), с. 7–17.

41. Бурханов А.У. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида

саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2011.

42. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. Учебник. Изда-во: Издательский Дом ПИТЕР, 2016.-288с.

43. Гальперин В. М. и др. Микроэкономика. Учебное пособие - СПб.: Институт «Экономическая школа», Санкт-Петербург, 2004. 168 с.

44. Грегори Мэнкью Жанр. Макроэкономика (Macroeconomics). Учебник-М.: Издательство: МГУ, 1994.- 734 с.

45. Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика. Учебник.- 6-е изд., испр. и доп. – М.: “Высшее образование”, 2006.- 214с.

46. Давлатова С. Фарғона водийсининг анъанавий хунармандчилиги. <http://uzbegim.us>

47. Дружинин А.Г., Ионов А.Ч. Концептуальные основы регионализации экономики. Учебное пособие. Ростов н/Д: Изд-во СКНЦВШ, 2001.-268с.

48. Дорнбуш Рудигер, Фишер Стэнли. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: Изд-во МГУ, ИНФРА-М, 1997. - 784 с.

49. Долан Э.Дж., Линдсей Д.Е. Микроэкономика. Учебник.–СПб., 1994.- 289 с.

50. Дьяченко О.В. Реиндустриализация экономики Челябинской области. //Вестник Челябинского государственного университета. Экономика. 2015. № 8 (363), с. 92–103.

51. Ивашковский С.Н. Макроэкономика. Учебник 2-е изд., испр., доп. – М.: Дело, 2002. - 472с.

52. Ишмухамедов А.Э. ва бошқ. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996. -191 б.

53. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент. Дарслик -Т.; ТДИУ, 2011. – 306 б.

54. Камилжанов Б. И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш. Монография.- Т.; Фан, 2007. - 172 б.



55. Кушнарченко, Т. В. Стратегии несырьевого развития региональной экономики: учет феномена многоукладности: Монография. Ростов н/Д: ИПК РГЭУ (РИНХ), 2016. - 304 с.

56. Лученок А.И., Шулейко О.Л., Румянцева О.И., Маркусенко М.В. Проблемы макроэкономического регулирования. Учебное пособие – Мн.: Право и экономика. Электронная версия. 2005. -178с.

57. Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. - Т.: Иқтисодиёт, 2017.

58. Матвеева Л. Г., Чернова О. А. Потенциал малого бизнеса в несырьевом развитии промышленности России: модели, инструменты и механизмы оценки. Таганрог: Изд-во ЮФУ, 2014. 236 с.

59. Маликов Т. Солиқ юки. “Халқ сўзи” 2006 йил 24 январ, №7.

60. Мамбетжанов Қ.Қ. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини таъминлаш омиллари.// “Бизнес-эксперт”.2018. №2.

61. Мамбетжанов Қ. Қ. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўзгариш тенденциялари. // Фан-техника, таълим ва технологиялар: долзарб муаммолар ва ривожланиш тенденциялари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислар тўплами. Жиззах, 2017.

62. Мамбетжанов Қ.Қ. Миллий ҳисоблар тизимида ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усулларининг назарий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Dsc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2019.

63. Муродхужаева Ф. Маҳаллийлаштириш - иқтисодий ривожланиш омили. // Иқтисод ва молия. 2014, №4.

64. Мирзакаримова М., Қаюмов А. Миллий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма.- Т.: «Университет», 2003.

65. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2017.– 328 б.

66. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. Учебное пособие. – М.: МГУ, 1994.

67. Мухтарова У. “Макроиктисодиёт” фанидан маърузалар матни. ТДИУ, 2014.

68. Наралиева Н. Фарғона водийсида ёпиқ ерларда ўстирилаётган тропик ва субтропик ўсимликлар. Фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2005.

69. Олимжонов О., Маликов Т. Молиявий менежмент.-Т.: “Академия”, 1999.- 192 б.

70. Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроэкономика. Учебное пособие.– М.: Экономика, Дело, 1992.- 234 с.

71. Пудеян Л. О. Гармонизация рыночных и государственных механизмов регулирования инновационно-информационных процессов в регионе. Специальность 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством: региональная экономика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ростов-на-Дону – 2021.

72. Райзберг Б.А. Современный социэкономический словарь.–М.:МГУ, 2012.-264с.

73. Раҳмонов Р. Фарғона минтақаси экспорт салоҳияти ва унга таъсир килувчи омиллар. // Иқтисод ва Молия. 2011, №5.

74. Рустамов Н. И. Саноат тармоқларини ички имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2018

75. Сабуров В.Д. Методы и инструменты совершенствования управления региональной системы налогового администрирования управление в социальных и экономических системах. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Душанбе, 2018.

76. Симкина Л.Г., Корнейчук Г.В. Микроэкономика. Учебное пособие. – СПб, 2003- 268 с.

77. Сотволдиев Н. Ж. Фарғона водийсида озиқ-овқат бозори шаклланиши ва ривожланишининг табиий омиллари. // Иқтисод ва молия / Экономика и

финансы. 2018, № 9 (117).

78. Набихужаев А. ва бошқалар Макроиктисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг Ўзбекистондаги динамикаси. // Иқтисод ва Молия. 2011, №2.

79. Тарасевич Л.С., Яллай В.А. Макроэкономика. Учебное пособие. Псков. ПГПИ, 2003.-104с.

80. Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2020.

81. Фролова Т.А. Макроэкономика: конспект лекций. Таганрог: ТРТУ, 2016.

82. Хошимов П.З. Экономика социальной сферы. Учебное пособие.–Т.: «Университет», 2002.-164 с.

83. Шитов С.С. Экономическая география и регионалистика. Учебное пособие–М.: МГУ, 1998.- 189 с.

84. Ширяева Н.О. Инвестиционное обеспечение реиндустриализации региональной экономики: условия и механизмы в контексте глобализации. Автореферат, г. Ростов-на-Дону, 2009.

85. Шодмонов Ш., Фафуров У. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия-иқтисод, 2010. -779 б.

86. Шодмонов Ш. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш жараёни. // “BIZNES - ЭКСПЕРТ”.2018, №7(127).

87. Эгамбердиев Ф.Т.. Худудий инвестиция сиёсати ва худудларни мажмуали ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш. //“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш муаммолари ва устувор йўналишлари” номли республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами 25 апрель 2019 йил (Ўз. Рес. Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти).;

88. Эшов М.П. Корхонанинг фундаментал қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Dsc)

илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2020.

89. Яхёев Қ. Солиққа т ортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.- 216 б.

90. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.:“Iqtisod-Moliya”, 2014 й.

91. Ўлмасов А.Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма.-Т.:«Меҳнат»,1997.

92. Қаюмов А., Назарова Ҳ., Эгамбердиев Ф., Якубов Ў. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма.Тошкент- 2004.

93. Қаххоров А.Ж. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали № 6, ноябрь-декабрь, 2015 йил. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

94. Қобилов Ш. Р. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.-Т.: Ўз.Рес. ИИВ Академияси, 2013.-775б.

### **III. Фойдаланилган бошқа манбалар ва интернет сайтлари**

95. 2005 йилда мамлкатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари. “Халқ сўзи” 11 февраль, 2006 й.

96. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнал. –Т.: 2010-2016 йиллар.

97. “Бозор, пул ва кредит” журнал. –Т.: 2010-2020 йиллар.

98. “Иқтисодиёт ва таълим” журнал. –Т.: 2010-2020 йиллар.

99. [www.facebook.com/account/sign up](http://www.facebook.com/account/sign-up). Жаҳон банкининг расмий веб-сайти.

100. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

101.[www.Central Asia.com](http://www.Central Asia.com) (Расходы на НИОКР (в % от ВВП). Данные Всемирного банка за 2008 год).

102.[ihfo@stat.uz](mailto:ihfo@stat.uz)

103. <https://kun.uz/uz/news/2018/12/05/2019>.

104. <https://fortrader.org/birzhevoj-slovar/ekonomicheskij-rost-strany.html>

105. <https://uz24.uz/uz/society>

106. <http://adolat.uz/uzbekiston>
107. <https://geographyofrussia.com/reindustrializaciya>
108. <https://darakchi.uz>
109. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalliy-sanoat-uz/>
110. <https://gufo.me/dict/bse>
111. <https://fortrader.org/birzhevoj-slovar/ekonomicheskij-rost-strany.html>
112. <https://vawilon.ru/statistika-bednosti/>
113. <https://fayzbog.uz/>
114. <https://qalampir.uz/news/>
115. <http://bs-life.ru/makroekonomika/vvp>
116. <https://basetop.ru>